



Европа Иттифоқи

Management Training Programme

MTP



O'ZBEKISTON
SAVDO-SANOAT
PALATASI



Uzbekistan



Тадбиркорлар учун он-лайн интерактив хизматлар

Интернетнинг виртуал
имкониятларидан бизнесда
қандай қилиб, унумли
фойдаланиш мумкин

Қўлланма



Европа Иттифоқи



Uzbekistan

Management Training Programme
MTP

Тадбиркорлар учун он-лайн интерактив хизматлар

*Интернетнинг виртуал имкониятларидан
бизнесда қандай қилиб, унумли фойдаланиши
мумкин*

Қўлланма

«infoCOM.UZ» нашриёти
Тошкент 2015

65.9(5Ў)09

Р 30

КБК 65.9(5Ў)09 32.973.202

УЎК 334.722(575.1):004.738.5

Тадбиркорлар учун он-лайн интерактив хизматлар.

Интернетнинг виртуал имкониятларидан бизнесда қандай қилиб, унумли фойдаланиши мумкин.
Қўланма. Тошкент, infoCOM.UZ, 2015, 176 бет.

Ушбу қўланма Интернетнинг виртуал имкониятларидан фойдаланиб, ишлашни ўрганишга бўлган тадбиркорларга мўлжалланган бўлиб, унда қуйидаги маълумотлар батафсил ёритилган: тадбиркорлар учун Интернетнинг виртуал имкониятлари, он-лайн технологиялардан фойдаланиш тартиблари, улардан бизнесни ривожлантиришда фойдаланиш усуллари, тез мулоқот қилиш технологиялари ва фойдали веб-саҳифалар тавсифи ва улардан фойдаланиш тартиблари келтирилади.

Ушбу қўланма фойдаланувчиларга тез вақт ичида Интернетнинг он-лайн технологияларидан, иш юртида, унумли мулоқот усуллари, электрон ҳукумат, хусусан, ағона интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш қўникмаларини эгаллаб олишга, унинг имкониятларидан кундалик фаолиятда унумли фойдаланиш йўллари, ўрганишига ёрдам беради.

Қўланма Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистон Бизнес Форуми” лойиҳаси ёрдамида тайёрланди ва Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган “Бошқарув кадрларни тайёрлаш дастури” лойиҳасининг кўмагида chop этилди. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг таркибий бўлинмалари орқали бепул тарқатилади. Қўланманинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг www.chamber.uz, “Ўзбекистон Бизнес Форуми” лойиҳасининг www.businessinfo.uz ҳамда “Бошқарув кадрларни тайёрлаш дастури” лойиҳасининг <http://mtpcu.uz> интернет сайтларида жойлаштирилган.

Тузувчи муаллиф: **Сайёра Раҳмонқулова**, физика-математика фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар:

Алишер Шайхоев, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Раиси,

Баҳодир Хошимов, Ўзбекистон Менежерлар Ассоциацияси Раиси.

ISBN-978-9943-392-14-4

© Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси

Европа Иттифоқи келажакда ўз ресурслари, изланишлари ва тақдирларини бирлаштиришга бўлган 28 аъзо давлатдан иборат. 50 йиллик кенгайиш даврида улар барқарорлик, демократия ва турғунлик ҳудудини барпо этиб, маданий хилма-хиллик, толерантлик ва инсон эркинлиги ҳолатларини сақлаб қолишга эришди. Европа Иттифоқи ўзи етишган ютуқлар ва мақсадларини иттифоқ таркибига кирмаган давлатлар билан баҳам кўриш ниятида.

Европа кўмитаси Европа Иттифоқининг ижроия органидир.

Мазкур нашр муаллифлари томонидан билдирилган фикрлар Европа Иттифоқи нуқтаи назарига тўлиқ тўғри келмаслиги мумкин.

© “Бошқарув кадрларни тайёрлаш дастури” лойиҳаси

БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД) БМТнинг ривожланиш соҳасидаги глобал тармоғи бўлиб, ўз олдига аъзо давлатларга билим, тажриба ва маблағ манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш орқали инсонлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар киритиш мақсадини қўйган. Биз 166та мамлакатда фаолият юритамиз; ушбу мамлакатлар ривожланишига оид глобал ва миллий муаммоларнинг ечимини топишларига кўмаклашамиз.

Мамлакатлар ўзларининг салоҳиятларини ривожлантириш жараёнида БМТТД ходимлари ва кенг доирадаги ҳамкорларининг тажриба ҳамда билдирилган фикрларидан фойдаланалди.

Мазкур нашр муаллифлари томонидан билдирилган фикрлар БМТ, жумладан, БМТ Тараққиёт Дастури ва БМТга аъзо давлатларнинг расмий нуқтаи назарларига мос келмаслиги мумкин.

© БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2015.

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

«infoCOM.UZ» нашриёти 2015

МУНДАРИЖА

Сўз боши	5
Кириш	8

1-боб. Интернет технологиялари ҳақида нималарни билиш зарур?	11
1.1. Тадбиркор учун Интернет имкониятлари	13
1.2. Интернет имкониятларининг тараққиёти	15
1.3. Интернет имкониятларидан иш юритишда ва бошқаришда фойдаланиш бўйича маслаҳатлар	20

2-боб. Интернетда ахборот таъминоти ва хавфсизлиги	25
2.1. Интернетда ахборот таъминоти ва ундан фойдаланиш тартиби	27
2.2. Интернетда ахборот хавфсизлиги.....	31
2.3. Офисда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тартиблари...	35
2.4. Булутли технологиялар имкониятлари	36
2.5. Офисда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тавсиялар.....	38

3-боб. Интернетда тез мулоқот қилиш турлари ва улардан фойдаланиш тартиблари	41
3.1.Интернетда тез мулоқот ва мурожаат қилиш турлари	43
3.2. Электрон почтадан мулоқот учун унумли фойдаланиш.....	43
3.3. Чат ёрдамида мулоқот	47
3.4. Блоглар ва саҳифалар ёрдамида мулоқот.....	48
3.5. Форум орқали мулоқот	51
3.6. Жамоа тармоғи орқали мулоқот	57
3.7. Интернет телефония орқали мулоқот	61
3.8. Видеоконференция орқали мулоқот.....	62
3.9. Мулоқотни ташкил этиш ва бошқариш бўйича тавсиялар.....	67

4-боб. Интернетда бизнесни юритиш ва ривожлантириш тартиби	69
4.1.Электрон офис имкониятлари ва уни яратиш тартиблари	71
4.2.Электрон реклама ва маркетинг.....	74
4.3.Электрон тўлов (UPAY) афзалликлари ва фойдаланиш тартиби	77

4.4.Электрон дўконлар имкониятлари ва фойдаланиш тартиби.....	79
4.5.Эълонлар тахтаси имкониятлари ва фойдаланиш тартиби	81
4.6. Электрон тижорат имкониятлари ва фойдаланиш тартиби.....	85
4.7. Электрон биржа имкониятлари.....	88
4.8. Электрон тиббиёт имкониятлари ва ишлаш тартиби	90
4.9. Ягона ахборот-маълумот порталидан унумли фойдаланиш тартиби	92
4.10. Тадбиркорликда Интернетда фойдаланиш бўйича маслаҳатлар.....	96

5-боб. Электрон ҳукумат имкониятларидан унумли фойдаланиш.....97

5.1. Электрон ҳукумат тушунчаси билан танишиш	99
5.2. “Электрон ҳукумат” тизими.....	101
5.3. Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳақида.....	103
5.4. Давлат интерактив хизматлари тавсифи.....	107
5.5. Ягона интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш тартиблари.....	113
5.6. Тадбиркорлар учун имкониятлар ва улардан фойдаланиш тартиби	119
5.7. Интерактив хизматлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар.....	123

6-боб. Электрон таълим..... 125

6.1. Электрон таълим имкониятлари билан танишув.....	127
6.2. Масофадан ўқиш технологияси афзалликлари	131
6.3. Масофадан ўқиш тартиби	134
6.4. Электрон кутубхоналардан фойдаланиш тартиби.....	141
6.5. Масофадан ўқиш курслари рўйхати	144
6.6. Масофадан ўқишни ташкил қилиш бўйича тавсиялар	147

Адабиётлар..... 150

Луғат..... 152

Фойдали веб-саҳифалар манзили ва изоҳлари 157

Хурматли тадбиркорлар!

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси (Палата) Сизга мазкур қўлланмани тақдим этишдан мамнун. Ҳозирги кунда Республика-мизда мулкдорлар синфини шакллантириш ва хусусий секторни жадал ривожлантиришга қаратилган фаол сиёсат олиб борилмоқда. Бундай сиёсат ҳар қандай бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи кучдир. Мазкур вазифаларни бажаришда Палатага муҳим масъулият юклатилгандир. Тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ишчанлик муҳитини такомиллаштириш, ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг чет эллик шериклар билан алоқаларини йўлга қўйишга кўмаклашиш Палатанинг асосий мақсади ҳисобланади.

Палата ҳамкорлари қатори кундан-кунга кўпайиб бораётганлиги, аъзоларимиз олдида биз учун қўшимча масъулиятдир. Фахр билан таъкидлаш лозимки, Палата аъзолари орасида кўп минглаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қаторида йирик молиявий институтлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, қўшма корхоналар сони кенгайиб бормоқда.

Булар қаторида, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Асака банки, Саноат қурилиш банки, Ипак Йўли банки, TRASTBANK, “UCCELL” va “Doychekabel” қўшма корхоналари, “Uzkimyo sanoat”, NEFTGAZMONTAJ, O‘ZAGROSUG‘URTA ва шу каби бошқа корхоналарни алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур.

Ҳозирги кунда Палата ва унинг бўлинмалари мутахассислари томонидан тадбиркорлар ва инвесторлар учун Ўзбекистоннинг барча нуқталарида ўз вақтида юқори малакали хизматлар кўрсатиш ва уларни кенгайтириб бориш мақсадида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Аъзоларимиз ва шу билан бирга, хорижий ҳамкорлар билан бўладиган бевосита алоқани олиб бориш вазифасини бажаришда Палатанинг веб-сайти (**www.chamber.uz**) қўл келмоқда. Ушбу сайтда тадбиркорлик фаолиятининг барча жараёнларига оид саволларга жавоб топиш, республика ва хорижда бизнес соҳасидаги сўнгги хабарлар билан танишиш, тадбиркорликка оид қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар бўйича муҳим маълумотларни олиш ва келгуси ишларда қўлланадиган қизиқарли маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳалари каби тадбиркорлик соҳасида ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан янада кенгроқ фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганларидек, компьютерлаштиришни, Интернетни, умуман ахборот технологияларини нафақат ишлаб чиқариш ва саноатда, умумий таълим мактаблари ва олий таълим муассасаларида, балки кундалик ҳаётимизда ҳам татбиқ этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйиш лозимдир.

2012 йил 21 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1730 сонли Қарори қабул қилиниши ушбу соҳага эътибор ва ундаги ислохотларнинг устувор аҳамият касб этишидан далолат беради.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиркорлик фаолиятида янада кенгроқ қўллаш мақсадида Палата томонидан БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистон Бизнес Форуми” лойиҳаси билан ҳамкорликда “Ягона ахборот-маълумот портали” яратилди ва республиканинг барча минтақаларида инфо-киосклар ўрнатилди. Ушбу инфо-киоск орқали тадбиркорлар бизнес юритишнинг турли жиҳатларини қамраб олган тизимлашган маълумотлар базасидан фойдаланишлари мумкин.

Фуқаролар ва тадбиркорлар учун тўловларни амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш учун “UPAY” тизими жорий этилди. Мазкур тизим Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, унинг ёрдамида мобил алоқа, Интернет ва SMS воситасида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш мумкин. Агар коммунал хизматлари, солиқ тўловлари, мобил телефон ва интернет хизмати, турли савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарига тўловларни амалга оширмоқчи бўлсангиз, “UPAY” сизга маъқул келади.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган савий-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистонда йилдан-йилга аҳолининг кенг қатламларига компьютер ва Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб, шахснинг ривожланиши ва бизнес фаолиятини янада тараққий эттириш учун

улкан имкониятлар яратилмоқда. Бу эса шахсдан ва айниқса, тадбиркорлардан компьютер ва Интернет технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланишни талаб этади.

Ушбу қўлланма айнан шу вазифани амалга оширишга қаратилган. У фойдаланувчиларга тез вақт ичида Интернетнинг он-лайн технологияларидан, иш юритишда унумли мулоқот усуллари-дан, электрон ҳукумат, хусусан, ягона интерактив давлат хизматла-ридан фойдаланиш қўникмаларини эгаллашга ёрдам беради.

Хурматли тадбиркорлар, Интернет ва замонавий ахборот тех-нологиялари имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда, ўз фаолиятингизни янада ривожлантириш ва бизнесда янгидан-янги марраларни эгаллашингизда Сизга муваффақиятлар ти-лаймиз.

Хурмат ва энг яхши тилаклар билан,

Алишер Шайхов,
Ўзбекистон Республикаси
Савдо-саноат палатаси Раиси

“Бугунги кунда миллий ахборот тизимини шакллантириш жараёнида Интернет ва бошқа глобал ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш XXI асрда мамлакат тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади”

Ислом Каримов

Кириш

Ушбу қўлланма кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларнинг ахборот технологиялари соҳасида малакасини оширишга ёрдам бериш учун мўлжалланган. Интернет тадбиркорларга республика ягона ахборот тизимидан ва тадбиркорларнинг халқаро тизимида боғланишга кўмак беради. Бу эса уларга ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишларида ёрдам беради. Шунинг учун Интернет имкониятларидан тадбиркорликда унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу қўлланма Интернет интерактив технологияларини ўрганмоқчи бўлган тадбиркорларга мўлжалланган бўлиб, унда куйидаги маълумотлар батафсил ёритилган: тадбиркорлар учун Интернетнинг виртуал имкониятлари, он-лайн технологиялардан фойдаланиш тартиблари, улардан бизнесни ривожлантиришда фойдаланиш усуллари, тез мулоқот қилиш технологиялари ва фойдали веб-саҳифалар тавсифи ва улардан фойдаланиш тартиблари келтирилади.

Ушбу қўлланма фойдаланувчиларга тез вақт ичида Интернетнинг он-лайн технологияларидан, иш юритишда тезкор мулоқот усуллари, электрон ҳукумат, хусусан, ягона интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш кўникмаларини эгаллаб олишга, унинг имкониятларидан кундалик фаолиятда унумли фойдаланиш йўлларини ўрганишига ёрдам беради.

Қўлланма 6 боб, адабиётлар рўйхати, луғат ва фойдали веб-саҳифалар манзили ва изоҳидан ташкил топган. Ҳар бир мавзу батафсил маълумотлар ва расмлар ёрдамида ёритилган. Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун топшириқлар берилган. Ушбу топшириқларни бажариш давомида Интернет он-лайн хизматларидан иш фаолиятида унумли фойдаланиш кўникмалари ҳосил бўлади. Шунинг учун топшириқларни бажаришга ва тавсияларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи боб тадбиркор учун Интернет имкониятлари, Интернет технологиялари, яъни хизматлари ва ушбу хизматлардан иш юртишда ва бошқаришда фойдаланиш бўйича амалий маслаҳатлар билан таништиради.

Иккинчи бобда тадбиркор Интернетдан унумли фойдаланиш тартиблари, Интернетда ахборот хавфсизлиги, маълумотлар хавфсизлиги, офисда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тартиблари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалий тавсиялар ва маслаҳатлар келтирилади.

Учинчи бобда Интернетда тез мулоқот қилиш турлари ва улардан фойдаланиш тартиблари, хусусан, Интернетда тез (интерактив) мулоқот қилиш хизмати турлари, мурожаат орқали мулоқот, электрон почтадан мулоқот учун унумли фойдаланиш, форум ёки жамоа тармоғи орқали мулоқот, Интернет телефония, видеоконференция, электрон ҳукумат ва мулоқотни ташкил этиш ва бошқариш бўйича тавсиялар жамланган. Шу билан бирга, булутли технологиялар тавсифи ва афзалликлари келтирилади.

Тўртинчи бобда тадбиркор Интернетда бизнесни юритиш ва ривожлантириш тартиблари, яъни он-лайн технологиялар – электрон офис имкониятлари ва уни яратиш тартиблари, электрон реклама ва маркетинг, электрон тўлов (UPAY), электрон дўконлар, эълонлар тахтаси, электрон тижорат, электрон биржа, электрон тиббиёт (телетиббиёт), БМТ ягона ахборот-маълумот портали имкониятлари ва унумли фойдаланиш тартиблари, Интернетда тадбиркорликда фойдаланиш ва бошқариш юзасидан фойдали маслаҳатлар баён этилган.

Бешинчи бобда электрон ҳукумат имкониятларидан унумли фойдаланиш, электрон ҳукумат имкониятлари, ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳақида, давлат интерактив хизматлари рўйхати ва тавсифи, ушбу хизматга мурожаат қилиш тартиби, корхона ишини юритиш имкониятлари ва улардан фойдаланиш тартиби каби интерактив хизматлардан фойдаланиш бўйича амалий маслаҳатлар берилади.

Интернет ёрдамида ходимлар малакасини ошириш, яъни электрон таълим – масофадан ўқиш имкониятлари ва фойдаланиш тартиблари олтинчи бобда келтирилади. Тадбиркорлар ушбу бобда масофадан ўқиш технологияси, электрон кутубхоналар

тавсифи ва фойдаланиш тартиби, масофадан ўқиш технологияси афзалликлари, имкониятлари, ўқиш тартиблари билан танишадилар. Масофадан ўқиш курслари рўйхати ҳамда масофадан ўқишни ташкил қилиш бўйича маслаҳатлар баён этилган.

Луғатда Интернет он-лайн хизматидан фойдаланиш жараёнида ишлатиладиган сўз ва атамалар изоҳи келтирилади.

Иловада фойдали веб-саҳифалар тавсифи ва фойдаланиш бўйича маслаҳатлар келтирилади.

Ушбу қўлланма Интернет он-лайн хизматлари – тадбиркорлик фаолиятингизда янада кўпроқ муваффақиятларга эришишингизда ёрдам беради, деб умид қиламиз.

**Интернет технологиялари ҳақида
нималарни билиш зарур?**



Биринчи боб

- Тадбиркор учун Интернет имкониятлари
- Интернет имкониятларининг тараққиётти
- Интернет имкониятларидан иш юритишда ва бошқаришда фойдаланиш бўйича маслаҳатлар





**Интернет – бу ўргимчасиз жаҳон
ахборот ўргимчак тўридир**

1.1. Тадбиркор учун Интернет имкониятлари

Бутун дунё ҳамжамияти шуни тан олмоқдаки, ХХІ асрда билим – энг бебаҳо ресурс сифатида – иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлади. Билим ва ахборотларни яратиш, узатиш ва уларга эга бўлиш тез суратларда амалга ошарётган бир даврда уларни эслаб қолиш имконияти мавжуд эмас. Билим ва ахборотларни йиғиш, танлаш, қайта ишлаш, узатиш ва амалиётда қўллашнинг восита ва усулларига эга бўлиш зарур.



Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик соҳаларда жиддий ўзгаришларга сабабчи бўлган глобаллашув жараёнида, айниқса, АКТ соҳасидаги кескин тараққиёт ахборот ресурсларининг ривожланишига олиб келди. Бу эса фойдаланувчилардан ахборотдан унумли фойдаланишни талаб этади.

ХХІ асрнинг инсониятга тақдим этган афзалликларидан бири АКТ имкониятлари бўлиб, у айнан шу талабга жавоб беради, яъни бугунги кунда инсон АКТ имкониятларидан фойдаланибгина қолмай, балки уларни кундалик фаолиятида тўғри ва унумли жорий этиш, кўзланган мақсадлари йўлида ютуқларга эришишига қўмак бериши шартдир.

Бугунги кунда, Интернет имкониятларидан хабардор бўлиш ва улардан фойдалана билиш зарурати ўсиб бормоқда. Дастлаб Интернет бу турли-туман маълумотлар, билимлар омбори эди. Эндиликда Интернет ёрдамида биргаликда унумли ишлаш имкониятлари ҳам ривожланиб бормоқда. Интернет айнан шу имкониятлари билан фойдаланувчиларни ўзига жалб этмоқда, мазкур имкониятлар, айниқса, тадбиркорликда жуда асқотмоқда. Бунинг учун ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиш зарур. Масалан, кундалик фаолиятда зарур бўлган ахборот ва билимларни топиш, янгиликлар билан танишиш, харидорлар билан мулоқот қилиш, зарур анжомлар ва технологияларни сотиб олиш ва тўловларни амалга ошириш учун фойдаланилмоқда.

Интернетда ўз корхонаси ҳамда хизматлари ҳақидаги маълумотларни веб-саҳифада ва жамoa тармоқларида берувчи корхоналар сони ўсиб бормoқда. Интернет орқали хизматларни амалга оширувчи корхоналар сони кўпаймоқда.

Тўловларни бажариш учун ҳам банкка бориш зарурати йўқолиб бормoқда.

Тадбиркорлар учун Интернет ёрдамида янгиликларни олиш ва юбориш қулай бўлиб қолди. Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси веб-саҳифасидаги маълумотлар, янгиликлар ва маслаҳатлардан тадбиркорлар фойдаланиб келмоқда. Бу эса Интернет ёрдамида тадбиркорликни амалга ошириш имкониятлари республикамызда ривожланиб бораётганининг далилидир.



Келинг, тадбиркор учун Интернет имкониятларини санаб ўтайлик:

- *Маълумотларни топиш, олиш, сақлаш ва улар устида ишлаш.*
- *Янгиликлардан хабардор бўлиш, янги билимларни олиш ва малакани ошириш.*
- *Мижозларни ва ҳамкорларни топиш.*
- *Маҳсулот ва хизматларни сотиш имконияти.*
- *Маркетинг ва бозор мониторингини амалга ошириш.*
- *Рақобатларнинг иш фаолиятини назорат қилиш.*
- *Тўловларни бажариш.*
- *Бизнесни бошқариш.*
- *Янги ғоялар ва лойиҳалар ҳақида маълумот олиш ва бизнесни ривожлантириш.*
- *Тезкор алоқа қилиш ва мурожаат этиш.*

Ушбу имкониятларга эришиш учун Интернет технологияларидан унумли фойдаланиш зарур. Шу билан бирга, корхона ва


унинг хизматлари ҳақидаги маълумотни Интернетга жойлаштириш ва уни оммавийлаштиришни йўлга қўйиш муҳимдир. Бизнесни бошқариш учун мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш мумкин. Ушбу қўлланмада Сиз Интернетнинг виртуал технологиялари тавсифи ва улардан фойдаланиш бўйича тавсия ва маслаҳатлар билан танишасиз. Ушбу виртуал оламга саёҳатингизда муваффақиятлар тилаймиз. Агар ушбу саёҳат натижасида сизда савол ва тавсиялар пайдо бўлса, уларни **www.chamber.uz** ва **www.businessinfo.uz** саҳифалари орқали юборишингиз мумкин.

1.2. Интернет имкониятларининг тараққиёти

Интернет дастлаб бир неча ҳарбий тадқиқотчилик марказлари ўртасида ахборот ресурсларидан биргаликда фойдаланиш учун яратилган эди. Кейинчалик ушбу имкониятдан олимлар ва тадқиқотчилар фойдалана бошлади. Йилдан-йилга унинг имкониятлари ошиб борди. Натижада унинг фойдаланувчилари доираси ҳам кенгайиб борди. Бугун Интернет бир қатор имкониятларга эга. Айнан ушбу имкониятлар унинг кенг оммага манзур бўлишининг сабабчисидир. Шунинг учун ҳозирги кунда Интернет каттаю-кичикнинг энг яқин дўстига айланди.

Умуман олганда, Интернет қуйидаги имкониятларга эга:

- Маълумотларни топиш.
- Электрон почта хизмати.
- Мулоқот қилиш (чат, форум, видеоконференция).
- Маълумотларни олиш ва тарқатиш (веб-саҳифалар, веб-блоглар, жамоа тармоқлари, ахборотномалар, янгиликлар).
- Электрон ҳоқимият.
- Электрон офис.
- Электрон кутубхоналар.
- Электрон таълим.
- Электрон тиббиёт.
- Электрон тижорат.



Маълумотларни топиш – Интернет маълумотларни тез топиш имконияти билан фойдаланувчиларни ўзига тортади. Маълумотларни қидириш махсус қидирув тизимлари мавжуд. Қидирув тизимлари махсус тартиб-қоидаларга эга. Маълумотлар айнан шу қоидалар асосида қидирилади. Шу билан бирга, маълумотларни каталоглардан қидириш мумкин. Ушбу каталоглар тизими ҳам ўз тартибига эга.




Электрон почта хизмати оддий почта вазифасини бажаради. У бир электрон манзилдан иккинчисига маълумотлар жўнатилишини ҳамда қабул қилинишини таъминлайди. Электрон почта ёрдамида хат,

рasm, хужжат, жадваллар, тақдиротлар ва аудио, видео-файлларни юбориш ва қабул қилиш мумкин. Энг асосийси, хат бир зумда манзилга ёки бир неча манзилга етиб боради. Электрон хатни ўқиш учун электрон почта қутисини очиш зарур. Бу махсус почта тармоғи ёки Интернет тармоғидаги электрон почта хизматлари орқали амалга оширилади. Интернет фойдаланувчиси электрон манзил ёрдамида Интернетнинг турли хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Мулоқот қилиш – Интернет фойдаланувчилар ўзаро мулоқот қилиши учун муҳит яратади. Матн, овоз ва видеоалоқа ёрдамида мулоқот қилиш мумкин бўлади. Форум ва чатда клавиатура ёрдамида чоп этиш орқали мулоқот қилиш мумкин. **Lync, Gmail, Mailagent, Skype, Viber** кабилар орқали аудио ва видео алоқаларни ҳам амалга ошириш мумкин. Телефонда мулоқот қилганингизда суҳбатдошни фақатгина эшитиш мум-

кин. Видеоалоқа ёрдамида эса суҳбатдошни эшитиш билан бирга, уни кўриш ҳам, яъни суҳбатдошни мавзуга бўлган муносабатини кузатиш мумкин, айниқса, тадбиркорликда бу технология жуда қўл келади. Бир пайтнинг ўзида бир неча киши билан видеоалоқа ўрнатиш мумкин. Савдо-саноат палатаси **Lync** дастуридан унумли фойдаланади.



Маълумотларни тарқатиш

– Интернет имкониятларидан биридир. Унинг ёрдамида янгиликларни ва ахборотларни кенг доирага қисқа вақт ичида тарқатиш мумкин. Бу ахборот узатишнинг энг тез ва арзон усулидир. Бунда ахборот 24 соат давомида мижозлар эътиборида бўлади.



Тадбиркорлика оид маълумотларни веб-саҳифалар, веб-блоглар, жамоа тармоқларида, ахборот порталларида, ахборотномалар ва тарқатмалар ёрдамида тарқатиш мумкин. Кундан-кунга Интернет мижозлари сони ўсиши уни энг унумли оммавий ахборот воситасига айлантирмоқда.

Электрон ҳукумат – Электрон ҳукумат бу фуқароларга, бизнесга, ҳукуматнинг бошқа тармоқлари ва давлат ходимларига ахборот технологиялари ёрдамида ахборотни тақдим этиш ва давлат хизматларини кўрсатишни такомиллаштиришдир. Бунда давлат ва фуқаро ўртасидаги алоқага минимал вақт сарф этилади, яъни давлат ва фуқаро ўртасидаги мулоқот тезроқ ўрнатилади. Чунки


фуқаролар ҳукумат ташкилотларига Интернет орқали тўғридан-тўғри мурожаат этиш имконига эга бўладилар. Бу албатта, ахборот технологиялардан унумли фойдаланишни тақозо этади.



Электрон офис – Интернет офисларни бошқаришда ва иш юритиш борасида кўп имкониятларга эга. Электрон офис ёрдамида корхона ҳужжатларидан турли офислардан туриб, биргаликда фойдаланиш мумкин. Офислар орасидаги масофа аҳамиятга эга эмас. Бу ҳужжатлар устида бирга ишлашда

жуда қулайдир, айниқса, хизмат сафари давомида ҳам ходимлар корхона ҳужжатларидан фойдаланиши ва корхона фаолиятида фаол иштирок этиши мумкин. Бунинг учун ходимлар корхона веб-сайтида имконият мавжуд бўлиши ва ходим Интернет орқали унга боғланиши шарт. Электрон офис корхонада иш унумдорлигини оширади ҳамда вақт ва қўғоз харажати тежайди. Электрон офис корхона фаолиятида кўпгина қулайликлар яратди. Ушбу технология тавсифи 5-бобда батафсил келтирилади.

Электрон кутубхоналар – бу одатдаги кутубхонанинг Интернетдаги электрон шаклидир. Бу кутубхона фонди улканлиги ва



24 соат сифатли хизмати билан афзалдир. Унда зарур китоб ёки мақолани бир зумда топиш мумкин. Интернет ёрдамида дунёнинг ихтиёрий кутубхонаси электрон жавонларидаги адабиётлар сизга мунтазир. Электрон кутубхоналарнинг аксарият адабиётларидан бепул фойдаланиш мумкин. Баъзи кутубхоналар қисман ёки тўлиқ пуллик хизмат кўрсатиши мумкин. Оммабоп электрон кутубхоналар рўйхати 6-бобда келтирилади.


Электрон таълим (Масофадан ўқитиш)

– Интернет тармоғи орқали сизга қулай бўлган вақтда ва жойда ўқиш имкониятидир. Электрон таълим ёки масофадан ўқитиш қулайлиги билан ривожланиб бормоқда. Бу, айниқса, иккинчи касбни танлашда ва малакани оширишда жуда қўл келмоқда, чунки иш фаолиятдан ажралмаган ҳолда ўқиш мумкин, яъни ишдан бўш вақтда ўқув жараёнида иштирок этилади. Шунинг учун бу имконият тадбиркорлар учун қулайдир. Масалан, ишдан узилмаган ҳолда, мунтазам равишда, ходимлар малакасини ошириш мумкин. Ушбу таълим ҳақида 6-бобда баътафсил танишиш мумкин.



Электрон тиббиёт (Телетиббиёт)

– Интернет орқали беморларни даволаш имкониятидир. Масофадан туриб, беморнинг ҳолатини кузатиш, операция жараёнида қатнашиш, ташхис натижалари билан танишиш ва таҳлил қилиш имкониятлари те-



летиббийёт деб аталади. Махсус видео қурилмалар, электрон микроскопли компьютерлар ва камералар ёрдамида беморларнинг ташхисини аниқлаш, уларни даволаш ва операциялар қилиш мумкин бўлмоқда.

Ушбу имконият шифокорларни ўқитишда ҳам қўл келмоқда, яъни юқори малакали шифокорлар маслаҳатларидан узоқдаги беморлар ҳам тез тиббий ёрдам олиши мумкин. Тиббийёт таълим муассасалари талабаларини ўқитиш, уларга жарроҳлик жараёнларини намойиш этиш ҳамда маҳаллий ва чет эл шифокорларининг маъруза ва маслаҳатларини ташкил этиш шифокорлар ҳамда талабалар малакасини оширишда муҳимдир. Бу ҳақида оммавий ахборот воситаларида янгиликлар тез-тез пайдо бўлиб бормоқда.

Электрон тижорат – бу Интернетда савдо-сотиқни амалга оширишдир. Унинг имкониятлари турли-туман бўлиб. Интернет орқали техника, дори-дармон, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ёки харид қилиш ва хизмат кўрсатиш мумкин. Бу хизмат ёрдамида сифатли маҳсулот сотиш билан бирга, вақт ва маблағни тежаш мумкин. Ушбу усулдан корхоналар ҳамда жисмоний шахслар фойдаланмоқда. Шунинг учун ушбу технология тезда ривожланмоқда. Баъзи корхоналар савдо-сотиқни фақат Интернет орқали амалга оширмоқда.

1.3. Интернет имкониятларидан иш юритишда ва бошқаришда фойдаланиш бўйича маслаҳатлар


Интернетнинг юқорида келтирилган имкониятларини қўллаш юзасидан тавсиялар қуйидагилардан иборат:

- Интернетнинг имкониятларини ўрганиб чиқиб, ундан корхонада фойдаланиш бўйича йўлланма ишлаб чиқинг ва у билан ходимларни таништиринг. Ушбу йўлланмада Интернетдан фойдаланиш сиёсатини, хавфсизлик тартиблари ва ходимлар масъулиятини кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Ушбу йўлланмани экспертларга кўрсатиб ва уларнинг тавсиясини ҳисобга олган маъқул.

- Интернет имкониятларидан фойдаланиш юзасидан ходимлар учун тренинг ташкил этиш ва ходимларнинг фаол ўқишини таъминлаш зарур. Мунтазам равишда, Интернет янги имкониятлари бўйича тренинг ва тақдимотлар олиб бориш ва унда барча ходимларнинг иштирок этишини таъминлаш зарур. Интернет имкониятларидан унумли фойдаланган ходимларни рағбатлантириш мумкин. Бу бошқа ходимларни Интернет имкониятларидан унумлироқ фойдаланишга ундайди.
- Хужжатларни, ҳисоботларни ва лойиҳаларни Интернет орқали юбориш вақтни тежайди. Масалан, сиз хужжатларни Интернет орқали қабул қилиб, ўзингизга қулай бўлган вақтда танишиб, фикр ва мулоҳазаларингизни унда кўрсатишингиз мумкин. Бундан ташқари, ҳамкорлар ёки ходимлар билан бирга, хужжат устида реал вақтда ҳамкорликда ишлашингиз мумкин. Натижада хужжат ёки лойиҳа янада такомиллашади. Ушбу жараён сизни ва ходимларни янги ғоя ва янги лойиҳаларга олиб келади. Чунки ушбу мулоқот янги билим ва кўникмалар ривожланиши учун муҳит яратади. Шу билан бирга, хужжатлар, ҳисоботлар ва лойиҳалар устида ишлаш жараёнини қисқартиради ва унумдорликни оширади.



- Интернетдан мулоқот учун фойдаланиш иш жараёнини тезлаштиради ва харажатларни камайтиради. Чунки расмий мулоқот оғзаки мулоқотдан устундир. Ёзма равишда, фикр билдириш кўпроқ эътиборни ва масъулиятни жалб этади. Бу эса барчадан қўшимча ҳаракат талаб этади, яъни бу ходимларни ўз устида доимо ишлашга ундайди. Бу бир томондан бўлса, иккинчи томондан, вақт тежалади, яъни кераксиз муҳокамаларга ўрин қолмайди. Видеоалоқа ёрдамида мулоқот қилиш икки томондан ҳам жиддийликни талаб этади. Яна бир томони телефон алоқаси ва сафарлар учун харажатлар сезиларли даражада камаяди.
- Интернетнинг он-лайн интерактив имкониятлари кундалик фаолиятда жуда фойдалидир. Ушбу имконият корхона иш фаолиятини сезиларли даражада оширади. Бунинг учун ушбу хизматдан тўғри ва мақсадли равишда, фойдаланиш ва хизматлар тавсифи билан танишиш зарур. Бу фойдаланувчи саволига мос хизматни аниқлашда фойдали бўлади.



- Интернет орқали янги имкониятлар, янги лойиҳалар ва янги ҳамкорлар топиш мумкин. Бу бизнесни ривожлантириш учун омилдир. Бунинг учун доимо Интернетда корхона учун зарур бўлган янги-

ликларни, имкониятларни, ҳамкорлар веб-саҳифаларини кузатиб бориш зарур. Форум ва жамоа тармоқларида қатнашиб бориш мумкин. Ахборотномаларга корхона қайд қилиш мумкин. Масалан, бир корхона янги лойиҳа устида иш бошлаган ва бунинг учун ҳамкорлар қидираётган ёки ташкилот лойиҳани амалга ошириш учун корхоналар ўртасида тендер ўтказаятган бўлиши мумкин. Масалан, Савдо-саноат палатаси дастури тендорлари **www.chamber.uz** саҳифасида бериб борилади.

- Интернет оммавий ахборот воситаси бўлганлиги учун ундан реклама учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Агар

корхонангиз ва унинг хизматлари ҳақидаги маълумотни 24 соат давомида мижозларга ҳавола қилмоқчи бўлсангиз, унда буни фақатгина Интернет орқали амалга ошириш мумкин. Масалан, корхона веб-саҳифаси, мунтазам равишда, ахборот воситаларида корхона фаолияти ҳақида маълумот бериш, форум ва блогларларда маълумот бериб бориш, ҳамкорликда лойиҳаларда қатнашиш, турли танловларда иштирок этиш (масалан, Интернет форум, Интернет Фестиваль) мумкин. Корхона веб-саҳифаси мунтазам равишда, янгиланиб бориши унинг жиддийлигидан далолат беради.



- Интернет ёрдамида ходимлар ишини мониторинг қилиш ва зарур ҳолда уларга тавсия ва маслаҳатлар бериш мумкин. Интернет офислар орасидаги масофани йўқотади, яъни корхона ягона тармоғини яратади. Натижада корхона ходимлари ишини бошқариш ва ёрдам бериш мумкин. Бу электрон офис деб аталади. Бу имкониятда корхонанинг барча ходимлари мулоқот қилиш, ҳужжатлардан биргаликда фойдаланиш, таҳлил қилиш, янгилекларни биргаликда ўрганиш имкониятига эга бўлади.
- Интернетдаги маълумотлардан фойдаланишда муаллифлик ҳуқуқига риоя қилиш зарур. Қонунга зид ва ахлоқсиз маълумотларни тарқатувчи саҳифалардан фойдаланмасликни ходимлардан талаб қилинг.

- Интернетда тадбиркорликни амалга ошириш мумкин. Масалан, электрон дўкон, электрон эълонлар тахтаси, электрон газета ёки журнал, он-лайн маслаҳат ва шу кабилардир. Бу электрон тижоратга мисолдир.
- Масофавий таълим курслари ҳақида янгиликлардан хабардор бўлинг. Ушбу курслар ўзингизнинг ва ходимларнинг малакасини оширишда фойдали бўлади. Масофавий таълим ишдан узилмаган ҳолда малака ошириш имкониятини беради.



Иккинчи боб

- Интернетда ахборот таъминоти ва ундан фойдаланиш тартиби
- Интернетда ахборот хавфсизлиги
- Офисда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тартиблари
- Булутли технологиялар имкониятлари
- Офисда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тавсиялар





**Ахборот хавфсизлигининг
таъминланмаганлиги
– маълумотларингиздан
бошқалар ҳам фойдаланиши
эҳтимоли мавжудлигидир**

2.1. Интернетда ахборот таъминоти ва ундан фойдаланиш тартиби

Интернет – бу глобал тармоқдир. Уни бутун жаҳон ўргимчак тўри (World Wide Web) деб ҳам атайдилар. Бу тармоқ миллионлаб компьютерлар (веб-серверлар) тўридан ташкил топади. Улар ўзаро телефон тармоғи, кабеллар ва сунъий йўлдошли тармоқлар орқали боғланади.



Ахборотлар ушбу компьютерларда жойлашган бўлиб, улар жаҳон ягона ахборот оламини яратади. Ушбу ахборот олами тармоқдаги барча компьютерларга очиқ бўлади. Ахборотлар гиперматнли ҳужжатлардан ташкил топган бўлиб, улар веб-саҳифалар деб аталади.

Веб-саҳифаларда турли маълумотлар жойлаштирилади. Бу ҳужжатлар, жадвал, диаграммалар, расм, аудио, видео-лавҳалар, китоб ва журналлар, ҳужжатли ҳамда бадиий фильмлар ва бошқалардир.

Умуман олганда, Интернетда турли ахборотлар мавжуд, бироқ ҳамма ахборот ҳам барча фойдаланувчилар учун очиқ бўлмайди. Баъзи ахборотлар ёпиқ бўлади ва улардан чекланган фойдаланувчилар фойдаланиши мумкин бўлади. Бу рухсат ёки пароль орқали амалга оширилади.

Масалан:

- Корхона стратегик фаолиятига оид ахборотлар фақат корхона ходимларига очиқ, умумий маълумотлар эса барчага очиқ бўлиши мумкин.
- Электрон кутубхонанинг баъзи маълумотлари пуллик бўлиши мумкин ва улар тўлов амалга оширилгандан сўнг очилади.



Агар ахборот қачонлардир компьютерга киритилган бўлса, уларни Интернетдан топиш эҳтимоллиги жуда юқори бўлади.



Интернет, инглиз тилидаги «interconnected network» иборасининг қисқартирилган кўриниши бўлиб, глобал компьютер тармоғи маъносини англатади.

Интернет тармоғи фойдаланувчилари сони кўпаймоқда. Дунёда Интернет фойдаланувчилари сони 3 миллиарддан ошди [23]. Ўзбекистон Интернет фойдаланувчилари сони 12 миллиондан ошди [22].

Интернетда ахборотдан фойдаланиш тартиби

Интернет ёрдамида зарур ахборотларни қидириш, узатиш ва алмашиш жуда оддий ва қулайдир. Шу билан бирга, улардан мулоқот қилишда ва муҳокамаларда иштирок этишда ҳам фойдаланиш мумкин.



С а ҳ и ф а д а н
саҳифага ўтиб,
зарур ахборот-
ларни ўқиб, би-
лим оларкансиз,
вақтнинг қанчалик
тез ўтганини сез-
май қоласиз. Агар
Интернетда иш-
лаш малакангиз
бўлса ва баъзи

қоидаларни билсангиз, Интернет бўйлаб саёҳат катта хузура бағишлайди. Шу билан бирга, Интернет тармоғида жуда катта ҳажмдаги ахборот оламида осонгина адашиб қолиш ҳам мумкин. Чунки Интернетдаги ахборотлар ҳажми кундан-кунга ўсиб бормоқда. Маълумотлар оддий кутубхонадаги каби китоб ва журналларда, китоб ва журналлар эса жавонларда жойлашади. Бунда китоб ва журнал вазифасини файллар бажаради. Жавон вазифасини эса жилдлар бажаради. Интернетда ишлаш учун Internet Explorer, Chrome ёки Opera каби браузер (browsers) лардан ва қидирув тизимларидан (масалан, Google, Yahoo) фойдаланиш зарур, улар билан ишлаш тартиби “Тадбиркорлар учун Интернет” қўлланмасида [10] батафсил келтирилган.

Интернетда маълумотлар излаш қоидалари мавжуд. Уларга риоя қилиш қидирувни тезлаштиради. Қуйида маълумотларни қидиришнинг баъзи қоидаларини келтирамыз:

Амал тавсифи	Амаллар тартиби
Аниқ ибора ва сўзни топиш	Ибора ёки сўзни " " ёрдамида қўштирноқ ичига олинг. Натижада кўрсатилган ибора ёки сўзлар қидирилади. Масалан, "бизнес режа лойиҳаси".
Бир ёки бир неча сўзи туширилиб қолдирилган цитатани топиш	Цитатани " " ёрдамида қўштирноқ ичига олинг. Тушириб қолдирилган сўз ўрнига * қўйинг. Масалан, "бизнес * лойиҳаси".
Ихтиёрий бир неча сўзни топиш	Сўзларни "I" белгиси ёрдамида ажратиб кетма-кет киритинг. Масалан, "бизнес I режа I лойиҳаси".
Бир гапга тааллуқли сўзларни топиш.	Сўзларни киритишда уларни "&" белгиси билан бирлаштириш зарур. Масалан, "бизнес & режа & лойиҳаси"
Аниқ сўзни ичига олган ҳужжатни топиш	Зарур сўзни олдига "+" белгиси қўйиш керак. Агар бир неча сўз зарур бўлса, уларнинг олдига "+" белгисини қўйиш лозим. Масалан, "+ бизнес + режа лойиҳаси".
Сўзни қидирувда ҳисобга олмаслик	Жавобларда кўрмоқчи бўлмаган сўзларингиз олдига минус ишорасини қўйинг. Шундай қилиб, ҳатто бир неча сўзни ҳам олиб ташлаш мумкин. Масалан, "бизнес режа - лойиҳаси".

Интернетда турли мазмундаги маълумотлар мавжуд. Улардан фойдаланишда муаллифлик ҳуқуқига риоя қилинг.

- Интернетдаги ахборотлардан фойдаланишда эҳтиёт бўлинг. У ердаги ахборотларни ажрата олишни ўрганинг. Чунки тўғри-ноғўғри ахборотлар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ишончли саҳифалардан фойдаланинг. Ишончли саҳифалар мавзу бўйича **Закладки / Избранные** менюси ёрдамида хотирага киритиш мумкин.
- Вируслардан ва зарарли дастурлардан эҳтиёт бўлинг. Улардан ҳимояланиш тартибларига риоя қилинг. Лицензияли антивирус дастурлардан фойдаланинг. Уларни одатда дилер корхоналар сотади.
- Веб-саҳифаларни очишда сизга зарур бўлган саҳифаларгагина кириг. Ҳар хил ёрқин рекламаларга эътибор берманг, чунки улар эътиборни жалб қилишга мўлжалланган бўлиб, вирусланган бўлиши мумкин. Баъзи рекламалар ахлоқсиз мазмунли саҳифаларни очиши мумкин. Ушбу саҳифаларни **Закрывать** тугмачаси ёрдамида ёпиш мумкин.
- Интернет хизматларидан фойдаланишда шахсий маълумотларингизни киритишда огоҳ бўлинг. Шахсий маълумотларни тўлиқ киритиш зарурати йўқ. Логин ва паролларни ён дафтарчангизга киритиб қўйишни унутманг. Агар пароль ёдингиздан кўтарилган бўлса, уни тиклаш мумкин. Бунинг учун администраторга мурожаат қилиш зарур бўлади. Одатда пароль ёнида “Паролни унутдингизми” деган савол мавжуд бўлади. Ушбу майдонга кириб, паролни тиклашингиз мумкин. Баъзан “Cookies” (шахсий маълумотлар ва очилган саҳифалар рўйхати) ларни Настройки майдони ёрдамида ўчириб бориш.
- Интернетдан мулоқот учун фойдаланиш иш жараёнини тезлаштиради ва харажатларни камайтиради, чунки расмий мулоқот оғзаки мулоқотдан устундур.
- Интернет орқали янги имкониятлар, янги лойиҳалар ва янги ҳамкорлар топиш мумкин. Бу бизнесни ривожлантириш учун омилидир. Бунинг учун доимо Интернетда корхона учун за-



рур бўлган янгиликларни, имкониятларни, ҳамкорлар веб-саҳифаларини кузатиб бориш зарур ва форум ҳамда веб-блогларда қатнашиб бориш керак.

- Интернет ёрдамида ҳужжат ва ҳисоботларни тайёрлаш, тадқиқотлар олиб бориш қулайдир. Масалан, корхона ишлаб чиқарувчи маҳсулот бозорини ўрганмоқчи бўлсангиз, бунини Интернет орқали тезда ўрганиш мумкин. Ҳаттоки, мижозлар ва ҳамкорлар талаблари, фикрлари ва тавсияларини йиғишингиз мумкин. Лойиҳалар устида ишлаш сифатлироқ бўлади, чунки Интернет ёрдамида лойиҳанинг долзарблиги ва зарурати, мижозларнинг талаблари ва имкониятларини ўрганиш мумкин.

**Топшириқ:**

Тез-тез фойдаланадиган саҳифалар мавзулари бўйича жилдлар яратинг. Жилдлардаги саҳифалардан фойдаланишни ва уларга янги саҳифаларни киритишни машқ қилинг.

*Ушбу топшириқни **Закладки** менюси ёрдамида амалга оширишингиз мумкин.*

2.2. Интернетда ахборот хавфсизлиги

Интернет ахборот хавфсизлиги ҳақида янгиликлардан эшитгансиз. Интернет тармоғида маълумотларга хавф солувчи зараркунанда ва зарарли дастурлар мавжуддир. Улар тармоқ орқали тармоқдаги барча компьютерларга зарар етказиши мумкин. Интернетга уланганингизда, компьютарингиз ҳам зарарланиши мумкин. Шунинг учун эҳтиёт чораларини кўриш зарур. Бунинг учун махсус дастурлар бор. Қуйида ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўллари келтирилган.



Ахборот хавфсизлиги бу ахборот соҳасидаги шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлигини таъминлаш жараёнидир. Ахборот хавфсизлиги (инглиз тилида «information security») ахборот махфийлиги, бутунлиги ва фойдаланиш чекланганлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳолатдир.

Авваламбор, ахборот атамалари билан танишайлик.

- Ахборот – қайси манбага оидлигидан қатъий назар, бизни ўраб турган олам ва унда бўлиб ўтаётган жараёнлар ҳақидаги маълумотлардир. Бу маълумотлар қуйидаги кўринишда бўлади: матнли, рақамли, графикли, овозли ва видео.
- Оммавий ахборот – омма учун мўлжалланган фойдаланиш чекланмаган хабар, ҳужжат, аудио, аудиовизуал ҳамда бошқа маълумотлар.
- Махфий ахборот – қонун ёки қоидага мувофиқ фойдаланиш чекланган, давлат ёки корхона сирларига оид ҳужжатлаштирилган маълумотлар.



Жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлари махфий ахборотлар тоифасига кирилади [7].

Ахборот хавфсизлигига оид атамалар ва таърифлар “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида Низомида” [7] тўла келтирилган. Қуйида уларнинг баъзилари билан танишайлик:

- Ахборот ресурслари – ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборотлар, маълумот банклари, маълумотлар базаси.
- Ахборот тизими — ахборотларни йиғиш, сақлаш, излаш, ишлаш ва улардан фойдаланиш имконини берувчи ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ташкилий тартибга солинган йиғиндиси.
- Ахборот маҳсулотлари (маҳсулот) – фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ тайёрланган ва фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ёки қўлланиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот.
- Ахборот жараёнлари – ахборот тайёрлаш, тўплаш, қайта ишлаш, жамғариш, сақлаш, қидириш, тарқатиш ва фойдаланиш жараёнлари.

Шундай қилиб, ахборот хавфсизлиги (маълумотлар) инглиз тилида «information (data) security» – бу ахборотнинг хавфсизлик ҳолати бўлиб, ушбу ҳолатда унинг махфийлиги, бутунлиги ва фойдаланиш ҳуқуқи таъминланади.

Ахборот хавфсизлиги куйидагилар билан белгиланади:

- **Махфийлиги (конфиденциаллиги)** – ахборотдан фойдаланиш имконияти фақатгина ваколатга эга бўлганлар учун очиқ.
- **Ахборот бутунлиги**, бу ахборотнинг тўғрилигини, тўлиқлигини ва уни қайта ишлаш усуллари билан таъминланганлигидир.
- **Ахборотдан фойдаланиш имконияти** – ахборотдан фойдаланиш имконияти зарур ҳолларда, ваколатга эга бўлган фойдаланувчилар учун берилишидир.

Ахборотнинг хавфсизлиги техник томондан ахборот оқими хавфи, атайлаб ахборотларга ва тизимга зарар кўрсатувчи ҳаракатлар йўқлиги билан аниқланади. Бунда зарар атайлаб ички



ва ташқи томондан кўрсатилиши мумкин. Масалан, ахборот тизими мукамал бўлмаса, у ахборот оқими яратилишига сабаб бўлади ёки корхона ходимлари ҳам зарар кўрсатишдан ис- тисно эмаслигини ҳисобга олинг. Шунинг учун ахборот тизими мукамаллиги таъминланишига жиддий эътибор беринг.

АКТ хавфсизлиги инглиз тилида «IT security» бўлиб, бу ахборотнинг ҳимояланганлиги ҳолатини, у қайта ишланаётган ахборотнинг хавфсизлигини ва татбиқ этилган ахборот тизими хавфсизлигини таъминлайди. Масалан, корхона шартномалари баъзаси, бу ахборот бўлиб, шартномалар ишланаётган тизим ахборот тизими ҳисобланади. Бунда хавфсизлик ахборот ва тизим хавфсизлиги таъминлангандагина амалга оширилади.

Ахборот тизими хавфсизлиги – ахборот тизими ҳимояланганлиги ҳолати бўлиб, унда ахборот ресурсларининг махфийлиги, очиқлиги, бутунлиги ва аслиги таъминланади. Масалан, корхона маъмурий ва молиявий тизими ёки корхона ҳамкорлари ва харидорлари ахборот тизимининг хавфсизлиги.

Ахборот хавфсизлиги – бу ахборотнинг ва уни қўллаб-қувватловчи тизимнинг ахборот муносабатлари субъектларига ножўя зарар кўрсатиши мумкин бўлган тасодифий ёки атайлаб, табиий ва сунъий таъсир ҳамда ҳаракатларидан ҳимояланганлигидир. Масалан, корхона харидорлари ахборот тизимига зарар етказилиши мумкин, яъни корхонага зарар етказиши мақсадида ахборотлар ўчирилиши ёки харидорларга зиён етказиш мақсадида маълумотлар ўғирланиши мумкин.

Ахборот хавфсизлигига оид баъзи тавсиялар

- Ахборот тизими мукамаллигининг таъминланишига жиддий эътибор беринг. Бунинг учун мутахассислар маслаҳатидан ёки хизматидан фойдаланиш, ёки замонавий лицензияланган ахборот тизимларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Масалан, Office 365 тизими ёрдамида ахборот хавфсизлигини ҳам таъминлаш мумкин.
- Бегона компьютерда электрон почта ёки бошқа хизматлардан фойдаланганингизда, ушбу хизматлардан чиқишни унутманг. Акс ҳолда, бегоналар сизнинг махфий маълумотларингиздан фойдаланиб, номингиздан хат юбориши, мулоқот қилиши, буюртмалар ёки талабномалар йўллаши мумкин.
- Интернет фойдаланувчиси ахборот хавфсизлигининг олдини олиш учун қуйидаги техник ечим ва ташкилий ишларни амалга ошириши зарур:
 - Компьютер тармоғида бегона шахсларнинг ишлашига йўл қўйманг.
 - Шахсий ва оила аъзоларингиз ҳақидаги махфий маълумотларни (исми-шарифингиз, туғилган йилингиз, уй манзилингиз, банкдаги ҳисоб-рақамингиз ҳақидаги маълумотларни) интернет орқали юборманг. Оила аъзоларингизни ахборот хавфсизлигига оид маълумотлар билан таништиринг.
 - Интернетда нотаниш дастурлардан фойдаланманг. Дастурларни фақат ишончли серверлардан кўчиринг.
 - Интернетда мавжуд бўлган фойдаланиш чекланган ахборотлашган ресурслар ва дастурлардан уларнинг муаллифлари рухсатисиз фойдаланманг.

- Интернетда ахборот хавфсизлигига оид маълумотларни ўрганиб чиқиб, ундан фойдаланишга ҳаракат қилинг.
- Электрон почта паролени мунтазам равишда, янгилаб боринг.
- Корхонада Wi-Fi тизими пароли оддий бўлмаслиги, мунтазам равишда, янгиланиб бориши ва чекланган ходимларга аён бўлгани мақсадга мувофиқдир.

2.3. Офисда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тартиблари

АКТ ёрдамида фаолиятни амалга оширишда корхона ахборот хавфсизлигини таъминлаш зарур. Ушбу фаолият муайян тартибда амалга оширилиши мумкин. Қуйида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тартиби ва баъзи фойдали тавсияларни келтирамыз.

Корхона ахборот хавфсизлиги сиёсатига эга бўлиши ва ушбу сиёсат билан барча ходимлар таниш бўлиши зарур. Ушбу сиёсат ҳимоя қилиниши зарур бўлган маълумотлар, жараёнлар ва ҳимоя қилиш воситалари, ваколат даражалари ҳамда ҳимоя қилиш тартиблари ҳақида батафсил тавсифини ўз ичига олиши шарт.

Ахборот тизими хавфсизлигини амалга оширишда унинг қуйидаги йўналишлар бўйича ҳимоясини амалга ошириш зарур:



- Ахборот тизими объектлари ҳимояси.
- Ахборотларни қайта ишлаш жараёнлари, амаллари ва дастурлари ҳимояси.
- Алоқа каналлари (акустик, кабелли, радиоканалли ва бошқалар) ҳимояси.
- Ҳимоя тизими бошқаруви ҳимояси.

Ҳар бир йўналиш ҳимоясини амалга ошириш учун қуйидагиларни бажариш лозим:

- Ҳимоя қилиниши зарур бўлган ахборот ресурсларни аниқлаш.
- Ахборот оқими эҳтимоли мавжуд бўлган каналларни аниқлаш.
- Мавжуд бўлиши мумкин бўлган ахборот оқими хавфларини баҳолаш.
- Ҳимоя тизимига талабларни ўрганиш ва шакллантириш.
- Ахборот ҳимояси воситаларини танлаш
- Ҳимоя воситаларини, усулларини ва чораларини ташкил этиш ва жорий этиш.
- Ҳимоя тизими бутунлигини ва бошқарувини назорат қилишни таъминлаш.

2.4. Булутли технологиялар имкониятлари



Булутли технологиялар (Cloud) – бу ахборотни сақлаш ва уни қайта ишлаш учун зарур бўлган лицензияли дастурларни, ахборот тизими ва алоқа воситаларини ўз ичига мужассамлаштирган виртуал муҳитдир.

Булутли технологияларда ишлаш фойдаланувчиларнинг ишини унумли ва хавфсиз тизимда ишлашни таъминланишига қаратилган. Ушбу технологиянинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

- Фойдаланувчи учун виртуал муҳитда ишлаш имконияти яратилади.
- Фойдаланувчи ўзига қулай бўлган тизимни мустақил равишда яратишдан халос этилади.
- Фойдаланувчи тизимни яратиш ва фойдаланиш харажатлари сезиларли даражада камаяди. Бу хизматларнинг 70 фоизига Интернет орқали амалга ошириш натижасида эришилади.
- Булутли технологияларнинг мобиллиги натижасида фойдаланувчи ундан дунёнинг ихтиёрий нуқтасида, исталган пайтда фойдаланиш имконига эга бўлади. Ушбу тизим филиаллари мавжуд бўлган корхоналар учун қулайдир.
- Булутли технологияларнинг ахборотларни синхронизациялаш имконияти фойдаланувчига тизимдаги ўзгартирилган ёки янги киритилган ахборотлардан фойдаланиш имкониятини яратади.

- Булутли технологиялардан Интернетга боғланган турли компьютер, планшет, смартфон ёки андроид каби воситалардан фойдаланиш мумкин.
- Булутли тизимда ахборот хавфсизлиги доимий равишда, амалга оширилади, шунинг учун бу хавфсиз тизим доимо сизнинг хизматингизда бўлади.
- Дастурнинг янги версиялари мунтазам равишда, янгиланиб боради, натижада сиз янги дастурлардан доимо илова дастурлар компьютерда ёки смартфонда ўрнатилганлиги ёки ўрнатилмаганлигидан қатъий назар, фойдаланишингиз мумкин бўлади.
- Булутли тизимда ҳужжат устида турли дастурларда тез ишлаш имконияти мавжуд. Ҳужжатлар нусхаси бир дастурдан иккинчисига осонгина кўчирилади.
- Ҳужжатлар устида реал вақтда биргаликда тезда ишлаш, таҳрирлаш ва зарур ҳолларда, бир зумда тиклаш имкониятига эга.
- Хатлар билан ишлаш ва ҳужжатлардан фойдаланиш турли даражадаги ваколатларини ўрнатиш мумкин.
- Булутли хизматлардан фойдаланиш учун Интернет тизими зарур. Интернет тезлиги 256 Мб дан кам бўлмаслиги лозим.

Булутли технологияларнинг санаб ўтилган имкониятлари корхона ахборот тизими яратилишини енгиллаштиради ва унинг бу борадаги харажатларини камайтиради. Шунинг учун булутли технологиялардан корхоналарда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу технология корхонани кўпгина мураккаб техник вазифалардан халос этади.

Шу билан бирга, булутли технология оила аъзолари учун ҳам қулайдир. Бунда ота-оналар фарзандларининг компьютердаги фаолиятини кузатиши ва зарур ҳолларда, назорат қилишлари ҳамда тезда тиклаш имкониятлари мавжуд.



Масалан, Office 365 дастури айнан булутли технологиялар асосида ишни таъминлайди. Унинг ёрдамида корхонангиз ходимлари булутли “виртуал офисда” ишлаш имконига эга бўлади.

Виртуал офисда корхона шахсий доменида корпоратив почтасига ва ички порталига эга бўлади, ахборотларни булутда сақлаш ва улардан ихтиёрий қурилмадан биргаликда фойдаланиш мумкин, яъни ахборотлар махфийлиги, бутунлигини ва ваколатли очиқлигини таъминлаш мумкин бўлади.

**Машиқ:**

Булутли технологиялар ҳақидаги янгиликларни Интернетдан топинг ва улар билан танишинг.

2.5. Офисда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тавсиялар


Корхона ахборот хавфсизлиги назорати қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур:

- Ахборотларни эҳтиётлаш, яъни улардан фойдаланувчи ходимлар доирасини қисқартириш.
- Лицензияли антивирусдан фойдаланишни таъминлаш.
- Электрон почта хавфсизлигини таъминлаш, корхона электрон почтадан фойдаланиш тартибларини ўрнатиш.
- Пароллардан фойдаланиш сиёсатини йўлга қўйиш.
- Сервер хавфсизлигини таъминлаш.
- Корхона ахборот базалари хавфсизлигини таъминлаш.
- Корхона ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш.
- Ахборот хавфсизлиги сиёсатини яратиш.

Қуйида таъминлаш бўйича баъзи фойдали тавсияларни келтирамиз:

- Корхона ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқинг. Ушбу сиёсат билан ҳар бир ходимни таништиринг. Ушбу сиёсатда ўйинлар ўйнаш, флешка ва дисклардан фойдаланиш, ижтимоий тармоқларда шахсий мақсадда фойдаланишни тақиқлаш мақсадга мувофиқ.
- Корхона ахборот хавфсизлиги тизимини жорий этинг. Бунинг учун ишончли мутахассислар хизматидан фойдаланинг.
- Махфий ҳужжатлар фойдаланувчиларини расмий ҳолатда белгилаш ва ушбу ҳужжатлар билан ишловчи ходимлар билан тушунтириш ишлари олиб боринг.

- Антивирус дастурлари компьютерни вирусдан химоялайди ва шунинг учун унинг тезлигини бироз камайтиради. Баъзилар шу сабабли антивирус дастурдан фойдаланмайдилар. Бу жуда ҳам катта хатодир, чунки бу ҳолда компьютердаги маълумотларни йўқотишингиз ёки зарарланиш ҳолатига дуч келишингиз мумкин. Шунинг учун антивирус дастурдан эҳтиёткорлик ва хавфсизликни таъминлаш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Антивирус дастурлари корхонанинг барча компьютерларига ўрнатилиши зарур. Антивирус дастурларининг бир неча компьютерларга ўрнатиловчи турлари ҳам мавжуд. Антивирус дастурларни мунтазам равишда, янгилаш зарур.
- Дастурлар мунтазам равишда янгиланади. Одатда, дастурнинг янги шакли янги имкониятларга эга бўлади ва камчиликларни ҳисобга олади, яъни дастур доимо ривожланиш жараёнида бўлади. Шунинг учун дастурларнинг янги шакллари ҳақидаги янгиликлардан хабардор бўлмоқ зарур.
- Бошқа офис ёки жамоа жойларидаги компьютерда электрон почта ёки бошқа хизматлардан фойдаланманг. Агар фойдалансангиз, ушбу хизматлардан фойдаланишда махфий маълумотлар хавфсизлигини унутманг. Бунда **"Сохранить пароль"** майдонини текширинг ва мавжуд белгини ўчиришни унутманг. Акс ҳолда, бегоналар корхона махфий маълумотларидан фойдаланиб, корхона номидан харидорларга ҳужжатлар ёки зарарли хатлар юбориши, мулоқот қилиши, буюртмалар ёки талабномалар йўллаши мумкин.
- Мунтазам равишда, корхона ахбороти хавфсизлигини текшириб боринг. Баъзи корхоналар ушбу хизматни провайдерларга ёки мутахассисларга шартнома асосида юклайдилар. Бунда корхона уларга маълумотларни текшириш корхона ахборот тизимига киришга рухсат бериши зарур



бўлади. Бунда ахборотларнинг хавфсизлиги, тизим хавфсизлиги ва ходимларнинг фаолияти назорат қилинади.

- Корхонанинг барча ходимлари масъулиятни ҳис этиб, корхона ахборот хавфсизлиги қоидаларига риоя этиши зарур ҳамда ушбу қоидаларга амал қилишини текширишга масъул ходим белгилаш шарт.
- Мунтазам равишда, Интернетнинг янги имкониятлари бўйича форумлар олиб бориш ва унда барча ходимларнинг иштирок этишини таъминлаш зарур.
- Интернет имкониятларидан фойдаланиш юзасидан ва ахборот хавфсизлиги мавзусида ходимлар учун мунтазам равишда, тренинглар ташкил этиш зарур. Масалан, ахборот хавфсизлиги асослари, Microsoft тармоқлари хавфсизлигини таъминлаш, **Касперский лабораториясининг одатдаги** ва **«Endpoint Security and Management»** курсларидан фойдаланиш мумкин.



Топшириқ:

1. Корхона ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича режангизни тузинг ва уни амалга ошириш иш жадвалини тузинг. Корхона махфий ва оммавий ахборотлари рўйхатини ва тавсифини режага киритинг.

2. Корхона ахборот хавфсизлиги асослари ва Microsoft тармоқлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича курсларни Интернетдан топинг ва уларнинг тавсифи билан танишинг.

**Интернетда тез мулоқот қилиш
турлари ва улардан фойдаланиш
тартиблари**



Учинчи боб

- Интернетда тез мулоқот ва мурожаат қилиш турлари
- Электрон почтадан мулоқот учун унумли фойдаланиш
- Чат ёрдамида мулоқот
- Блоглар ва саҳифалар ёрдамида мулоқот
- Форум орқали мулоқот
- Жамоа тармоғи орқали мулоқот
- Интернет-телефония орқали мулоқот
- Видеоконференция орқали мулоқот
- Мулоқотни ташкил этиш ва бошқариш бўйича тавсиялар





**Тезкор мулоқот, бу тадбиркорликни
жадаллаштириш
имкониятидир**

3.1. Интернетда тез мулоқот ва мурожаат қилиш турлари

Интернетнинг коммуникацион имкониятлари кенг бўлиб, улар мулоқот ва мурожаатларни тезлаштиради. Келинг, ушбу имкониятлар турларини санаб ўтайлик:

- Электрон почта
- Чат
- Блог
- Форум
- Жамоа тармоқлари
- Интернет-телефония
- Видеоконференция
- Электрон ҳукуматнинг мурожаат қилиш имкониятлари.



Коммуникацион имкониятлар ёрдамида мулоқот ихтиёрий ва реал вақтда амалга оширилади. Интернет мулоқот қилишнинг энг арзон ва қулай усулидир. Қуйида ушбу имкониятлар тавсифи ва фойдаланиш тартиби билан танишамиз.

3.2. Электрон почтадан мулоқот учун унумли фойдаланиш



Электрон почта – бу дастур бўлиб, у электрон хатлар билан ишлашга мўлжалланган. Унинг ёрдамида хатни, ҳужжат ва умуман ихтиёрий файлни дунёнинг ихтиёрий жойидаги электрон манзилга жўнатиш ва Сизга келган хатларни қабул қилиш мумкин. Электрон почта махсус почта дастури ёки Интернет тармоғида ишлайди.

Электрон почта ёрдамида қуйидагиларни амалга ошириш мумкин:

- Хат жўнатиш ва қабул қилиш
- Ҳужжатларни жўнатиш ва қабул қилиш
- Маркетинг ва рекламани амалга ошириш
- Янгиликларни олиш ва юбориш
- Савол ва сўровлар билан мурожаат қилиш
- Ҳамкорлар ва харидорларга мурожаат қилиш



- Лойиҳалар ва танловлар ҳақида маълумот олиш ва бериш
- Тадбирлар ташкил этиш
- Эълонлар ва хабарлар бериш
- Мониторинг ўтказиш

Электрон почта ёрдамида ушбу амалларни бажариш тартиби ҳамда ишлаш тартиблари [10] да батафсил келтирилган.

Электрон почтадан хат юборишда худди қоғозли шаклда хатни юбораётгандек, унинг кимга, қаерга ва кимданлигини ёзишингиз шарт. Сиз хатни бир неча манзилларга юборишингиз мумкин. Электрон хат ёзиш ва қабул қилиш учун электрон манзилга эга бўлиш зарур. Ҳар бир фойдаланувчи ўзининг почта қутисидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.



Электрон манзилни очиш мураккаб эмас, шунинг учун уни шахсий мулоқот ва иш фаолияти учун алоҳида яратишингиз мумкин.

Электрон почта хатлар юбориш учун жуда қулай.

Қуйида **Microsoft Office Outlook** дастурида электрон почта билан унумли ишлашнинг баъзи тартиблари билан танишамиз.

Электрон хатни ихтиёрий пайтда юбориш мумкин. Унинг манзилга етиб боргани ҳақида хабар олиш мумкин. Бу **Microsoft Office Outlook** дастурида қуйидагича амалга оширилади.


1. Манзилни ёки манзилларни киритинг.
2. Хат мавзусини киритинг.
3. Хат матнини ёзинг.
4. Хат имзосини киритинг.
5. **Параметры** майдонида **Уведомить о доставке** майдонини белгиланг.
6. Хатни жўнатинг.
7. Хат эгаси (адресат) қутисига тушганида, хат етиб боргани ҳақидаги хабар манзилингизга келади.

Хат адресат томонидан ўқилгани ҳақидаги хабарни олиш учун эса **Параметры** майдонидаги **Уведомить о чтении** майдонини белгилаш зарур.

Хатнинг жуда муҳимлигини кўрсатиш мумкин. Бу адресатнинг хатингизга бўлган эътиборини кучайтиради. Бу қуйидагича амалга оширилади:

1. Хатни ёзинг.
2. **Сообщение** майдонида **Высокая важность** майдонини белгиланг.
3. Агар хат муҳим бўлмаса, **Сообщение** майдонида **Низкая важность** майдонини белгиланг.

Шу билан бирга, хатни бажариш муддатларини кўрсатиш мумкин. Бу **Сообщение** майдонида **К исполнению** тугмачаси ёрдамида бажарилади. Тугмача чертилганда рўйхат ҳосил бўлади. Рўйхатда керакли муддатни танлаш зарур. Шу билан бирга, унда эслатмани **Добавить уведомление** майдони ёрдамида қолдириш мумкин.



Хатларни жилдларга ажратиш ёки фильтрация қилиш электрон почта ёрдамида мулоқотни тезлаштиради. Хатларни жилдларга **Главная** менюсининг **Правила** майдони ёрдамида жойлаштириш мумкин.

Бунинг учун **Входящие** майдонида жилдларни яратиш зарур. Масалан, **Хатлар**, **Шартномалар**, **Янгиликлар** каби жилдларни очиш мумкин. Масалан, янгиликли хатларни **Янгиликлар** жилдига жойлаш мумкин.

Главная менюсининг **Фильтрация** майдони ёрдамида хатларни ўқилган, ўқилмаган, муҳим, иловали, фақатгина Сизга юборилган хатларни ажратиш мумкин. Бу мулоқотни қулайлаштиради.

Главная менюсининг **Поиск людей** майдони ёрдамида аниқ адресат ҳақида адреслар китобидан маълумот олиш мумкин.

Microsoft Office Outlook дастури ёрдамида ўз вақтингизни ва ҳамкасблар вақтини бошқариш ва тежаш мумкин.

Электрон почтадан унумли фойдаланишга оид маслаҳатлар

- Хатни принтерда чоп этиш учун **Файл** менюсида **Печать** буйруғидан фойдаланинг.
- Хатни алоҳида файлга ёзиб қўйиш учун **Файл** менюсининг **Сохранить как** ёки **Сохранить** буйруғидан фойдаланинг.
- Хатларни қабул қилинганлиги ҳақида билиш зарур бўлса, хатни ёзаётганингизда **Параметры** майдонида **Уведомление о доставке** ва **Уведомление о прочтении** тугмачаларини белгилашингиз зарур.
- Агар хатингизга алоҳида эътибор беришни истасангиз, **Сообщение** майдонидаги **Высокая важность** тугмачасидан фойдаланишингиз зарур.
- Кераксиз хатларни **Delete** тугмачаси ёрдамида ўчиришни унутманг.
- Хатларни жилдларда тартиблаш имкониятидан фойдаланишни унутманг. Бунинг учун **Переместить в папку** буйруқларидан фойдаланиш зарур. Янги жилд **Файл**, Жилд, **Создать** менюлари ёрдамида очилади ёки **Создать правило** менюсидан фойдаланиш мумкин.
- **Удаленные** жилдидаги хатларни мунтазам равишда ўчиришни унутманг.
- Хатлар номини алифбо тартибида, келган вақти, мазмуни ва иловасига қараб, саралашингиз мумкин. Бу **Вид**, **Сортировать** буйруқлари ёрдамида амалга оширилади.
- Хатга имзо киритиб қўйишингиз мумкин. Бунинг учун **Опциялар** менюсида **Подпись** пунктини топиб, унда имзони киритишингиз зарур. Масалан, исмингиз, фамилиянгиз, лавозимингиз, ишхона номи ва манзилини, телефон, факс рақамларини беришингиз мумкин. Бу Сизнинг ишингизни енгиллаштиради. Ҳар доим бу маълумотни хатингизда ёзишга вақтингизни сарфламайсиз.
- Номаълум муаллифлар хатини очишда эҳтиёт бўлинг. Сўнгги вақтларда баъзи хатлар компьютерларни вирус билан зарарлантираяпти. Бу вируслар компьютерга катта зарар келтириши мумкин, айниқса, номаълум муаллифлардан келган иловали хатларни асло очманг ва уларни дарҳол ўчиринг.
- **Microsoft Office Outlook** дастурида учрашувлар, ҳисоботлар, мажлислар учун эслатмалар яратиш мумкин. Бу ишингизни

жуда енгиллаштиради. Бу амалдан фойдаланиш тартибини мустақил равишда ўрганишингизни тавсия этамиз. Бунинг учун **Календарь** майдонидан фойдаланишингиз зарур. Ундан фойдаланиш жуда оддийдир.



! Демак, электрон почта дастури ёрдамида хатлар, ҳужжат ва умуман турли файлларни дунёнинг ихтиёрий жойидаги электрон манзилга тезда жўнатиш ва қабул қилиш мумкин.

! Электрон почтадан фойдаланишга оид маслаҳатларга катта эътибор беринг ва ундан унумли мулоқот учун фойдаланишни унутманг.



Топишириқ:

- **Microsoft Office Outlook дастурида** ўзингизнинг электрон почтангизни созланг.

- Унда бир неча манзилга муҳим хат юборинг. Бунинг учун

Высокая важность майдонидан фойдаланинг.

- Ходимларингизга электрон почта орқали топишириқ беринг ва топишириқ билан танишганлигини билиш учун **Уведомление о прочтении** майдонидан фойдаланинг.

- **Входящие** жилдидаги хатларни муаллиф номи, вақти, мавзуси бўйича тартибланг.

3.3. Чат ёрдамида мулоқот

Чат бу махсус дастур бўлиб, унинг ёрдамида фойдаланувчилар бир пайтнинг ўзида ўзаро мулоқот қилиши мумкин. Чат сўзи инглиз тилида гаплашиш (суҳбатлашиш) маъносини англатади. Баъзан чат хонаси деб ҳам аталади. “Чатлашайлик” дегани – келинг, чат хонасида суҳбатлашайлик маъносини билдиради. Одатда, чатда бир-неча киши мулоқот қилади. Икки киши мулоқот қилиши ҳам мумкин, лекин бунинг учун бошқа қулайроқ имкониятлар мавжуд. Чатда мулоқот тезроқ, қисқа матнлар ёрдамида амалга оширилади.

Мулоқот чат хонасида амалга оширилади. Чатда хабар клавиатура ёрдамида киритилади. Чат ёрдамида иш борасидаги савол, натижалар, муаммолар кабиларни муҳокама қилиш мумкин. Чат тарихини

хотирада сақлаш мумкин. Бу жуда қулайдир. Чунки мулоқотдаги тавсияларни ихтиёрий пайтда яна ўқиш мумкин бўлади. Чат дастлабки мулоқот дастурларидан бири бўлиб, у кўпроқ ўқувчилар доирасида оммавий.

Чат билан ишлаш тартиби қуйидагича:

1. Чат дастурини ишга туширинг.
2. Унда ўзингизни қайд қилинг. Одатда, ҳар бир фойдаланувчи ўз исми (Ник)га эга. Ник сифатида исмингизни ёки ихтиёрий номни киритиш мумкин. Масалан, “Эксперт” ёки “Корхона”.
3. Чат хонасига киринг. Бунинг учун Ник ва паролнингизни киритинг.
4. Чат хонасида қисқача матн киритинг. Масалан, чатдагилар билан саломлашинг.
5. Хабар сатрида хабарингизни ёки саволингизни киритинг. Масалан, режалаштирилган йиғилиш ҳақидаги маълумотни киритинг.
6. Чат хонасида хабарларни барчага ёки айнан бирор иштирокчига ёзиш мумкин.
7. Мулоқот тугагандан сўнг чат хонасидан чиқинг. Бунинг учун **Выход** тугмачасини босиш етарли.



Топишириқ:

- Интернетда чатни топинг. Уни ишга туширинг ва мулоқот қилиб кўринг. Ушбу чат имкониятлари билан танишинг.

3.4. Блоглар ва саҳифалар ёрдамида мулоқот



Веб блог инглиз тилида интернет-кундалик маъносини англатади ва у блог деб аталади. Блог бу веб-саҳифа бўлиб, унинг мазмунини доимий равишда, матн, расм ва видео маълумотларни ўз ичига олади. Блог жамоага мўлжалланган қисқа янгилик, фикр ва мулоҳазалардан иборат бўлади. Блогда муаллиф каби фойдаланувчилар ҳам ўз фикр ва муносабатларини ёзиши мумкин, яъни блог тармоқда мулоқот муҳитини яратади. Блог муаллифи блоггер деб аталади.

Биринчи блог 1992 йили янгиликларни ёритиш учун яратилган. 1999 йилда эса блоглар ҳақидаги сайт **Blogger** яратилган. Ўзбекистонда биринчи бўлиб, блоглар “Ахборот Асри кизлари” доирасида, 2006 йилда яратилган эди. Блогларни яратиш учун махсус дастурлар мавжуд. Улар ёрдамида ихтиёрий фойдаланувчи ўз блогини яратиши ва олиб бориши мумкин. Баъзи блоглар аниқ мавзуга бағишланган бўлади. Блоглар билан ишлаш веб-саҳифалар билан ишлашга қараганда қулайроқ. Уларда қисқача янгилик ва маълумотларни тезда киритиш оsonдир. Блог одатдаги кундаликни эслатади. Блоггер ихтиёрий пайтда блогдаги янгиликларга ўз фикри ва мулоҳазаларини ёзиши мумкин. Шахсий, жамоа ва корпоратив блог турлари мавжуд.

- **Шахсий блог** блоггер томонидан яратилади ва олиб борилади. Дастлаб шахсий блоглар ёшлар учун хордиқ ва танишиш доираси сифатида яратилган эди. Ҳозирги кунда мутахассислар, шоирлар, созандалар ёки қўшиқчилар хусусий блогга эга. Ундан ижодий янгиликлар билан ўртоқлашиш ва мухлислар фикр ва мулоҳазаларини билиш учун фойдаланадилар.
- **Жамоа блоглари** блоггерлар гуруҳи томонидан олиб борилади. Гуруҳда кимдир бошқарувчи – администратор вазифасини бажаради. Масалан, экологияга, маданий жамоа масканларига оид мавзудаги фикр-мулоҳазалар муҳокама қилинади.
- **Корпоратив блоглар** эса корхоналар томонидан яратилади ва олиб борилади. Одатда, корхона хизмат ва маҳсулотларига оид янгиликларни тақдим этади, истеъмолчи ва ҳамкорлар саволларига жавоб беради ва фикр-мулоҳазалари билан танишиб боради. Бу янги маҳсулот ёки хизмат мониторингини олиб бориш ва сотувни жадаллаштиришнинг мақбул усуллари билан биридир.
- **Мавзу блоглари** - таълим, маданият, туризм ва бошқа мавзудаги блоглар. Масалан, таомлар ҳақидаги блогларда таомларни тайёрлаш ва улар учун маҳсулотларни танлашга оид маслаҳатлар берилиши мумкин. Туризмга оид блогларда қайси дам олиш уйлари ёки масканларида дам олиш ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар, шу билан бирга, тавсиялар билан танишиш мумкин.

Блоглар ёрдамида истеъмолчилар билан мулоқот қилиш, уларнинг доирасини кенгайтириш, талабини тезда ўрганиш ва талаб асосида бизнесни ривожлантириш ҳамда янги гоё ва лойиҳа-

ларни яратиш мумкин. Блогларда саволномалар ташкил қилиб, улар ёрдамида истеъмолчиларнинг талабларини тезда билиш мумкин. Масалан, савдо растасини қайси манзилда очиш долзарблигини ўрганиш мумкин.



Блогларда мулоқот қилиш жуда осон. Ундаги хабарларни ўқиб, сизга қизиқарли бўлган мавзуга жавоб беришингиз ёки ўзингизнинг хабарингизни тезда юборишингиз мумкин. Баъзи блогларда хабар қолдириш учун ўзингизни қайд қилишингиз зарур. Шу билан

бирга, баъзи блоггерлар хабарларни модерация қилиши мумкин, яъни хабарингизни тасдиқлаши зарур бўлади.



Веб-саҳифа – бу корхонанинг виртуал офисидир, яъни у офиснинг виртуал қабулхонасидир. Ушбу қабулхонага ҳамкорлар ва мижозлар 24 соат давомида дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан мурожаат қилиш имконига эгадирлар. Шунинг учун виртуал офисда улар учун зарур маълумотлар ва хабарлар очиқ бўлиши мақсадга мувофиқ.

Корхона веб-саҳифаси ёки саҳифалари мулоқотни унумли амалга оширишнинг йўлларида биридир.

Веб-саҳифа администратор, мазмун бўйича ва алоқалар бўйича мутахассислари ахборотнинг аниқлиги, долзарблиги ҳамда дизайнига жиддий эътибор бериши зарур.

Веб-саҳифада кўпроқ бериладиган савол-жавоблар бўлими бўлса, у истеъмолчилар учун қулайлик яратади ва улар билан мақсадли равишдаги мулоқотни тезлаштиради.

Шу билан бирга, веб-саҳифада мурожаат учун тўлиқ манзил кўрсатилгани маъқул. Унда корхона тўлиқ манзили, телефонлари ва электрон манзили, веб-саҳифа манзиллари ва офис манзили харитаси кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

Мурожаатлар учун махсус мурожаат майдонидан фойдаланиш мумкин. Ушбу майдонда, одатда, хабар муаллифи электрон манзили, хабар мавзуси ва тавсифи киритилади.

Веб-саҳифа номини танлашда у корхона фаолиятини акс эттириши ва эслаб қолишга осон бўлишига эътибор беринг. Масалан, **www.uma.uz** (Ўзбекистон менежерлари Ассоциацияси).

Веб-саҳифа мазмуни таркиби журнал каби бўлиши зарур, яъни ундаги саҳифаларга ўтиш тартибли бўлиши керак. Веб-саҳифа мижози мақсадлари ва корхона таклифлари дарров кўзга ташланиши зарур. Мижоз уни қидиришга вақт сарф қилмайди. Саҳифа бўлимлари топишга қулай бўлиши зарур.

Веб-саҳифа турлари, имкониятлари ва яратиш тартиблари билан [10] нинг 6-бобида батафсил келтирилган.

Корхона блогларидан ва веб-саҳифаларидан мулоқот учун тадбиркорликда унумли фойдаланасиз деган умиддамиз.

**Топшириқ:**

*Мисол тариқасида, қуйидаги: **www.nasimov.uz, www.azu.uz, www.mytashkent.uz, www.uma.uz** блоглар ва саҳифалар мавзуси билан танишинг ва уларнинг мухлислари доирасини ўрганинг.*

3.5. Форум орқали мулоқот



Форум – бу бирор аниқ мавзу, муаммо ёки лойиҳаларни биргаликда, Интернетда муҳокама қилиш муҳитидир. Бу семинар, учрашув, тақдимот, муҳокама, конференция, йиғилиш ёки дарс тадбирлари бўлиши мумкин.

Форумни администратор бошқариб боради. Администратор форум фойдаланувчиларига иштирокчи ва модераторлик ҳуқуқларини очиб беради. Қўйида модератор ва иштирокчи ҳуқуқлари билан танишамиз.

Модератор – бирор мавзун бошқариш ҳуқуқига эга бўлган форум фойдаланувчиси. Модератор мавзун очади, ушбу мавзу бўйича форумни бошқаради, маслаҳатлар беради, зарурат туғилганда саволларга жавоб беради, қатнашчиларни фаол ишга жалб қилади, барча қатнашчилар фикрларини ҳисобга олади ва ҳурмат қилади, қатнашчиларнинг жавобларини текширади, форумнинг тўғри йўналишда кетишини бошқариб боради. Зарур ҳолда, қўшимча материаллар билан қатнашчиларни таъминлайди, яъни модератор мунозара учун фаол муҳитни яратади. Модератор вазифасини тажрибали ходимлар бажариши мақсадга мувофиқ. Модераторлар форумдаги бир, бир неча ёки барча мавзуларни модерация қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

Иштирокчи – бу форум мавзуси бўйича фикрини билдириш ёки алмашишни хоҳлаётган фойдаланувчидир. Иштирокчи савол бериш, жавоб бериш, яъни муҳокама жараёнида фаол қатнашиш имкониятига эга. Интерфаоллик ва индивидуаллик унга мавзунини ўз эҳтиёжларини чуқур ҳисобга олган ҳолда, муҳокама қилиш ёки ўрганиш имконини беради. Мулоқотда иштирок этиш имконияти, унинг қулайлиги, виртуаллиги қатнашчига дадиллик ва ишонч беради, уни суст қатнашчидан фаол иштирокчига айлантиради. Муҳокама қилинаётган мавзунини ўрганиш устида фаол иш бошланади, бу эса ундан муҳокама қилинаётган мавзу бўйича билимларни такомиллаштиришни талаб этади. Чунки унинг фикр ва саволлари ҳамма учун очиқ бўлади. Иштирокчилар корхона ходимлари ва маъмурияти, мижозлар, ҳамкорлар ва рақобатчилар ҳамда Интернетнинг бошқа фойдаланувчилари бўлиши мумкин. Форумда рўйхатдан ўтган ҳамда меҳмон – рўйхатдан ўтмаган иштирокчи сифатида қатнашиш мумкин.



Форумда янги ғоя лойиҳасини ёки ҳисоботларни тақдим қилиш ва муҳокама этиш ёки истеъмолчилар талабини тезда ўрганиш ҳамда бўлажак кадрларни танлаш имкониятлари мавжуд. Форумни офф-лайн ёки он-лайнда (яъни реал вақтда) ўтказиш мумкин. Агар бирор-бир саволга тезда жавоб йиғиш зарур бўлса, уни реал вақтда ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Агар сиз саволга кенгроқ жавоб олмоқчи бўлсангиз, уни офф-лайнда ўтказганингиз маъқул, чунки форум иштирокчиларини бир пайтда йиғиш қийинроқ.



Бир неча кун давомида уларнинг фикрини йиғиш имконияти юқорироқдир. Чунки иштирокчилар ўз вақтларини ҳисобга олган ҳолда, уларга қулай бўлган пайтда фикрларини билдириш имкониятига эга бўладилар. Иккала форматда ҳам форум ҳақидаги хабарни олдиндан эълон қилишингиз мақсадга мувофиқ.

Форумнинг мулоқот ва мурожаат учун имкониятлари:

Мулоқотнинг қулайлиги	Қулай вақтда мулоқотда қатнашиш, материаллар билан танишиш, ўйлаш, кейин ўз фикри ёки жавобини ёзиш имконияти, яъни иштирокчи иш вақтини бошқариш имконияти туғилади. Бу эса мулоқотнинг унумли бўлишини таъминлайди. Одатда, эрталаб ёки кечкурун форум билан ишлаш қулай.
Мурожаатнинг қулайлиги	Қулай вақтда мурожаат қилиш мумкин. Масалан, савол бериш, фикр ва мулоҳазаларни йиғиш, мониторинг ва баҳолашни ўрганиш мақсадида мурожаат қилиш мумкин. Мурожаат ўз манзилига ёки эгасига дарҳол етиб боради ва унга жавоб келиши тезлашади. Бу эса ишингизни жадаллаштиради. Адресат ёки адресатлар ўзларига қулай вақтда жавоб бериш имкониятига эга бўладилар.
Янги ғоя ва лойиҳалар устида биргаликда ишлаш	Янги ғоя ёки лойиҳа устида ҳамкорлар ва истеъмолчилар билан биргаликда тезда ишлаш ва уни такомиллаштириш мумкин. Масалан, янги лойиҳа ғоялари, режаларига тезда истеъмолчилар фикр-мулоҳазалари ва тавсияларини олиш мумкин.

Янги билимлар ва ғоялар олиш	Иштирокчилар янгиликларни ўқиш, фикр ва тажрибалари билан танишиш, билим ва кўникмалари билан ўртоқлашиши натижа-сида янги билимлар ва ғояларга эга бўлиш мумкин. Сизни қизиқтирган мавзу бўйича бошқаларнинг фикрини ўқишингиз ва ўзингизга зарур бўлган ёрқин ва долзарб маълумот ҳамда билимлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишингиз мумкин. Бу табиий равишда, форум қатнашчиларининг малакаси ошишига ва билимлари такомиллашишига ёрдам беради. Масалан, тажрибали ва ёш мутахассисларнинг форумдаги ўзаро мулоқоти корхона унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади.
Янги ҳамкорлар ва имкониятлар топиш имконияти	Форумларда янги лойиҳалар ҳақида маълумотлар бериш ёки олиш, уларни такомиллаштириш ва янги ҳамкорлар топиш мумкин. Бу корхона учун янги имкониятларни тезда яратади. Шунинг учун турли форумларда савол-жавоб билан қатнашиш, тақдимотлар бериб бориш фойдалидир. Шу билан бирга, форумда тадбиркорларнинг турли он-лайн жамоатчиликлари ҳақида маълумот олиш мумкиндир.
Маркетинг ва реклама	Компания хизматларини ва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни ўрганиш ва уларни тарғибот қилиш мумкин. Компания мижозлари форумда доимий равишда, тўғридан-тўғри мулоқотни олиб бориши мумкин. Мижозларга савол-жавоб ва маслаҳатлар асосида ёрдам кўрсатиш мумкин. Форумда мижоз ва ҳамкорлар билан маъруза ва савол-жавоб билан учрашувлар, лойиҳа ва танловлар ташкил этиб, натижалардан маркетинг, мониторинг ва бизнесни ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Форумнинг мулоқот ва мурожаат учун имкониятларидан тўла фойдаланиш учун форумда рўйхатдан ўтишингиз, мавзулар билан таниш бўлишингиз, хабарларни ўқиш ва ёзишни, янги мавзуларни очишни ва саволномаларни яратишни билишингиз етарлидир.

Форумда рўйхатдан ўтиш тартиби, хабарлар ёзиш ва ўқиш тартиби, форум турлари ва иштирокчилари ҳақидаги батафсил маълумот билан [10] да танишишингиз мумкин.



Топшириқ:

www.businessinfo.uz форумига кириш. Санаб ўтилган мулоқот имкониятларини ўрганиш. Улардан фойдаланиш учун режа тузинг.



Машиқ:

www.businessinfo.uz форумига кириш ва унда ўзингизни рўйхатдан ўтказинг. Форумга кириш ва ундаги мавзуларни ўрганиш. **Отраслевое развитие** бўлимини топиб, унга кириш ва хабарлар билан танишиб чиқинг. Ўзингизнинг фикрингизни ёки саволингизни киритинг. Форумдан чиқинг.

Қуйида **www.uforum.uz** мисолида янги мавзу очиш ва учрашув ташкил этиш тартиблари билан танишамиз.

Форумда қатнашиш тартиби

Р ў й х а т д а н
муваффақиятли
ўтганингиздан
сўнг авторизация
саҳифасига кирасиз. Бунда тегишли
майдонга фойдаланувчи
исмини (login) ва паролни
киритиш керак бўлади. Фойдаланувчи
исми ва пароль тўғри киритилгач,
рўйхатдан ўтган фойдаланувчи сифатида
форумга кирасиз.



Форум мавзулари ва тавсифларига эътибор қаратишингизни ва хоҳлаган бўлим ва мавзунини танлашингизни тавсия этамиз. Сиз ҳар қандай мунозарага ҳамкасбларнинг хатларини ўқиб,

қандай масалалар ва муаммолар муҳокама қилинишини библиб оласиз. Агар форум мавзулари кўп бўлса, у ҳолда ойнанинг энг пастки қисмида саҳифалар сони ва уларнинг тартиб рақами кўрсатилган тугмачани кўрасиз. Ҳар қандай саҳифага ўтиш учун саҳифалар тартиб рақами кўрсатилган тугмачани босишингиз мумкин.

Форумга киришингиз билан сизга форумларнинг бир неча бўлимлари ва мавзулари таклиф этилади. Сиз ўзингиз учун мос келадиганини, масалан, **Тадбиркорлар учун** бўлимини танлашингиз лозим.

Форумда бирор мавзубўйича модераторлик қилмоқчи бўлсангиз, аввало, ушбу мавзунини очишингиз зарур.

Агарда бўлимга модераторлик қилмоқчи бўлсангиз, администраторга ушбу ваколатга эга бўлиш учун мурожаат қилишингиз зарур.

Янги мавзунини очиш тартиби

Агар сиз янги ғоя ёки лойиҳа билан ҳамкорлар ва истеъмолчиларни таништирмоқчи ва уларнинг фикрларини билмоқчи бўлсангиз, у ҳолда янги мавзу очишингиз зарур. Бунинг учун форумда **Открыть тему** тугмачасини чертиб, янги мавзунини очишингиз мумкин. Натижада янги мавзунини очиш саҳифасига ўтасиз. Ушбу саҳифада қуйидагиларни киритишингиз лозим:

- **Наименование темы** майдонида мавзунини киритиш зарур. Масалан, агар бу янги маҳсулот ҳақидаги тақдимот бўлса, мавзунини маҳсулот номи билан аташ мумкин.
- **Описание темы** майдонида маҳсулот тавсифи берилади. Бу ерда мавзунинг қисқача тавсифини ва форумдан кутилаётган натижаларингизни киритишингиз мумкин. Масалан, маҳсулот номи ва унга бўлган истеъмолчиларнинг фикр-мулоҳазаларини кўрсатишингиз мумкин.
- Форум мавзуси учун матн. **Описание темы** майдонидан пастроқдаги жойга матнни киритиш лозим. Одатда, бу форум модератори кириш сўзи бўлиб, у форум мавзуси, санаси ва иштирокчилари ҳақида маълумот беради. Масалан, маҳсулот

ҳақида қисқа ва аниқ маълумот, мавзунинг мақсади, фикр ва мулоҳазалар учун аввалдан миннатдорчилик билдириш мумкин.

Форумда учрашув ташкил этиш

Форумда учрашув ташкил этиш учун тайёргарлик кўриш лозим, бу эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Форум мавзусидаги керакли маълумотларни топиш ва улар билан батафсил танишиш.
- Форум санаси, вақти ва қатнашчиларини белгилаш.
- Форумда ундан 1-2 ҳафта олдин санаси, вақти, форум қатнашчилари, мавзуси, тавсифи, мақсади ва модераторини кўрсатган ҳолда мавзунини яратиш. Шу билан бирга, танишиш учун форум мавзусидаги материалларга йўлланма кўрсатилади.
- Форум ҳақида барча ҳамкорларга ва мижозларга почта орқали хабар бериш.
- Форум иштирокчилари форумга тайёргарлик кўриши зарур. Бунинг учун форумда мавзуга оид материалларни бериш мақсадга мувофиқ.



Машиқ:

www.businessinfo.uz саҳифасидаги форумга киринг ва унда янги мавзунини очиб кўринг.


3.6. Ҷамоа тармоғи орқали мулоқот



Биринчи ҷамоа тармоғи лойиҳаси Интернетда 1995 йилда пайдо бўлди. Ушбу лойиҳа натижалари бошқаларни ҳам ҷамоа тармоқларини яратишига ундади ва натижада бир неча ҷамоа тармоқлари яратилди. 2003 йилда LinkedIn ва Facebook каби ҷамоа тармоқлари ишга туширилди ҳамда ҷамоа тармоқлари расмий равишда яратилди.

Жамоа тармоқлари – бу ҳозирги кунда жадаллик билан ривожланиб бораётган Интернет хизматидир. У жамоа муносабатларини яратишга ва ривожлантиришга қаратилган он-лайн хизматдир.

Жамоа тармоқлари фойдаланувчилари сони ҳар сонияда ошиб бормоқда. Унинг имкониятларидан фойдаланаётган давлат ташкилотлари ва муассасалари ҳамда шахсий корхона ва ташкилотлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Шунинг учун жамоа тармоқлари энг унумли маркетинг ҳамда оммавий ахборот воситасига айланмоқда.



Корхона хизматлари ва маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар 24 соат давомида ҳар куни фойдаланувчилар эътиборига ҳавола этилади, яъни корхона ҳақидаги маълумотларни дунёнинг ихтиёрий нуқтасида ва ихтиёрий вақтда олиш имкониятини яратилади. Фойдаланувчилар эътиборини жалб этиш учун корхона ҳақидаги маълумотларни доимий равишда, янгилаб туриш зарур, яъни мижозлар доимо охириги маълумотлардан фойдаланишга ҳаракат қилишини эътиборга олиш керак.

Жамоа тармоқларининг ишлаш тартиби қуйидагичадир:

- Жамоа тармоғида фойдаланувчилар тезда ва бепул рўйхатдан ўтади ва жамоа тармоғида ўз саҳифасига эга бўладилар.
- Фойдаланувчилар ўзи ҳақида маълумотларни, имкониятлари, истак ва талабларини доимий равишда, дўстлари ва бошқалар билан хабарлар ёрдамида ўз доирасида ўртоқлашадилар. Хабарлар матн, расмлар, аудио ва видеолавҳалар, веб-саҳифа ва блогларга кўрсатмалардан ҳамда турли ахборотлардан иборат бўлиши мумкин. Фойдаланувчи доирасидаги фойдаланувчилар ушбу хабарни ўқиш, муносабатини билдириш ва ўртоқлашиш имкониятларига эга бўладилар.
- Жамоа тармоқлари махсус ҳисоблагичлар ёрдамида хабар мухлисларини ҳисоблайдилар ва хабар билан биргаликда ёритиб боради. Натижада қисқа вақт ичида хабар мухлислари сони тезда ошиб кетади.
- Доирадаги фойдаланувчилар олган хабарни ўз тармоғида ўртоқлашиши мумкин.
- Ушбу жараён бошқа фойдаланувчилар доираларида ҳам давом этади ва натижада истеъмолчилар талаблари ва имкониятларидан иборат яхшигина бепул ахборот манбаси яратилади.
- Ҳар бир фойдаланувчи ўз жамоа тармоғига янги фойдаланувчиларни таклиф этиш имкониятларига эга бўлиб, улар қисқа вақт ичида ўз жамоа тармоғини сезиларли даражада кенгайтиришлари мумкин бўлади.
- Айнан шу манба маркетинг тадқиқотлари учун бебаҳо ҳисобланади.
- Жамоа тармоқлари ҳамкор ва истеъмолчилар кенг доираси билан тезкор боғланиш имкониятига эга. Интернет орқали ихтиёрий жойдан ва ихтиёрий пайтда талаблар, таклифлар



Жамоа тармоқлари корхона миқозлари географиясини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Махсус ҳисоблагич ёрдамида қайси давлат фойдаланувчилари корхона жамоа саҳифасига таширф қилганини кўриш мумкин. Ушбу маълумотни таҳлил қилиш натижасида қайси давлат миқозлари қандай маҳсулотларга ёки хизматларга қизиқиш уйғотганини аниқлаш мумкин. Бу бизнес доирасини кенгайтириш учун муҳимдир.

ва фикр-мулоҳазалар юборилиши мумкин. Хабарлар бир зумда корхона саҳифасида пайдо бўлади. Корхона хабарлари ёки жавоби тезда истеъмолчиларнинг кенг доирасига жўнатилади.

Жамоа тармоқлари халқаро бозорга ва инвестициялар бозорига чиқишнинг энг тезкор ва арзон имкониятига эга.

Жамоа тармоқларида янгиликларни тезда тарқатиш, ҳамкор ва дўстларни тезда топиши мумкин.

Жамоа тармоқлари ёрдамида маркетинг тадбирларини тезда ва арзон ўтказиш мумкин. Бунда сўровларга мижозлар кенг доирасини жалб этиш мумкин.

Жамоа тармоқларида бепул ва пуллик тижорат имкониятлари мавжуд. Тижоратни мақсадли равишда, аниқ сўровларга жавоб бериш доираларда ҳам олиб бориш имкониятлари мавжуд.



*! Жамоа тармоқлари ёрдамида ҳалокатга учраганларни қидиришида ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, Непалда бўлиб ўтган zilзила ҳақидаги хабар ва расмлар зудлик билан жамоа тармоқларида тарқалди. Натижада, баъзи фойдаланувчилар оиласи, қариндошлари ҳақидаги хабарни олишига ва уларга ёрдам бериш имконига эга бўлдilar. Ҳалокатга учраган баъзи фойдаланувчилар уларнинг ҳудуд харитасидаги координатлари ёрдамида тезда топилди ва ёрдам берилди. Маълумотлар ҳар сонияда янгиланиб борилди ва қутқарувчилар ишини анча енгиллаштирди. Жамоа тармоқларидан сўнг хабарларни оммавий ахборот воситалари ҳам тарқатишига киришдилар. Жамоа тармоқлари ёрдамида Непалга ёрдам пули тўплашга ҳам киришилди. **Facebook** саҳифасида **“Непалга ёрдам бергин”** тугмачаси киритилди. Жамоа тармоқларидан биринчи бор, Гаитидаги zilзила натижасида ҳалокатга учраганларни қидириш ва уларга тезда ёрдам бериш учун фойдаланган эди.*



Машқ:

Facebook саҳифасида рўйхатдан ўтинг ва Савдо-Саноат палатаси саҳифаси билан танишиб чиқинг.

3.7. Интернет телефония орқали мулоқот

IP-телефония (Интернет телефония) мулоқот учун қулайдир.



IP-телефония, яъни VoIP (инглиз тилидан «Voice over IP» IP орқали овоз маъносини англатади. Бунда овоз сигналлари Интернет ёки бошқа IP-тармоқлари орқали узатилади.

Ушбу алоқа одатдаги телефон алоқасига қараганда, анча арзондир. Бунда Интернет тармоғи орқали турли мамлакатлардаги абонентга телефон қилишингиз ва у билан мулоқотда бўлишингиз мумкин. Бундай алоқа усулидан корхоналарда ҳам фойдаланилади. Алоқа сифати юқори даражада бўлади. IP-телефония имконияти сиз учун қўшимча телефон тармоғини яратади. У аудио ёки видео конференция ташкил этиш хусусиятига эга.

Имкониятлари

IP-телефония оддий телефондаги каби автомат тарзда рақамларни териш ва телефон қилаётган абонент телефонини аниқлаш каби имкониятларга эга.

Яна бир қулай томони рўйхатдан мамлакатни танлаб, фақатгина телефон рақамни териш етарли. Мамлакат кодларини қидириш зарурати бўлмайди, у автомат тарзда фойдаланади.

Телефон қилиш учун Интернет тармоғи зарур. Агар Интернет тезлиги суст бўлса, овоз узатилиши сустроқ бўлади, чунки овозни рақамли форматга ўтказишга, узатишга ва рақамдан овозга ўтказишга вақт талаб этилади.

Хавфсизлик

IP-телефонияда алоқанинг хавфсизлигини криптографик шифрлаш амалга оширади, лекин IP-телефония фойдаланувчилари кўпчилиги ундан фойдаланмайди. Эҳтиёт чораси сифатида ҳимояланган тармоқлардан фойдаланган мақсадга мувофиқ. Шахсий тармоқдаги маълумотларни очиқ қолдирмаслик керак.



Skype дастури ёрдамида телефон қилиш жуда қулайдир. Бунда қуйидагича қўнғироқ қилиш мумкин:

- компьютердан – компьютерга
- компьютердан телефонга

Компьютердан телефонга қўнғироқ қилиш бепул эмас, лекин телефондан телефонга пуллик қўнғироқ қилишдан анча арзондир.

Skype ёрдамида аудио ва видеоконференциялар ташкил қилиш қулайдир.

Бир пайтнинг ўзida бир неча абонент билан мулоқот қилиш мумкин. Бунинг учун аудио қурилмалари (наушник, микрофон) зарурдир. Ушбу дастур хавфсизлик тизимига эга.

3.8. Видеоконференция орқали мулоқот



Видеоконференция – бу компьютер ва Интернет ёрдамида ўзаро видео-мулоқот қилиш имкониятидир. Бунда иштирокчилар бир-бирини кўриш ва эшитиш имконига эга бўлади.



Видеоконференция нима, унинг имкониятлари ва турлари, уни ташкил этиш ва унда қатнашиш тартиблари қандай каби саволларга жавоб билан [10] да батафсил танишиш мумкин.

Видеоконференцияда 2 ва ундан ортиқ фойдаланувчи иштирок этиши мумкин. Иштирокчилар одатда турли манзиллардан: офислардан, шаҳарлар ёки мамлакатлардан бўлиши мумкин, яъни иштирокчилар орасидаги масофанинг аҳамияти бўлмайди.

Иштирокчилар маъруза, тақдимот ёки муҳокамада фаол қатнашиш имкониятларига эгадир. Масалан, бир корхонада тақдимот ўтаётган бўлсин. Бошқа корхоналардаги иштирокчилар ҳам ушбу тақдимотни кўриши, эшитиши, савол ва жавоб билан қатнашиши ҳамда фаол қатнашчини экранда кўриши мумкин. Тақдимот қилувчи иштирокчи эса иштирок этаётганларни экранда кўриши мумкин.



! 100 марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхшидир. Телефон орқали 10 фоиз маълумот қабул қилинади. Видео орқали эса 60 фоиз маълумот қабул қилинади.

Шунинг учун видеоконференциянинг таълимда, тиббиётда ва бизнесда ҳам фойдаси жуда аҳамиятлидир. Албатта реал, яъни юзма-юз мулоқот яхшироқдир, лекин бу вақт ва харажат талаб этади. Видеоконференция эса вақт ва харажатни сезиларли даражада тежалишини таъминлайди. Шу билан бирга, ушбу йиғилишлар самарадорлиги билан тавсифланади. Бунинг сабаби иштирокчилар вақтдан унумли фойдалана олишидадир.

Демак, видеоконференция мулоқотнинг тезкорлиги, қулайлиги, тежамлилиги, самарадорлиги ва хавфсизлиги билан қулайдир, айниқса, тиббиётда ундан фойдаланиш тиббий маслаҳатлар беришда ва консилиумлар ташкил этишда унумли фойдаланилади. Тиббиёт мутахассиси оғир беморни даволаш учун зарур маслаҳатларни бошқа мамлакатлардаги тиббиёт мутахассисидан тезда олиши жуда муҳимдир. Ушбу тажриба телетиббиёт деб аталади. Бу тажриба Ўзбекистонда бир неча йиллар давомида фойдаланиб келинмоқда.



Видеоконференцияни ташкил этиш тартиби

Видеоконференция орқали мулоқотни ташкил этиш қуйидагича амалга оширилади:

- Овозни эшитиш ва узатиш учун микрофон ва наушник, тасвирни қабул қилиш ва узатиш учун веб-камера ўрнатилган компьютер ёки Nootbook ва Интернет тармоғи имкониятларидан фойдаланган ҳолда видеоконференция ташкил этиш мумкин. Масалан, **Logitech** корхонаси веб-камералари ва микрофонлари сифатлидир. Nootbookлар одатда овозни эшитиш ва камера билан таъминланган бўлади. Бунда Интернет тезлиги қанчалик тез бўлса, видеоалоқа сифати шунчалик юқори бўлади, масалан, ADSL тармоғида аудио ва видеони узатиш тезлиги сифати яхшидир. Телетиббиётда видеоалоқа сифати жуда катта аҳамиятга эгадир. Видеоконференция учун камида 256 кбит/с тезликдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.
- Видеоконференция учун махсус қурилмалар ҳам мавжуд. Уларнинг сифати юқори ва нархи ҳам баланд бўлади. Кўп нуктали видеоконференция учун ушбу қурилмадан фойда-


ланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу қурилма видеосервер деб аталади. Бундай видеосервер ёрдамида 3 дан 10 тагача нуқтали конференция ташкил этиш мумкин. Ушбу қурилма барча нуқталардаги видеооқимни қабул қилиб, таҳлил этади ва пропорционал тарзда, ҳар бир компьютерга узатилишини таъминлайди, яъни асосий юк видеосерверга тушади. Махсус видеокодек билан юқори ҳажмдаги аудио ва видео маълумотларни зичлаш ва очиш мумкин. Бу қурилма юқори сифатли видеомулоқот учун ишлатилиши керак. Бунда маълумотларни зичлаш тезлиги аҳамиятга эгадир. Агар ушбу тезлик суст бўлса, аудио ва видеони узатиш сифати паст бўлади. Масалан, баъзи сўзлар эшитилмайди ва тасвирлар кўринмайди. Бу эса мулоқот сифатини ва аҳамиятини анча сусайтиради.



! Ҳозирги кунда баъзи корхоналар ва университетлар ушбу махсус қурилмага эга. Зарур ҳолда, улардан келишган ҳолда фойдаланган мақсадга мувофиқдир. Форумлар марказида ҳам видеоконференциялар учун қурилма мавжуддир.

Ушбу қурилмалар ёрдамида тадбирларда барча вилоятлардан иштирокчилар қатнашиши имкониятига эга бўлмоқда. Масалан, Инха университетида абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун он-лайн консултация ташкил этилади ёки танлов натижалари тақдими барча вилоятларда намоиши этилади.

- Видеоконференция алоқаси учун қуйидаги дастурлардан фойдаланиш мумкин: **Netmeeting, Lync, Skype, Mailagent** ва бошқалар. Бу дастурлар билан ишлаш жуда соддадир. Масалан, **Skype** ёрдамида икки иштирокчи ўзаро видеомулоқот қилиши мумкин. Бунинг учун рўйхатдан иштирокчини топиб, унга қўнғироқ қилиш ва видеоалоқа тугмачасини босиш етарли. Ушбу алоқа ҳамкор билан мулоқотингизни самарали қилади. Бундай алоқа



учун харажат талаб этилмайди. Бунинг учун Интернетга боғланишингиз етарли бўлади. **Skype** воситасида чат ёрдамида тез хабар юбориш, телефон қилиш ва аудиоконференция имкониятлари мавжуд. Ҳозирги кунда **Skype**нинг бизнес учун тури яратилган. Унда мулоқот хотирага ёзиб қўйилади ва “логлар” деб аталади.

Lync дастури видеоконференция, аудиоконференция, чат орқали тезкор хабар юбориш ва телефон орқали мулоқот қилиш, мажлислар ҳамда учрашувлар ўтказиш имкониятларига эга. У тадбиркорлар учун жуда асқотади, чунки унда мулоқотлар ва муҳокамалар фойдаланилган туридан қатъий назар, хотирада – **Беседа** бўлимида сақланади. Зарур ҳолда, ушбу маълумотлардан фойдаланиш мумкин, масалан, мулоқот давомида шартнома муҳокама этилган бўлса, мулоқот **Беседа** бўлими ёрдамида шартнома тафсилотларини зарур ҳолда, эшлаш ёки аниқлаштириш мумкин. Бу эса ишингизни жадаллаштиради ва шартномани яна муҳокама қилишдан сизни халос этади. Натижада вақтингиз тежалди ва ишингиз унумли бўлади. Савдо-саноат палатаси мазкур дастурдан мулоқот учун унумли фойдаланмоқда.

Ушбу дастурдан бизнесда фойдаланилади. Агар бу дастурдан фойдалансангиз, мазкур дастурдан фойдаланувчилар тармоғидан ҳамкорларингизни, янги ҳамкорларни топишингиз мумкин ва улар билан осонгина мулоқот қила оласиз. Ушбу дастурдан фойдаланиш жуда қулайдир.



Машиқ:

Skype дастурида ўзингизни қайд қилинг. Унинг ёрдамида ҳамкасб ёки ҳамкорлар билан видеоалоқа ўрнатинг. Видеотасвирни ва овоз параметрларини текширинг. Дастурнинг чати ёрдамида тез хабар юбориш орқали хабарлар юборинг. Чат логини очинг ва мулоқот тафсилотларини қараб чиқинг.



! Электрон ҳукуматнинг мурожаат қилиш имкониятлари жуда унумлидир. Ушбу имконият ҳақидаги маълумотлар ва фойдаланиш тартиби 5-бобда келтирилади.

3.9. Мулоқотни ташкил этиш ва бошқариш бўйича тавсиялар

- Интернет ёрдамида тез мулоқот ва мурожаат қилиш мумкин. Бунинг учун унинг мулоқот қилиш имкониятлари билан батафсил танишиш ва улардан мақсадли равишда фойдаланиш зарур. Шу билан бирга, ҳамкорлар имкониятларини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.
- Интернет орқали мулоқотда он-лайн мулоқот қонунқоидаларига риоя қилиш тавсия этилади. Хабарлар аниқ ва тўғри бўлиши ва бошқалар учун таҳдид қилмаслиги ёки зарар келтирмаслиги зарур. Шу билан бирга, муаллифлик ҳуқуқларига жавоб бериши зарур.
- Блоглар қисқача янгилик, хабар ва маълумотларни киритишда фойдалидир. Шунинг учун блоглардан корхона янги хизматлари ва маҳсулотларини истеъмолчилар доирасида тарғибот қилиш мақсадида фойдаланган мақсадга мувофиқ.
- Форум ёрдамида мавзу, муаммо ёки лойиҳаларни биргаликда муҳокама қилиш, семинар, учрашув, муҳокама, конференция, йиғилишларни ўтказиш мумкин. Форумда янги ғоялар ва лойиҳалар бўйича фикр ва мулоҳазаларни олиш қулайдир.



Форумда мулоқотни модерация қилиш мақсадга мувофиқ, чунки баъзи фойдаланувчилар мавзуга оид бўлмаган ёки ахлоққа тўғри келмайдиган хабарларни атайлаб зарар етказиш учун юбориши мумкин. Модерация давомидида хабарларни ўқиш ва саралаш имконияти форумда зарарли хабарларнинг чиқишидан сизни эҳтиёт қилади. Модерацияни албатта зарур малакага бўлган корхона мутахассислари олиб бориши зарур. Ҳозирги кунда кўпчилик корхоналарда ушбу вазифани бажарувчи махсус ходимлар мавжуд.

- Видеоконференция ёрдамида эса иштирокчилар маъруза, тақдимот ёки муҳокамада он-лайн тарздаюзмаюз қатнашиш имкониятига эгадир. Шунинг учун ҳамкорлар билан муҳим муҳокамаларни, учрашувларни, тақдимотларни ва бўлажак ходимлар билан интервьюларни ўтказишда видеоконференциядан фойдаланган унумлидир.



! Интернет фойданувчилари сони ҳар сонияда ўсиб бормоқда. Шунинг учун Интернетда мулоқот қилиш имкониятидан тадбиркорликни жадаллаштириш мақсадида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Интернетда мулоқот қилиш имкониятлари ҳам ривожланаётганини ҳисобга олинг ва улардан бохабар бўлишни унутманг.



! Интернет мулоқотдан мақсадли равишда унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг ва мулоқот қонун-қоидаларига риоя қилинг.



4

Интернетда бизнесни юритиш ва ривожлантириш тартиби

Тўртинчи боб

- Электрон офис имкониятлари ва уни яратиш тартиблари
- Электрон реклама ва маркетинг
- Электрон тўлов афзалликлари ва фойдаланиш тартиби
- Электрон дўкон имкониятлари ва фойдаланиш тартиби
- Эълонлар тахтаси имкониятлари ва фойдаланиш тартиби
- Электрон тижорат имкониятлари ва фойдаланиш тартиби
- Электрон биржа имкониятлари
- Электрон тиббиёт имкониятлари
- БМТ ягона ахборот-маълумот порталидан унумли фойдаланиш тартиби
- Тадбиркорликда Интернетдан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар





**Электрон тижорат –
бу маҳсулотни дўконга
бормасдан топиш ва сотиб
олиш имкониятидир**

Ушбу бобда тадбиркорликда Интернет имкониятларига оид тавсиялар билан танишамиз. Интернет имкониятларига оид баъзи маълумотлар [10] нинг 7-бобида келтирилган. Ушбу бобда имкониятлардан фойдаланиш тартиблари тўлароқ келтирилади. Мазкур маълумотлар ва тавсиялар сизни қизиқтиради деган умиддамиз.

4.1. Электрон офис имкониятлари ва уни яратиш тартиблари



Электрон офис – бу корхонанинг фаолиятини ягона ахборот тармоғи доирасида олиб бориш имкониятидир. Бу корхона ҳужжатлари, лойиҳалари ва режаларини биргаликда, корхона ахборот тизими доирасида муҳокама қилиш, тайёрлаш ва улар билан ишлаш имкониятини яратади. Бунда ходимлар орасидаги масофанинг узоқлиги аҳамиятга эга бўлмайди, яъни бир манзилда жойлашган корхона учун ҳам, бир неча манзилларда жойлашган корхоналар учун ҳам электрон офисдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.



Электрон офис иш жараёнини такомиллаштиради. Ҳужжатлар тайёрлаш муддати тезлашади ва сифати ошади, чунки бир ҳужжат устида бир неча ходим ишлаш имконияти яратилди. Бу эса ходимлар масъу

лиятини оширади. Ҳар бир ходим масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўз фикр ва мулоҳазаларини ҳужжатда акс эттиради.

Электрон офис корхона фаолиятида бир қанча қулайликларни яратади, улардан баъзиларини санаб ўтамиз:

- Маъмурий ва молиявий ишлар бошқаруви, жумладан, мижозларга хизмат кўрсатиш бошқарилади.

- Лойиҳаларни режалаштириш, яратиш ва амалга ошириш бошқарилади.
- Корхона марказлаштирилган бошқариладиган электрон маълумотлар омбори яратилади.
- Корхона ходимлари корхона янгиликларидан ва жараёнларидан офисда, уйда ва сафарда хабардор бўлиш имконига эга бўладилар.
- Ахборот хавфсизлиги воситалари ёрдамида корхонада ахборот ҳимояси таъминланади.



! Электрон офис афзалликларга эгадир. Бунда ходимлар иш вақти тежалади, харажатлар камаяди ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади.

Кўпгина йирик корхоналар офислари дунёнинг турли мамлакатларида жойлашган бўлади. Ушбу корхоналар ходимлари марказий офисдан узоқда жойлашганига қарамай, корхона электрон офиси ёрдамида корхона иш фаолиятида фаол қатнаша оладилар. Бунинг учун улар электрон офисга Интернет орқали кирадилар ва корхона ҳужжатлари ва лойиҳалари билан ишлаш имкониятига эга бўладилар. Корхона раҳбарлари ходимлар ҳисоботларини йиғиш, ходимлар ишини кузатиш, уларга зарур ҳолда, фикр ва тавсиялар билан ёрдам бериш имконига эга бўладилар. Бу албатта иш самарадорлигини оширади ва корхона даромадида акс этади, масалан, **Жаҳон Банку**, **Cisco** ва **Microsoft** корхоналари шу усулда ишлайди.

Ҳозирги кунда республикамызда, идораларда электрон ҳужжат айланиши тизимларини киритиш ва ушбу тизимларнинг идоралараро ўзаро ишлашини таъминлашга эътибор каттадир. Бу борада “Ўзбекистон Республикаси электрон ҳужжат айланишининг идоралараро тизимини яратиш концепцияси” яратилган ва тасдиқланган.

Ушбу концепция Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2005 йил 8 июль ПК-117 сон Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Бу концепцияни амалга ошириш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда. Бу давлат корхоналари учун ўзаро ҳужжатлар алмашувини қулайлаштирмоқда.

Кичик корхоналар учун ушбу усулдан фойдаланган афзалдир, чунки кичик офисда ҳужжатлар устида муҳокамани ва мулоқотни электрон офис орқали олиб борган маъқул. Ушбу имконият бошқа ходимларнинг ишига халақит бермайди. Ҳаттоки, мижозлар билан мулоқот ҳам электрон офис орқали амалга оширилади ва бу ҳам бошқа ходимлар эътиборини тортмайди.

Корхонада электрон офисни татбиқ этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- Корхона ва унинг филиаллари электрон ахборот алмашуви тизимини яратиш.
- Ҳужжат айланишини таъминлаш учун ҳужжатлар стандартини ва улар устида ишлаш тартибларини яратиш зарур. Бу тартиблар ҳужжатларни таҳрирлаш ва таҳрирлашни қабул қилиш қоидаларини бошқаришни ўз ичига олиши зарур.
- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш сиёсатини татбиқ этиш зарур.
- Электрон ҳужжатлар омборининг бошқарувини автоматлаштириш зарур.
- Мижозлар ва ҳамкорлар билан мулоқот қилиш тартибларини яратинг.
- Ходимларни электрон офисдан фойдаланиш тартиблари билан таништириш мақсадида тренинглар ва семинарлар ташкил этинг.
- Электрон офис имкониятларидан унумли фойдаланаётган ходимларни рағбатлантиринг.



! Электрон офис афзалликларини барча ходимлар дарҳол кўради. Раҳбарият ишни бошқариши ходимлар ёрдами ҳисобига енгиллашади, ходимлар иши раҳбарият ёрдами тўғрисида жадаллашади. Бу эса корхона иш самарадорлигини сезиларли даражада оширади.



Топишириқ:

Корхонангизда электрон офис яратиш имкониятларини ўрганиб чиқинг ва уни татбиқ этиш тартибини ҳамкасблар билан биргаликда ишлаб чиқинг.

4.2. Электрон реклама ва маркетинг



Электрон офис яратгандан сўнг Интернетда реклама ва маркетингни жорий этиш ҳам қулайлашади. Қуйида электрон реклама ва маркетингни Интернетда амалга ошириш тартиблари билан танишамиз.

Электрон реклама ва маркетингнинг баъзи имкониятларини эс-лайлик:

- Интернет тармоғида маълумотлар саҳифадан-саҳифага тезда ўтади. Фойдаланувчилар ёрдамида Интернетга жойлаштирилган ахборот бир зумда бутун тармоққа ёйилиши мумкин.
- Корхона ҳақидаги маълумотларни замонавий усулларда ёри-тиш имконияти. Бу саҳифа ёки реклама дизайнини яратиш орқали амалга оширилади.
- Корхона миқозлари географиясини ва сонини аниқлаш мум-кин. Махсус ҳисоблагич ёрдамида қайси давлат фойдала-нувчилари веб-саҳифага ташриф қилганини кўриш мумкин. Интернет ёрдамида рекламада миқозлар ёшини ва тоифала-рини ҳисобга олиш мумкин.
- Интернет орқали ихтиёрий жойдан ва ихтиёрий пайтда талаб-лар, таклифлар ва фикр-мулоҳазалар юборилиши мумкин. Хат бир зумда корхона почта қутисига тушади. Интернетнинг барча фойдаланувчилари сизнинг миқозингиз бўлиши мум-кин.
- Интернет ёрдамида маркетинг тадбирларини тезда ва арзон ўтказиш мумкин. Бунда сўровларга миқозлар кенг доираси-ни жалб этиш мумкин.

Ушбу имкониятларни амалга ошириш усуллари тавсифини кел-тирамир.

1. Электрон реклама ва маркетингни жорий этиш учун Интер-нетда мулоқот қилишнинг қуйидаги технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:
 - *Электрон почта*
 - *Блоглар ва веб-саҳифалар*
 - *Форум*
 - *Жамоа тармоғи*
 - *Видеоконференция*

2. Электрон рекламанинг матн шрифти, ранги ва катталиги ўқишга қулай бўлиши зарур. Оддий ранглардан фойдаланган маъқул. Веб-саҳифа мазмуни билан эътиборни жалб қилгани мақсадга мувофиқдир, чунки китоб мазмуни билан қизиқарли бўлгани каби, веб-саҳифа ҳам айнан мазмуни билан фойдаланувчиларга қизиқарли бўлади. Доимо веб-саҳифага янги маълумотларни жойлаштириб, мижозлар эътиборини тортинг.
3. Электрон рекламада чоп этилаётган расм корхона фаолиятини ифодалагани маъқул. Масалан, муҳокама, иш жараёни ёки байрам тантанасида олинган расмлар қизиқарлидир.
4. Электрон рекламада **овоз бериш, саволномалар** ёрдамида маркетинг тадбирларини амалга ошириш мумкин. Бунинг учун веб-саҳифа ва блог, форум, жамоа тармоқларидан фойдаланиш, масалан, янги маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш ёки хизмат кўрсатиш сифатини аниқлаш мумкин.
5. **RSS** (Really Simple Syndication) хизматини ташкил этиш мумкин. Ушбу хизмат ихтиёрий веб-саҳифадан автомат тарзда, RSS саҳифадаги ўзгаришлар ҳақида маълумотларни олиш имконидир.
6. Электрон рекламада **баннер** – одатдаги баннер вазифасини бажаради. У одатда кичкина расм ёки постер бўлиши мумкин. Баннерни чертиш натижасида баннер реклама қилувчи саҳифага ўтилади, масалан, корхона янги маҳсулотлари баннерини веб-саҳифасида жойлаштириш мумкин. Корхона веб-саҳифаси баннерини турли веб-саҳифаларда реклама учун жойлаштириш мумкин. Масалан, ҳамкорлар ва оммабоп электрон медиа-маҳсулотларида жойлаш мумкин. Баннер таклифни тасвирлагани мақсадга мувофиқ, шунда у мижозларни ўзига жалб этади.
7. **Электрон почта** ёрдамида корхона ахборотномаларининг жўнатилишини ташкил этиш мумкин. Масалан, корхона янги маҳсулотлари ҳамда хизматлари, янги лойиҳалари, натижалари ва фойдали тавсияларини мунтазам равишда, яратиш ва манзилларга юбориш мум-

кин. Одатда, ушбу ахборотномани олиш учун мижозлар рўйхатдан ўтиши зарур. Бу сизга мижозлар омборини яратишга ёрдам беради. Ахборотномадаги янги билим ва қизиқарли маълумотлар унинг мижозлари сонини кескин оширади. Ушбу тизимни веб-саҳифада, блог ёки жамоа тармоғида ўрнатиш зарур. Шу билан бирга, корхона янгиликларини ҳамкорлар ёки оммабоп веб-саҳифалар ахборотномаларида тарқалишини ташкил қилиш мумкин. Баъзи корхоналар ахборотномаларни тарқатишда ҳамкорлик қиладилар. Ахборотнома мижозлари одатда, қизиқарли маълумотларни Интернет технологиялари ёрдамида ўз ҳамкасблари ва дўстларига юборадилар. Бу эса корхона маҳсулотлари ва хизматларига янги мижозларни жалб этади. Ахборотномалар ёрдамида сўровномалар ва тадқиқотлар олиб бориш мумкин.

8. **Видеоконференциялар, учрашувлар** ёрдамида реклама ва маркетинг тадбирларини доимо олиб бориш мумкин. Масалан, корхона янги маҳсулотлари тақдироти конференциясини ўтказиш мумкин. Буни форум ёрдамида ўтказиш мумкин. Конференция ва учрашувларни муваффақиятли ўтказиш учун уларни ташкил этиш бўйича тавсияларга амал қилинг. Улар [10] нинг 5-бобида келтирилган. Форумни корхона веб-саҳифасида ўрнатиш ёки форумларда корхона бўлимини очиш мумкин. Масалан, **www.businessinfo.uz** форумида корхона форумини очиш мумкин. Унда мунтазам равишда, мижозлар ва ҳамкорлар билан конференция, учрашув, саволномалар, виртуал қабулхона яратиш мумкин.

Шундай қилиб, Интернет ёрдамида рекламани йўлга қўйиш ва маркетинг тадбирларини ташкил этиш тартиблари билан танишдик. Ушбу тавсияларни корхонада амалга ошириш имкониятларини кўриб чиқинг.



Топишириқ:

Корхонанинг Интернет ёрдамида реклама ва маркетинг тадбирлари ўтказиш бўйича режасини ишлаб чиқинг. **www.chamber.uz** саҳифасида реклама ва маркетинг тадбирларига оид фаолиятни тавсифланг.

4.3. Электрон тўлов афзалликлари ва фойдаланиш тартиби

Электрон тўловлар – бу Интернет орқали тўловларни масофадан амалга ошириш имкониятидир, яъни фойдаланувчи банк билан мулоқотни ва пул муомалаларини Интернет орқали амалга оширади. Масалан, корхона Интернет дўконда сотиб олинган маҳсулот ҳақини Интернет орқали тўлайди ёки корхона маҳсулотларини сотиш учун ёки хизматларидан фойдаланиш учун тўловни Интернет орқали бажаради.



Электрон тўловни Интернет ҳамён деб аташ мумкин. Интернет ҳамёндаги виртуал пул миқдорини Интернет орқали билиш ҳам мумкин. Электрон тўлов электрон тижоратнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Банк билан мулоқот банк веб-саҳифаси орқали амалга оширилади. Мулоқотни ва тўловларни амалга ошириш учун банк веб-саҳифасида махсус хизмат бўлиши зарур. Одатда ушбу хизматдан фойдаланиш учун рухсатни банк офисида олиш мумкин. Банк веб-саҳифасида фойдаланувчи шахсий кабинети орқали тўловларни амалга ошириши ёки ҳисобидаги тўловлар билан танишиши мумкин.


Электрон ҳамёндан дунёнинг ихтиёрий нуктасида фойдаланиш ва тўловларни амалга ошириш мумкин. Яна бир афзаллиги тўлов бир зумда амалга оширилади.

Электрон тўловларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- **Банк тўлови** фойдаланувчига банкнинг он-лайн хизмати ёрдамида тўловларни амалга ошириш имконини беради.
- **Электрон пул** – электрон ҳамёндаги пуллар ёрдамида тўлов амалга оширилади.
- **СМС тўлов** – дўкон ўз электрон тизимига буюртмани юборади ва мижозга СМС сўров юборилади, мижоз тўловни СМС орқали тасдиқлайди.

Интернетда электрон савдо ривожланиши электрон тўлов имкониятларини кенгайтирмоқда. Натижада харидорлар бевосита уйдан ёки офисдан туриб, маҳсулотларни сотиб олиш имконига эга бўлмоқда.

“UPAY” тизими Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси мутахассислари томонидан яратилган. Ушбу тизим мобил телефон ёрдамида СМС юбориш орқали тўловни амалга оширишга имкон беради. Ушбу хизмат ёрдамида қуйидаги тўловларни амалга ошириш мумкин:



- Коммунал хизматлар тўловлари
- Интернет хизмати тўловлари
- Шаҳар ва мобил телефон хизмати тўловлари
- Савдо-саноат Палатаси хизматлари тўловлари
- Он-лайн харид тўловлари
- Солиқ ва давлат божлари тўловлари
- Суғурта тўловлари
- Кабел телевидениеси ва IP-телефония тўловлари.

CLICK тизимининг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

- Интернет ёки мобил телефон ёрдамида тўловларни амалга оширади.
- Бир ҳисобдан иккинчисига пул ўтказди.
- Тўлов хабарлари СМС орқали юборилади.
- Тўлов тарихи билан таништиради.
- Савдо-саноат Палатаси хизматлари тўловларини амалга оширади.
- Ҳисоб балансини кўрсатади.



Топшириқ:

“UPAY” тизими саҳифасини Интернетдан топинг ва ундан фойдаланиш тартиблари билан танишинг. Корхона тўловларини “UPAY” ёрдамида амалга ошириш имкониятларини ўрганинг. Интернетдан tbank.uz саҳифасини топинг ва ушбу тизим имкониятлари билан танишинг.

4.4. Электрон дўкон имкониятлари ва фойдаланиш тартиби



Интернет-дўкон – инглиз тилидан «online shop» ёки «e-shop» бўлиб, Интернетдаги дўконни англатади. Интернет дўкон – бу Интернетда маҳсулотлар савдосини амалга оширувчи веб-саҳифадир. Фойдаланувчилар Интернет дўкон маҳсулотлари билан танишиб, буюртма бериши ва электрон тўлов ёрдамида сотиб олиши мумкин бўлади. Сотиб олинган маҳсулотлар буюртмачи кўрсатган манзилга етказилади.



Одатда, етказишга бир неча соат ёки бир неча кун кетади. Озиқ-овқат моллари одатда, бир неча соат ёки кун давомида етказилади. Бошқа моллар эса бир неча кун давомида етказилади. Агар Интернет дўкон бошқа мамлакатда жойлашган бўлса, етказишга кўпроқ вақт талаб этилади.

Дўконга бориш, уни кидириш, дўконма-дўкон юриш зарурати йўқолиши, вақт ва асабнинг тежалиши, маҳсулотни кўрсатилган манзилга етказилиши ушбу технологияни

оммавийлаштирмоқда. Бу усул ёрдамида дори-дармондан тортиб, авиа-чипталаргача сотиб олиш мумкин. Интернет дўкон корхона буюртмалари асосида истеъмолчиларнинг маҳсулотларга бўлган талабларини ўрганиш имкониятига ҳам эга.



Интернет дўкондаги нархлар одатдаги дўкондагидан арзонроқ бўлади, чунки одатдаги дўконни бошқариш учун бино, омбор, ишчилар, сотувчилар, маъмурий ходимлар, техника, коммуникация тармоғи кабилар зарур бўлади. Бу анчагина харажат талаб этади. Интернет дўкон учун эса фақатгина уларнинг айримлари зарур бўлади.

Интернет дўконда савдо-сотиқ муомаласи қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- **Харидор Интернет дўкон молларини моллар каталоги ёрдамида ўрғанади. Электрон растадаги молнинг ба-тафсил тавсифи, нархи ва расми жойлашади. Харидор молнинг рангини ёки ўлчамини танлаш имкониятига эга бўлади.**
- Харидор танлаган молларни виртуал саватчага ташлайди ва буюртмани яратади. Виртуал саватчада харидор танлаган моллар рўйхати ҳосил бўлади. Рўйхатда молларнинг коди, номи, нархи, сони ва жами нархи кўрсатилади. Буюртмани текшириш ва зарур ҳолда ўзгартиришларни киритиш мумкин, яъни электрон саватдан молларни олиш ёки қўшиш мумкин. Молларни танлашда уларнинг ўлчамига эътибор бериш зарур. Баъзи моллар расмда катта кўринади, аслида эса, ўлчамлари кичик бўлади. Шунинг учун молнинг ўлчамларини текширинг.
- Саватда йиғилган молларнинг рўйхати акс эттирилади.
- Харидор буюртмани **Заказать** ёки **Купить** тугмачалари ёрдамида расмийлаштиради. Баъзи Интернет дўконлар буюртмани телефон, электрон манзил ёрдамида расмийлаштирадилар. Мурожаат учун маълумотлар дўкон саҳифасида берилади.
- Харидор тўловни амалга оширади. Буюртма учун электрон тўлов усули сўралади. Баъзи Интернет дўконлар тўловни мол манзилга етказилганда нақд ёки карта орқали амалга ошириши мумкин.
- Тўлов амалга оширилгандан сўнг дўкон буюртмани қабул қилади ва расмийлаштиради.
- Интернет дўкон буюртмани кўрсатилган манзилга ва муддатда етказди. Дўкон харидордан буюртмани қаерга, қайси кун ва вақтда жўнатилишини сўрайди.



Баъзи дўконлар алоқа учун телефон рақамини ҳам сўраши мумкин. Буюртма жавоблар асосида харидорга курьер ёки почта орқали етказилади.



- Дўкон ўз курьер хизмати-га ёки курьер хизмати кўрсатувчи корхона хизматида фойдаланиши мумкин.

Шундай қилиб, корхона учун зарур молларни Интернет дўкондан сотиб олиш мумкин. Бу корхона учун қулайликлар яратади, яъни молни сотиб олиш учун дўконни топиш, у ерга бориш ва олиб келиш зарурати бўлмайди. Молларни танлашда, буюртмани яратишда консультант хизматида реал вақтда фойдаланиш мумкин.



! Интернет дўкон оммавий бўлганлиги учун унда реклама бериш фойдалидир. Шунинг учун Интернет дўконлар реклама хизматлари орқали ҳам фойда олиши мумкин.



Машиқ:

www.e-savdo.uz, www.yarmarka.uz ёки www.arba.uz веб-саҳифаларини очинг. Унда Сизга қизиқарли бўлган маҳсулотлар тавсифи билан танишинг. Бирор маҳсулотни буюриш тартиби билан танишиб кўринг. Он-лайн консультант орқали буюртма қилиш тартиблари билан танишинг.

4.5. Эълонлар тахтаси имкониятлари ва фойдаланиш тартиби


Эълонлар майдони – бу эълонлар жойлашган веб-саҳифадир. Уни эълонлар электрон тахтаси ҳам деб атайдилар.



! Дастлаб янгиликлар ва эълонларни чоп этиш вазифасини BBS базарар эди. У айнан шу мақсадда яратилган. BBS инглиз тилидаги Bulletin Board System сўзининг бош ҳарфларининг қисқартмаси бўлиб, у эълонларнинг электрон тахтаси деб таржима қилинади. BBS хизматларини бепул ва пуллик кўрсатувчи корхоналар мавжуд.


Интернет тараққиёти натижасида ушбу вазифани бепул бажарувчи турли саҳифалар яратилди. Уларда юридик ва жисмоний шахсларнинг янгилик ва эълонлари берилади. Эълонлар турли мавзуда бўлиши мумкин. Масалан, корхона маҳсулот ва хизматларини реклама қилиши ёки жисмоний шахслар шахсий молларини ёки хизматларни таклиф этиши мумкин, масалан, тренинглар, компьютер техникасини сотиб олиш, компьютер техникасига техник хизмат кўрсатиш, ишлатилган компьютерни сотиш, таржимонлик хизматлари кабилардир.

Баъзи журнал ва газеталар веб-саҳифаларга ҳам эга. Улар ҳам эълонлар ва янгиликларни чоп этадилар. Республикамизда электрон эълон майдонлари кенг тарқалган. Энг оммабоп веб-саҳифа **www.olx.uz** саҳифасидир. Унда турли мавзудаги эълонлар ва янгиликлар эълон қилинади. Агар бирор маҳсулотни сотиб олоқчи бўлсангиз, ушбу сайтда мос эълонлар билан танишишингиз мумкин. Шу билан бирга, агар бирор маҳсулотни сотмоқчи бўлсангиз, ушбу саҳифадан фойдаланиш мумкин. Унинг кўриниши қуйидагича:



Ушбу веб-саҳифа қидирув тизимга ҳамда каталогларга эга. Ушбу имкониятлар ёрдамида ўзингизга керакли бўлган таклифни ёки маҳсулотингизга харидорларни тезда топиш мумкин.

Электрон эълонлар каталоги мавзулар бўйича бўлимларга ажратилган. Бўлим мавзуси асосида зарур эълонни бериш ёки топиш мумкин. Мисол тариқасида, **“Компьютерлар”** бўлими эълонлари билан танишайлик.



Эълонларни саралаш имконияти мавжуд. Бундан экраннинг ўнг томонида жойлашган **Фильтр** менюси ёрдамида амалга

ошириш мумкин. Саралашни амалга ошириш учун саралаш тартибини белгилаш ва **Применить** тугмачасини босиш зарур. Саралашни сотиш, сотиб олиш, алмаштириш, ижарага бериш ва совға қилиш ҳақидаги эълонлар бўйича амалга ошириш мумкин. Нархи бўйича ҳам саралаш имконияти мавжуд.

Эълонларни қўйиш тартиби жуда осондир:

- Бунданг учун **Эълонни қўйиш/Добавить объявление** тугмачасини босинг. Эълон бериш учун **OLX**да рўйхатдан ўтиш зарур. Натижада қуйидаги дарча ҳосил бўлади.



• Дарча мазмуни ва эълон бериш тартиби билан танишинг. Эълон бериш учун рўйхатдан ўтиш зарур. Кейин эълонни киритинг. Эълонда фото ва видео-

файлларни эълон киритилгандан сўнг юклаш мумкин. Эълонни киритишда зарур бўлимни рўйхатдан танлаш зарур.

- Эълонни киритиш учун махсус шаклдан фойдаланилади. Эълонда боғланиш учун маълумотларни тўлиқ бериш мақсадга мувофиқ, яъни корхона номи ёки фойдаланувчи исми, электрон манзил, телефон рақами, веб-саҳифа манзили киритилади.
- Дастлаб эълон мавзуси ва муаллифи экранда акс эттирилади. Эълонни тўлиқ ўқиш учун унда сичқонча тугмачаси босилади.



Эълонлар майдонлари сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Баъзи майдончаларда эълон бериш учун рўйхатдан ўтиш зарурати йўқ. Баъзи майдонларда чекланган сонли эълонларни бепул бериш мумкин. Ҳар бир майдонча ўз тартиб-қоидаларини ўрнатади.

- Эълонлар майдонида эълонни қўшгандан сўнг у майдон администратори томонидан кўриб чиқилади. Эълоннинг веб-саҳифага жойлашиши администратор ҳулосасига боғлиқ бўлади. Бундай веб-саҳифаларда эълонлар администратор томонидан модерация қилинади, яъни бошқарилади. Баъзи майдонлар эълонлари модерация қилинмайди.



Эълонларни модерация қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки баъзи фойдаланувчилар ҳазил сифатида ёки зарар қилиш мақсадида ноўрин эълонларни қўйиши мумкин. Шунинг учун эълонлар майдони фойдаланувчилари эътиборини ноўрин эълонлардан халос этиш учун эълонларни модерация қилиш мақсадга мувофиқ.

- Эълон мазмуни қанчалик тўлиқ бўлса, эълонда кўрсатилган мақсадга шунчалик тезроқ эришилади. Мазмун аниқ, тушунарли ва зарурий тавсифларга эга бўлиши ва боғланиш учун телефон ва электрон манзилни ўз ичига олиши зарур. Масалан, компьютер сотмоқчи бўлсангиз, эълонда компьютер тавсифини ва телефон ёки электрон манзилни кўрсатиш зарур.



! Эълонларни бир неча рўзномада эълон қилгандек, бир неча эълонлар майдончаларида жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Агар эълон фойдаланувчилар эътиборини тезроқ жалб қилишини истасангиз, уни эълонлар майдончасининг кўзга ташланиб турадиган жойида беришингиз зарур.

Шундай қилиб, корхона маҳсулотлари ва хизматлари ҳақидаги маълумотларни кенг оммага ёйиш учун эълонлар майдонлари хизматида фойдаланиш самаралидир.



Топшириқ:

Интернетда Ўзбекистондаги эълонлар майдонларини топинг ва улардаги эълонлар билан танишинг.

www.e-savdo.uz веб-саҳифасида рўйхатдан ўтинг. Ундаги каталоглар билан танишинг.

4.6. Электрон тижорат имкониятлари ва фойдаланиш тартиби

Электрон тижорат - бу Интернет орқали сотиш ва сотиб олиш имкониятидир. Электрон тижоратни е-тадбиркорлик деб ҳам атайдилар. Интернетда бугун озиқ-овқат, дори-дармондан тортиб, турли техник воситалар ва технологияларни сотиб олиш ва сотиш мумкин.

Бу технология жадал тарзда ривожланмоқда. Бу савдо-сотиқ муомаласидан юридик ва жисмоний шахслар кенг фойдаланмоқда. Баъзи корхоналар эса савдо-сотиқни тўлиқ Интернетда амалга оширмоқдалар. Ушбу технологиядан фойдаланувчи соҳалар доираси турли-тумандир. Электрон тижорат келиб чиқишига ўтган аср 80-йилларида Интернет давлат бюджетининг каттагина қисмидан маҳрум бўлганлиги ва ўзини-ўзи таъминлаши зарурлиги сабабчи бўлди. Шунинг учун Интернетдан ва унинг ресурсларидан тижорат мақсадида фойдаланишга ўтилди. Бунда даромадлар Интернет хизмати

ва реклама ҳамда Интернет билан таъминлаш ҳисобига (Интернет провайдерлик) олина бошланди.

Электрон тижорат қуйидаги турлари мавжуд:

- **B2B (Business to business)** – юридик шахслар орасидаги савдо-сотиқ муомаласи бўлиб, унда корхона бошқа корхона билан савдо-сотиқни амалга оширади. Бу электрон тижоратнинг энг истиқболли йўналишларидан биридир. Бу Интернетдаги махсус савдо майдонида амалга оширилади. Одатда, корхона ушбу майдонни ташкил этади. Майдонда савдо-сотиқ жараёни тезда амалга оширилади. Масалан, корхона офис учун мебелни Интернет орқали сотилиши билан шуғуллансин. Бошқа корхона офис учун мебель сотиб олмоқчи бўлсин. Буюртмачи корхона таклиф ва нархларни ўрганиб чиқиб, сотувчи корхонага буюртма беради. Буюртма сотувчи корхонанинг савдо майдонидаги таклифлари ёрдамида тузилади. Сотиб олувчи корхона буюртмани яратгандан сўнг, ҳисоб асосида буюртмага пул ўтказди. Сотувчи корхона буюртмани тайёрлайди ва буюртмачи кўрсатган манзилга етказди. Буюртмачи буюртма бажарилишини Интернет орқали кузатиши ва назорат қилиши мумкин. Одатда, ушбу савдо муомаласи улгуржи муомалалар учун фойдаланилади. Бу усулда вақт ва маблаг тежалади, чунки иш сафарлар зарурати йўқолади, телефон ва факсга зарурат бўлмайди, ходим вақти тежалади. Энг асосий-си, савдо-сотиқ муомаласи тезда амалга оширилади.
- **B2C (Business to Customers)** – юридик шахс ва жисмоний шахс ўртасидаги савдо-сотиқ муомаласи. Ушбу савдо муомаласи чакана савдони амалга оширишда фойдаланилади, масалан, китоблар, кийим-кечак, техник воситалар, дори-дармонлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш мумкин. Мижоз савдо шахобчасига бормасдан туриб, зарур маҳсулотни сотиб олиши мумкин. Бунда буюртма нархи тўлови савдо майдонида амалга оширилади. Бунинг учун мижоз махсус шаклда кредит карточка рақамини киритади. Шундан сўнг сотувчи кредит карточкани текшириб, муомалани амалга оширади. Ушбу технология асосида Интернет савдо шахобчалари ишлайди. Улар билан қуйида танишамиз.
- **C2C (Customers to Customers)** – жисмоний шахслар ўртасидаги савдо-сотиқ муомаласи. Бу чакана савдо муомаласидир.

Ушбу усулда турли маҳсулотларни ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш, масалан, китоб, кийим-кечак маҳсулотларини, техник хизматларни, таъмирлаш хизматларини, техник воситаларни сотиш ёки сотиб олиш мумкин. Бунга эълонлар тахтаси мисол бўла олади. Одатда, ушбу савдо муомаласи нархлар арзонлиги билан мижозларни ўзига жалб этади, айниқса, дўстингизга совға юборишда бу хизмат қўл келади. Совғани электрон дўкондан бемалол танлаб, уни махсус қоғоз ёки қутига жиҳозлашни ва манзилга кўрсатилган санада етказишни буюртма қилишингиз мумкин.



Демак, электрон тижорат қўидаги афзалликларга эга:

- Маҳсулотлар турли-туманлиги.
- Мос турдаги ва нархдаги маҳсулотни тез топиш имконияти.
- Маҳсулот батафсил тавсифи мавжудлиги (ҳозирги кунда маҳсулот тавсифи билан танишиш билан биргаликда, унинг ташқи кўринишини кўриш имконияти мавжуд).
- Дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан савдо-сотик муомаласини амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги.
- Савдо-сотик муомаласининг тезкорлиги.
- Қоғоз тежалиши.
- Маҳсулотни топиш учун вақтнинг тежалиши (маҳсулотни топиш учун дўконма-дўкон юриш, дўконга бориш ва уни қидириш зарурати йўқлиги).
- Буюртма дунёнинг ихтиёрий нуқтасига етказиш мумкинлиги (албатта, бунда буюртмани етказиш нархи масофага боғлиқ бўлади).

Республикамизда электрон тижорат имкониятларидан фойдаланилмоқда. Ушбу савдо-сотиқ муомалаларини ва хизматни амалга оширувчи корхоналар мавжуддир. Бу эса ушбу усулларни юридик ва жисмоний шахслар доирасида кенг тарқалишининг омилидир.

**Топишириқ:**

Электрон тижорат билан шуғулланувчи корхоналар веб-саҳифаларини топинг ва уларнинг таклифлари билан танишинг. Корхона электрон тижорат асосида савдо-сотиқни амалга ошириш имкониятларини ўрганинг.

4.7. Электрон биржа имкониятлари



Электрон тижоратнинг кўринишларидан бири электрон биржадир. Анъанавий биржалар фаолиятини Интернет орқали самарали амалга ошириш мумкин, масалан, электрон иш биржалари мавжуд.

Электрон иш биржаси ёрдамида иш ёки корхонага ходимлар топиш мумкин. Бунинг учун махсус электрон биржа саҳифалари ёки қимматбаҳо қоғозлар биржалари, ёки маҳсулотлар биржалари мавжуд.



Биржа бу савдогарлар қимматбаҳо қоғозларни ёки маҳсулотларни сотиш ёки сотиб олиш мумкин бўлган жойдир. Электрон биржа ушбу муомалани Интернет орқали бажарилишини таъминлайди. Интернет электрон биржа мижозлар фаолиятини енгиллаштиради ва уларнинг доирасини кенгайтиради.

Анъанавий биржада савдогарлар трейдер деб аталади. Шартномаларни брокерлар тузадилар. Брокерлар бу савдогарларнинг вакиллари дир. Биржа савдосида брокерлар экрандаги маълумотларни кузатиб борадилар ва шартномаларни тузиш учун биржа майдонида югуриб юрадилар. Компьютерлар ёрда-



мида эса брокерлар шартномаларни иш жойида, тезда тузадилар, яъни Интернет брокерлар ишини енгиллаштиради. Ҳозирги кунда Интернетнинг ихтиёрий фойдаланувчиси

турли биржаларда ўз компютеридан иштирок эта олиши мумкин.

Биржа сервердан ва мижозлар компютерларидан ташкил топади. Биржани администратор ўз компютери орқали бошқариб боради. Трейдерлар Интернет биржага офисдан боғланиши мумкин ва биржа фаолиятида қатнашиши мумкин. Ҳар бир трейдер биржада иштирок этиши учун аввал рўйхатдан ўтиши зарур. Трейдер қайдномаси ёрдамида муомалаларни амалга ошириш мумкин.

Демак, электрон биржа қуйидаги имкониятларга эга:

- *Савдо-сотиқ муомаласининг тезкорлиги.*
- *Қулайлиги, яъни брокер учун зарур ахборот мониторда намоён бўлади.*
- *Мос турдаги ва нархдаги маҳсулотларни тезда танлаш имконияти мавжудлиги.*
- *Маҳсулотнинг батафсил тавсифи мавжудлиги.*
- *Дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан электрон биржада иштирок этиш мумкинлиги.*
- *Вақтнинг тежалиши.*
- *Электрон биржалар маълумотларидан ихтиёрий пайтда фойдаланиш мумкинлиги.*

Ҳозирги кунда электрон биржалардан товарлар ва хомашё сотиш ва сотиб олиш, иш ёки ходим топиш учун ҳам қўлланилмоқда. Ушбу биржалардан фойдаланиш учун унда рўйхатдан ўтиш зарур. Иш топиш учун резюмени юбориш мумкин ёки вакансияни танлаш мумкин. Корхона эса вакансияларни эълон қилиши ва мос ходимларни топиши мумкин, яъни Интернет ёрдамида иш ёки ходимни масофадан туриб, тезда топиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси акциядорлик жамияти 1994 йил апрель ойида Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган ва ҳозирги кунда Марказий Осиёдаги энг йирик савдо майдончаси ҳамда МДХ мамлакатлари ичида изчил ривожланаётган хомашё биржаси ҳисобланади.

Биржа фаолияти мақсади ва предмети ўрнатилган қоидалар асосида олдиндан маълум бўлган жойда ва вақтда, очиқ савдоларни ташкил қилиш ва ўтказиш йўли билан биржа товарларини савдо қилишга зарурий шароитларни яратишдир.



Топшириқ:

Интернет биржаларни Интернетда топинг ва уларни фаолияти билан танишинг. Масалан, www.uzex.uz биржаси иши билан танишинг.

4.8. Электрон тиббиёт имкониятлари



Электрон тиббиёт (Телетиббиёт) – Интернет орқали беморларни даволаш имкониятидир. Масофадан туриб, беморнинг ҳолатини кузатиш, операция жараёнида қатнашиш, таъхис натижалари билан танишиш ва таҳлил қилиш имкониятлари телетиббиёт деб аталади.

Интернет, махсус видео қурилмалар, электрон микроскопли компьютерлар ва камералар ёрдамида беморларнинг диагнозини аниқлаш, уларни даволаш ва ҳатто операциялар қилиш мумкин бўлмоқда.

Электрон тиббиёт қуйидаги имкониятларга эга:

- Тиббий ахборот тизимидан фойдаланиш имконияти.
- Тиббий ахборот манбасидан фойдаланиш имконияти.
- Касалликнинг олдини олиш тизимларидан фойдаланиш.
- Ихтисослашган тиббий форумларда маслаҳат олиш ва бериш имконияти.
- Таъхисни тезроқ ва аниқроқ қўйиш.
- Масофадан туриб, мутахассислар маслаҳатини олиш ва даволаш.

- *Масофадан туриб, жарроҳликни амалга ошириш.*
- *Масофадан туриб, махсус муолажаларни тўғри амалга ошириш.*
- *Тиббий билимларни мунтазам равишда мустақил ошириш.*
- *Масофадан туриб, малакани ошириш.*

Электрон тиббиёт, айниқса, касалликни (ташхисни) аниқлашда жуда қўл келмоқда. Ташхиснинг тезда ва аниқ қўйилиши касалликни вақтида даволаш имкониятини яратади. Бу тиббий ахборот манбаларидан фойдаланиш ва тиббий ахборот тизимларидан фойдаланиш натижасида мумкин бўлиши мумкин.



Профессионал ихтисослашган тиббий форумларда тажриба алмашиш, савол-жавоблар ва муҳокама натижасида мунтазам равишда, билим олиш ҳамда малакани ошириш мумкин.

Касалликнинг олдини олиш тизимлари маълумотлари жуда фойдалидир, чунки касаллик ҳақидаги батафсил маълумот ҳамда бемор касалликлари ҳақидаги динамикадаги маълумот диагнозни аниқ белгиланишини тезлаштиради.

Ҳозирги кунда баъзи шифохоналар касаллик ва беморлар ҳақидаги маълумотларни шифохона ахборот тизимларида жойлаштирмоқда. Бемор ҳақидаги маълумотлардан ваколатга эга бўлган мутахассислар фойдаланиши мумкин. Шу билан бирга, ташхислар компьютерлаштирилган тизимда бажарилганлиги ва ташхисни тезроқ ва аниқроқ бажарилишини таъминлайди, чунки электрон форматдаги маълумотлардан фойдаланиш ҳамда уларнинг динамикасини кузатиш қулай ва муҳимдир ёки зарур ҳолда, бошқа шифохона мутахассислари маслаҳатини олишда электрон форматдаги маълумотлар жуда қулайдир.

Шундай қилиб, электрон тиббиёт имкониятларидан корхона ҳодимлари соғломлаштириш дастурини амалга оширишда фойдали бўлишига умид қиламиз.




Топшириқ:

www.med.uz саҳифасида электрон тиббиётга оид маҳаллий хабарларни топинг ва улар билан танишинг.

4.9. Ягона ахборот-маълумот порталидан унумли фойдаланиш тартиби

"Ягона ахборот-маълумот портали" замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиркорлик фаолиятида янада кенгроқ қўллаш мақсадида Савдо-саноат палатаси томонидан БМТ Тараққиёт Дастурининг "Ўзбекистон Бизнес Форуми" лойиҳаси билан ҳамкорликда яратилган. Ушбу порталдан республиканинг барча минтақаларида инфо-киосклари орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Инфо-киоск орқали тадбиркорлар бизнес юритишнинг турли жиҳатларини қамраб олган тизимлашган маълумотлар базасидан фойдаланишлари мумкин.

Ягона ахборот-маълумот портали www.businessinfo.uz манзилида жойлашган. Ушбу саҳифани очиш натижасида, экранда унинг асосий саҳифаси ҳосил бўлади:




Ягона ахборот-маълумот макони – бу ягона тамойиллар ва умумий қоидаларга асосан амал қилувчи маълумот базасидир.

Ягона ахборот-маълумот портали тадбиркорлар ягона ахборот маълумот маконидир.

У тадбиркорларга маълумот ва маслаҳат хизматлари билан таъминлаш салоҳиятини ошириш мақсадида яратилган.

Ягона ахборот-маълумот порталида тадбиркорлар учун зарур бўлган маълумотлар жойлашган. Ушбу маълумотлар рўйхати билан қуйидаги саҳифада танишиш мумкин:



Бизнесни рўйхатдан ўтказиш, бизнес фаолиятни амалга ошириш, бошқариш ва такомиллаштириш бўйича маълумотлар ва тавсиялар келтирилади. Ушбу маълумотлардан фойдаланиш учун зарур сарлавҳани топиб, очиш зарур. Натижада мавзу саҳифаси очилади ва унда мавзуга оид маълумотлар ёритилган бўлади.


Ягона ахборот-маълумот порталининг тадбиркорлар учун қуйидаги имкониятлари мавжуд:

- Тадбиркорликка оид янгиликлардан ва имкониятлардан хабардор бўлиш.
- Тадбиркорликка оид меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш.
- Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга оид маълумотлар базасини яратиш.
- Тадбиркорликдаги ҳуқуқий хабардорлигини ошириш.
- Тадбиркорликка оид қўлланма ва ҳисоботлардан фойдаланиш ва малакасини ошириш.
- Тадбиркорликка оид махсус ўқув курслари, семинар ва учрашувлардан хабардор бўлиш.
- Савол ва таклифлар билан мурожаат қилиш.
- Тадбиркорликка оид лойиҳа ва ҳужжатлар муҳокамасида иштирок этиш ва ҳоказо.

Ягона ахборот-маълумот портали имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш учун ушбу саҳифага аъзо (обуна) бўлиш керак. Обуначилар учун портал кенг имкониятларидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Порталга аъзо бўлиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1). **Кириш** майдонига кириш керак. Натижада қуйидаги саҳифа очилади:



Порталга **id.uz** аъзолари ҳам аъзо бўлиши мумкин. Бунда порталга аъзо бўлиш зарур бўлмайди. Бу маълумот **Кириш** майдонидан ўнг томонда келтирилган. Юқоридаги **Кириш** саҳифасида маълумотни кўриш мумкин.

2). **Аъзо бўлиш** саҳифасига киринг. Натижада қуйидаги саҳифа очилади:

3). Саҳифа мос майдонларида маълумотларингизни киритинг. «*» белгили майдонлар албатта тўлдирилиши керак.

4). *Код подтверждения* майдонидаги рақамни киритинг.

5). *Аъзо бўлиш* тугмачасини босиб, аъзо бўлмоқчи эканлигингизни тасдиқланг.

Натижада порталга аъзо бўлганингиз ҳақидаги хабарни кўрасиз ва портал аъзоси сифатида **Ягона ахборот-маълумот портали**га кириб, ундаги маълумотлардан фойдаланишингиз мумкин бўлади. Лойиҳанинг жамоа тармоғидаги саҳифасида янгиликлар, тадбир эълонлари ва натижалари, таҳлил ҳамда тадқиқот натижалари ҳамда ҳисоботлари билан танишиш мумкин. Ушбу маълумотлардан хабардор бўлиш учун ушбу саҳифага аъзо бўлиш етарлидир. Аъзо бўлиш учун эса саҳифада **Like** ни танлаш зарур бўлади. Қуйида ушбу саҳифа кўриниши келтирилган:



Ушбу саҳифа маълумотлари билан танишиб, лойиҳа хабарларини билиб олишингиз, ўз фаолиятингиздаги хабарларни ёзишингиз ва савол ҳамда таклифлар билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Шундай қилиб, **Ягона ахборот-маълумот портали** имкониятлари ва ундан фойдаланиш тартиби билан танишдик. Портал имкониятларидан тадбиркорлик фаолиятингизда кенг фойдаланишингизга умид қиламиз.

Ягона ахборот-маълумот порталидан инфокиосклардан ҳамда мобил телефондаги иловалари ёрдамида фойдаланиш мумкин.



Машиқ: Ягона ахборот-маълумот портали – www.business-info.uz га кириш ва унда ўзингиз учун фойдали бўлган имкониятлар билан танишинг. Улардан фойдаланишни режалаштиринг.

4.10. Тадбиркорликда Интернетдан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар

Интернет тадбиркорлар учун қуйидаги имкониятларни яратди:

- Ахборотни тезда қабул қилиш, узатиш, бошқариш ва тақдим этишни таъминлайди.
- Бизнеснинг классик қоидалари қўлланилади.
- Бутун жаҳон интеллектуал оламининг ҳаммабоп бўлишини таъминлайди.
- Тезкор коммуникацияни таъминлайди.
- Иш юритишни ва иш юритиш муносабатларининг тезкорлигини таъминлайди.
- Бозорнинг глобаллашуви йўлидаги тўсиқларни камайтиради ва кўп ҳолларда уларни бутунлай олиб ташлайди.
- Интернет дўкон маҳсулотлар нарҳини назорат қилади ва рақобатни кучайтиради.
- Буюртмачи ва ҳамкорлар назоратини таъминлайди.
- Истеъмолчи сўровлари ва муаммоларини тезда ўрганишни қулайлаштиради.

Ягона ахборот-маълумот порталидан инфо-киосклардан ҳамда мобил телефони учун иловалари ёрдамида фойдаланиш мумкин.



Бешинчи боб

- Электрон ҳукумат тушунчаси билан танишиш
- “Электрон ҳукумат” тизими
- Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳақида
- Давлат интерактив хизматлари тавсифи
- Ягона интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш тартиблари
- Тадбиркорлар учун имкониятлар ва улардан фойдаланиш тартиби
- Интерактив хизматлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар





**Электрон ҳукумат
– бу ҳукумат ташкилотларига
тезкор муурожаат этиш
имкониятидир**

5.1. Электрон ҳукумат тушунчаси билан танишиш



Электрон ҳукумат (инглиз тилида *e-government*, электрон ҳукумат ёки электрон давлат маъносини англатади) – бу фуқароларга, бизнесга, ҳукуматнинг бошқа тармоқлари ва давлат ходимларига ахборот технологиялари ёрдамида ахборотни тақдим этиш ва давлат хизматларини кўрсатишни такомиллаштиришидир. Бунда давлат ва фуқаро ўртасидаги алоқага минимал вақт сарф этилади. Электрон ҳукумат тушунчаси 1990 йилда пайдо бўлган.

Электрон ҳукумат ёрдамида давлат ва фуқаро ўртасидаги мулоқот тезроқ ўрнатилади, чунки фуқаролар ҳукумат ташиқлотларига Интернет орқали тўғридан-тўғри мурожаат этиш имконига эга бўладилар. Бу албатта, ахборот технологияларидан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Электрон ҳукумат ахборот технологиялари тараққиёти маҳсулидир. Электрон ҳукумат бу давлат ва фуқароларнинг АКТ ёрдамидаги ўзаро мулоқотидир.

«Электрон ҳукумат» қуйидаги вазифаларни амалга оширади:



- Аҳоли ва бизнесга давлат хизматлари кўрсатилишини оптималлаштириш;
- Барча сайловчиларнинг мамлакат бошқаруви жараёнларида иштирокини такомиллаштириш;
- Фуқароларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш;
- Аҳолининг технология соҳасидаги билим ва малакаларини ошириш;
- Хизмат кўрсатилишига географик муҳит омилнинг таъсирини камайтириш.

Электрон ҳукумат қуйидагиларни таъминлайди:

- *Бошқарув самарадорлиги ва кам харажатлилиги;*
- *Фуқаролар ва ҳукумат ўзаро алоқаларининг такомиллашуви;*
- *Демократиянинг ривожланиши ва ҳукуматнинг аҳоли олдида масъулияти ошиши.*

Электрон ҳукумат тизими дунёда фаол татбиқ қилинмоқда. Ушбу тизим давлат бошқарувини, давлат ва тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро алоқани мустаҳкамлаш орқали бизнес-жараёнларни самарали ривожлантиришни, фуқароларга давлат хизматларини интерактив шаклда тақдим этиш имкониятларини яратилади.



Электрон ҳукумат асосий тамойилларидан бири – барча фуқаролар, ихтиёрий манзилдан ва ихтиёрий пайтда ҳукуматга мурожаат қилиш имкониятини яратишдан иборат. Электрон ҳукумат фуқароларга 24 соат давомида, унинг қайси манзилда ва қачон бўлишидан қатъий назар, давлат билан алоқада бўлиш имкониятини таъминлашдан иборат.

Электрон ҳукуматда қуйидаги алоқа турлари мавжуд бўлади:

- *Давлат ва фуқаролар ўртасидаги алоқалар (G2C- Government-to-Citizen);*
- *Давлат ва тадбиркорлик ўртасидаги алоқалар (G2B –Government-to-Business);*
- *Давлат бошқаруви турли соҳалари ўртасидаги алоқалар (G2G - (Government-to-Government));*

Республикамызда ҳам бир неча йиллардан буён, аҳоли ва юридик шахсларга интерактив давлат хизматлари давлат веб-сайтлари орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2013-2017 йилларда “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш бўйича Концепция ва Комплекс дастури ишлаб чиқилган. Унда “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича асосий вазифалар белгиланган ва тизимни жорий этиш самарадорлигини баҳолаш бўйича кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Уларга асосан

Ўзбекистон электрон ҳукумати тизимида қуйидаги алоқа турлари мавжуд [8,20]:

- Давлат ва фуқаролар ўртасидаги алоқалар (G2C – Давлат-Фуқаролар учун);
- Давлат ва чет эл фуқаролари билан алоқалар (G2F – Хорижий фуқароларга)
- Давлат ва тадбиркорлик ўртасидаги алоқалар (G2B – Давлат Тадбиркорликка);
- Давлат бошқаруви турли соҳалари ўртасидаги алоқалар (G2G, Ҳукумат билан алоқа).

Электрон ҳукумат тушунчаси ва вазифалари билан танишдик. Қуйида ушбу тизим ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали вазифалари ҳамда улардан фойдаланиш тартиблари келтирилади.

5.2. “Электрон ҳукумат” тизими

“Электрон ҳукумат” тизими “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази томонидан бошқарилади.



“Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошида ҳукуматнинг 250-ВМҚ сонли қарорига асосан 2013 йилда ташкил этилган.

Марказ қуйидаги вазифаларни бажаради [8,20]:

- “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш стратегик йўналишларини ишлаб чиқариш.
- Тизимни шакллантиришда ягона технологик ёндашувни таъминлаш.
- “Электрон ҳукумат” тизимини самарали татбиқ қилиш бўйича амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базаларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.
- Давлат органлари фаолиятидаги АКТ самарадорлигини ўрганиш ва уни баҳолаш тизимини жорий этиш.

- “Электрон ҳукумат” тизими лойиҳаларини амалга ошириш доирасида йўналтирилган индикаторлар ва кўрсаткичларни аниқлаш.
- Интерактив давлат хизматларининг самарали тақдим этилиши ва фойдаланишининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистонда Электрон ҳукуматни жорий қилишнинг асосий мақсади куйидаги имкониятларни амалга оширувчи такомиллашган давлат бошқаруви электрон аппаратини яратишдир [20]:

- интерактив хизматларини тақдим этиш,
- ҳукумат органлари фаолиятининг ҳисоботларини бериб бориш,
- хизматлардан осон фойдалана олиш,
- сиёсий жараёнларда фуқароларнинг натижали иштироки ва ҳабардорлигини ошириш,
- эркин ахборот алмашуви,
- аҳоли ва тадбиркорлик учун давлат хизматларини тақдим этишда қулай шароитлар яратиш,
- фуқароларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш,
- барча сайловчиларнинг бошқарув жараёнларида ва давлат бошқарувида иштирок этиш имкониятларини ошириш.

Электрон ҳукумат архитектураси



Марказ веб-саҳифаси – **www.egovernment.uz** манзилида жойлашган. Унинг бош саҳифаси кўриниши қуйидагича:

Унда электрон ҳукумат, матбуот маркази, хизматлар, марказ ҳақида, ресурслар, форум, қидирув тизими мавжуд.

Шу билан бирга, фуқаролар, хорижий фуқаролар, тадбиркорларга ва ҳукумат билан алоқани амалга оширишни таъминловчи бўлимлар бор.



Улардан тўғридан-тўғри тарзда фойдаланиш мумкин.



Машиқ:

www.egovernment.uz манзилига кириб, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази фаолияти ва тадбиркорлар учун имкониятлари билан танишинг.

5.3. Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳақида

Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мақсади фуқароларга интерактив давлат хизматлари ни кўрсатишдир. У ягона ойна режимида фаолият кўрсатади



ва интерактив давлат хизматларидан фойдаланишнинг ягона нуқтаси ҳисобланади.

Ягона портал замонавий технология ёрдамида фойдаланувчининг интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш учун мўлжалланган.


Унинг вазифалари:

- фойдаланувчиларга давлат органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш учун имконият бериш;
- фойдаланувчиларни АКТ соҳасидаги бошқа лойиҳалар билан интеграциялаш;
- фойдаланувчиларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;
- давлат органларига мурожаат қилинганда, фойдаланувчилар учун бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва уларни бартараф этиш;
- “электрон ҳукумат”ни янада ривожлантириш ва давлат бошқарувига замонавий АКТ ни жорий этишда қўмаклашиш.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали 2013 йил 1 июлда ишга туширилди. У қуйидаги имкониятларга эга:

- Давлат ташкилотлари ва хизматларига оид маълумотлардан фойдаланиш.
- Давлат хизматидан фойдаланиш учун электрон шаклдаги сўровларни ва бошқа ҳужжатларни тўлдириш имконияти.
- Давлат хизматидан фойдаланиш учун сўров (Ариза) юбориш.
- Сўровларни ихтиёрий пайтда ва манзилдан юбориш.
- Сўров қабул қилиниши учун навбатда туриш зарурати бўлмайди.
- Сўровни юборувчи аризасининг бажарилишига оид маълумотлардан ихтиёрий пайтда хабардор бўлиш имконияти.
- Давлат хизматлари берилиши ҳақидаги сўровни бериш.
- Давлат хизмати сўрови натижаларини олиш имконияти.
- Давлат хизмати берилиши тўловини амалга ошириш.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали қуйидаги – **[www. my.gov.uz](http://www.my.gov.uz)** манзилида жойлашган.



Портал қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:


- Барча хизматлар.
- Барча ташкилотлар.
- Қисқа рақамлар.
- Тадбиркорлик.
- НХХ (Норматив-ҳуқуқий ҳужжат) муҳокамаси.

Портал давлат интерактив хизматларидан фойдаланиш учун рўйхатдан ўтиш зарур. Рўйхатдан ўтгандан сўнг фойдаланувчи шахсий кабинетига эга бўлади. Рўйхатдан ўтиш тартиби билан қуйида танишамиз.

Фойдаланувчининг шахсий кабинети – бу интерактив давлат хизматларини олишда давлат органлари билан ўзаро муносабатлар учун ўзида фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, шахсий маълумотлар мавжуд бўлган Ягона порталдаги электрон ресурсдир.

Ягона Портал фойдаланувчилари сони ва сўровлари сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Сўровлар фуқаролар, юридик шахслар ва тадбиркорлардан тушмоқда. Тадбиркорлардан сўровлар кўпроқ юборилмоқда. Сўровлар динамикаси билан қуйидаги диаграммаларда танишиш мумкин.

Ягона Портал орқали юборилган сўровлар статистикаси



Шундай қилиб, Ягона портал орқали рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони ошиб бормоқда. Портал имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида Ягона портал имкониятлари тақдимотлари ва тренинглари талабалар, тадбиркорлар ва хизматчилар доирасида ўтказилмоқда.



Топишириқ:

www.my.gov.uz манзилига киринг ва **Ягона Портал** интерактив хизматлари тавсифи билан танишинг.

5.4. Давлат интерактив хизматлари тавсифи

Ягона порталда интерактив давлат хизматлари рўйхати **Барча хизматлар**, **Барча ташкилотлар** ва **Тадбиркорлик** бўлимларида келтирилади. Майдон тугмачасини босиш натижасида, унда мавжуд бўлган соҳалар рўйхати ҳосил бўлади. Ҳар бир соҳа имкониятлари рўйхати ва тавсифи унинг майдонида келтирилади.

Барча хизматлар бўлимига кириш натижасида қуйидаги соҳалар рўйхати экранда ҳосил бўлади:



Пастдаги **Барча соҳалар** тугмачасини босиш натижасида барча соҳалар рўйхати экранда ҳосил бўлади. Қуйидаги расмларда улар билан танишиш мумкин:





Агар соҳаларни экранда қисман кўрмоқчи бўлсангиз, ўнгдан пастдаги **Ёпиш** тугмачасини босишингиз етарли.

Фуқаролик соҳаси бўйича давлат хизматлари билан танишиш учун унга кириш зарур. Натижада ушбу соҳага оид давлат хизматлари рўйхати келтирилади. Қуйидаги менюда **Фуқаролик** соҳасига оид хизматлар рўйхати билан танишишингиз мумкин:



Келинг, энди **Барча ташкилотлар** бўлими имкониятлари билан танишайлик. Ушбу бўлимга кириш натижасида қуйидаги ташкилотлар (тоифалар) рўйхати экранда намоён бўлади:

Vazirliklar	Davlat qo'mitalari
Davlat inspeksiyalari	Agentliklar
Qo'mitalar	Mahalliy davlat hokimiyati organlari

Markazlar	Assotsiatsiya va konsernlar
Banklar	Kompaniyalar
Birlashmalar	Fondlar
Markaziy tashkilotlar	Boshqalar

Yopish 

Агар Сиз ташкилотларни экранда қисман кўрмоқчи бўлсангиз, ўнгдан пастдаги **Ёниш** тугмачасини босишингиз етарли бўлади.

Ташкилот хизматлари билан танишиш учун ташкилот майдонини очишингиз етарли. Натижада ташкилот тизими экранда ҳосил бўлади. Ҳар бир ташкилот ўз тизимига эга, улар билан танишиш учун ташкилотга кириш керак.

Давлат хизматларидан фойдаланиш учун одатда, ҳар бир ташкилотнинг офисига бориш ва зарур бўлган бўлим ва сўнг хонага киришингиз керак бўлади. Давлат интерактив хизматида фойдаланиш учун одатдагидек ташкилотнинг офисига эмас, балки виртуал офисига,

виртуал бўлими ва виртуал хоналарига кириш зарур бўлади. Лекин бунда офисдан – бўлимга, бўлимдан – хонага кириш учун деярли вақт сарфламайсиз. Кириш учун навбатда турмайсиз. Агар зарур хонани топишда қийналсангиз, корхона қабулхонаси ходимига мурожаат қилиш мумкин. У Сизни зарур манзилга зудлик билан етказади.


Келинг, **Вазирликлар** интерактив хизматлари билан танишайлик. Бунинг учун унга кириш етарли, натижада экранда қуйидаги рўйхат ҳосил бўлади:

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi	O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi
O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi	O'zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi
O'zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi	O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi
O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi	O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi
O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari vazirligi	O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi
O'zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi	O'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi

Хар бир вазирлик давлат реестрида қайд қилинган интерактив хизматларини кўрсатади. Вазирлик ўз соҳаси доирасида қайд этилган реестр бўйича давлат интерактив хизматларини кўрсатади. Улар билан танишиш учун Вазирлик майдонига кириш етарли бўлади. Натижада экранда хизматлар рўйхати тақдим этилади.

Тадбиркорларга оид давлат хизматлари тавсифи 5.6. параграфда келтирилади.

Ягона портал фойдаланувчилар учун янги давлат интерактив хизматларини яратиш бўйича таклифларни киритиш имкониятига ҳам эгадир. Бунинг учун **Барча хизматлар** бўлимида **Хизматни таклиф этиш** майдонидан фойдаланиш зарур. Натижада экранда таклиф киритиш учун қуйидаги шакл ҳосил бўлади.



Унда зарур майдонларни киритиб ёки белгилаб, таклифни юбориш зарур. Таклиф бўйича жавоблар ўрнатилган тартибда олувчи томонидан юборилади.

Ягона порталга боғланган ташкилотлар бўйича маълумот куйидаги шаклда тасвирланган:




Шаклдаги маълумотлар асосида Ягона портал фойдаланувчилари барча давлат ташкилотларига мурожаат қилиш имконига эга эканлигини кўриш мумкин. Шунинг учун портал фойдаланувчилари сони ўсиши табиийдир.

Ягона порталда бошқа хизматлар ҳам мавжуд. Қисқа рақамлар бўлимида тезкор хизмат ва ишончли хизмат рўйхати ва телефонлари келтирилади.

Вакансия хизмати ҳам мавжуд. Унинг ёрдамида давлат ташкилотларига фойдаланувчилар иш бўйича аризалар юбориши мумкин.

Вакансиялар бўйича охириги маълумот статистикаси порталда мавжуд. Қуйидаги дарчада ушбу маълумот билан танишиш мумкин:



Ягона порталда норматив-ҳуқуқий актлар ва концепция лойиҳалари муҳокама этилади. Келажакда қарор ва қонунлар муҳокамасида барча фойдаланувчилар иштирок этиши, тавсия ёки фикр-мулоҳазалар билан ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Шундай қилиб, Ягона портал давлат интерактив хизматлари тавсифи билан танишдик. Улар бизнесни юритиш, такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида давлат интерактив хизматларини тўғри танлашда сизга ёрдам беришига ишонамиз.



Топшириқ:

www. ty. gov. uz манзилига кириш ва Ягона Портал интерактив хизматлари тавсифи билан танишинг.

5.5. Ягона интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш тартиблари

Ягона порталдан фойдаланиш учун унда рўйхатдан ўтиш зарур. Рўйхатдан ўтиш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

Ro'yxatdan o'tish usullaridan birini tanlang	Yagona portalidan foydalanish qoidolari
 SMS-tasdiqlash orqali	Imkoniyatini tasdiqlash etadi. Shu bilan birga, Sizning yuborayotgan murojaatingiz rasmiy maqomga ega ekanligini ham eʼslatib qo'yamiz. Shu sababli, Sizdan quyidagilarni umimassligingizni so'raymiz: 1. "Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 6-moddasiga muvofiq, o'zi to'g'ri xato ma'lumotlari borgan yoki murojaatning mohiyatini ko'rsatmagan foydalanuvchilarning murojaatlari ko'rib chiqilmaydi. 2. "Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 28-moddasi, O'zbekiston Respublikasi Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi Kodeksining 40 - 41-moddalari, O'zbekiston
 ID.UZ tizimi orqali	
 Elektron raqamli imzo orqali	
 UzCard yordamida	

Келтирилган усуллардан бирини танлаш, масалан, SMS орқали тасдиқлаш усулини танлаш натижасида қуйидаги шакл ҳосил бўлади:

Ro'yxatdan o'tish	Ro'yxatdan o'tish yo'riqnomasi
* belgi bilan ajratilgan maydonlar to'ldirish shart. Login * Login alifbosi harflari yordamida kiriting Parol * Parolni qaytadan kiriting * Familiya * Isim * Otasining ismi Jins * — Tanlang — Tug'ilgan sana * Viloyat * — Tanlang —	1. O'zingiz uchun login tanlang va uni tegishli maydonga kiriting. Login kamidan 6 ta belgidan iborat bo'lishi lozim, login harflar, sonlar va (_ ,) belgilaridan iborat bo'lishi mumkin. 2. O'zingiz uchun parol tanlang va tegishli maydonga kiriting. Parol kamidan 6 ta belgidan iborat bo'lishi lozim. Kiritilgan parolni tasdiqlang. 3. Shaxsiy ma'lumotlaringizni kiriting: ismingiz, familiyangiz, otangizning ismi, jinsingiz, tug'ilgan sana va yashash manzilingiz. 4. Bog'lanish uchun ma'lumotlaringizni kiriting: elektron pochta manzilingiz va mobil telefoningiz raqami. 5. Mobil telefoningiz raqamini kiritganingizdan va "Tasdiqlash kodini olish" tugmasini bosganingizdan so'ng, tasdiqlash kodidan iborat sms xabarnomasi kuting.

5-бoб
Тадбиркорлар учун он-лайн интерактив хизматлар

Tuman (shahar) *
-- Tanlang --

Yashash joyi *

ko'cha (qishloq, mavze)/uy/xonadon

Elektron pochta *

Telefon raqami *
+998

Tasdiqlash kodini olish

Tasdiq kodini kiriting*

Ro'yxatdan o'tish
Bekor qilish

Ушбу шаклда зарур бўлган майдонларни тўлдилинг. Улар қизил “*” белгиси билан белгиланган.

Майдонларни тўлдиришда рўйхатдан ўтиш йўриқномасидан фойдаланишингиз мумкин. Ягона портал қоидаларини эътибор билан ўқиб чиқинг.

Майдонларни тўлдириб бўлганингиздан кейин **Рўйхатдан ўтиш** тугмачасини босинг.

Рўйхатдан ўтиш натижасида, сиз Ягона порталда шахсий кабинетга эга бўласиз.

Рўйхатдан ўтгандан сўнг сиз алоқа учун қуйидаги имкониятлардан фойдаланишингиз мумкин бўлади:

Давлат ташкилотларига Ягона порталдаги шахсий ариза ва таклифлар юбориш, қабулга ёзилиш ҳамда телефон орқали мурожаат этишингиз мумкин бўлади.


Davlat tashkilotiga murojaat yuborish


Davlat organi rahbariyati qabuliga yozilish


Call-center :
1060 yoki (8 800) 200-18-18

Ягона портал давлат интерактив хизматларидан фойдаланиш тартиблари:

- Фойдаланувчи давлат интерактив хизматидан фойдаланиш рухсатнома асосида амалга оширилади.
- Фойдаланувчи аризасига асосан рухсатнома бериш ва уни беркитиб ёки ёпиб қўйиш ҳуқуқларига “Ўзинфоком” маркази ёки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги компьютерлаштириш марказлари эга, яъни ушбу марказлар ушбу фаолиятни олиб бориш ваколатига эга ва масъул марказлар ҳисобланади.
- Жисмоний шахслар (ариза ва паспорт асосида) ва юридик шахслар (ариза ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома асосида) учун шахсий кабинетдан эркин фойдаланишга рухсатнома бир ёки икки кун мобайнида масъул марказлар томонидан берилади.
- Фойдаланувчи ўзи тўғрисидаги ҳар қандай маълумотлар ўзгарганда беш кун муддатда бу ҳақда масъул марказга хабар бериши шарт.

Ягона портал орқали интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш тартиблари Ягона портал низомида батафсил келтирилган [8]. Қуйида аризани бериш, жавоб бериш, рад этиш, кўриб чиқиш тартиби ва муддати ҳамда назоратига оид тартибларини қисқача келтирамыз.

Аризани бериш тартиби

- Фойдаланувчилар шахсий кабинет орқали ўз мурожаатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва давлат ташкилотларига юборишлари мумкин.
- Мурожаат бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳамда мурожаатларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирадиган бир нечта давлат органларига юборилиши мумкин.
- Фойдаланувчи шахсий кабинетидан юборган мурожаат электрон рақамли имзо ва уларни идентификацияловчи бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак.
- Фойдаланувчи аризага зарур ҳужжатлар, хатлар ва расмларни илова қилиши мумкин.

Аризани қабул қилиш тартиби:

- Масъул ходим ариза қабул қилинганлиги тўғрисида фойдаланувчига хабар жўнатади.

Аризага жавоб бериш тартиби:

- Фойдаланувчи аризасига жавоб кўрсатилган почта манзилига юборилади.
- Фойдаланувчи аризаси мурожаатлар учун белгиланган тартиб ва муддатда кўриб чиқилади.
- Фойдаланувчи аризасига жавоб олувчининг ёки бошқа ваколатли ходимнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Ариза рад этилиш тартиби:

Куйидагилар фойдаланувчи мурожаатини кўриб чиқишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

- Одобсизлик мазмунидаги мурожаатлар (ахлоқсиз ёхуд ҳақоратли иборалар, таҳдидлар, мантиқ ва маъноси бўлмаган таклифлар ва шунга ўхшаш мурожаатлар).
- Матнда тушунарсиз қисқартиришлар ёки реклама материаллари мавжуд бўлган аризалар.
- Таркибида аниқ аризалар, шикоятлар ёки таклифлар бўлмаган мурожаатлар.
- Рад этишнинг асосланган сабаблари кўрсатилган рад жавоби фойдаланувчига бир иш куни мобайнида юборилади.
- Ариза ваколатига кирмайдиган давлат органларига тушганда, у беш кун муддатда, фойдаланувчи хабардор қилинган ҳолда тегишли органга юборилади.

Аризаларни кўриб чиқиш тартиби:

- Фойдаланувчи шахсий кабинет орқали берилган аризаси мажбурий қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бунда ушбу мурожаат Масъул ходим электрон почтасига келиб тушган сана – мурожаат қабул қилинган сана ҳисобланади.

Аризаларни кўриб чиқиш муддати:

- Таклифлар – бир ойгача муддатда. Агар қўшимча ўрганишлар талаб қилинса, бу тўғрида фойдаланувчи ўн кун муддатда хабардор қилинади. Бунда муддат ариза олувчига тушгандан бошлаб ҳисобланади.
- Ариза ёки шикоятлар – ўн беш кун муддатда. Агар қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш ўтказиш, қўшимча ҳужжатлар талаб этилса – бир ойгача муддатда. Бунда муддат ариза Масъул ходимга тушгандан бошлаб ҳисобланади.

Ариза назорати ва жавобгарлик тартиби:

- Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тартибига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади.
- Давлат ташкилотлари раҳбарлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари Ягона портал орқали кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг асоссиз рад этилганлиги ва хизматлар сифатсиз кўрсатилганлиги учун жавоб берадилар.
- Фойдаланувчи аризада нотўғри маълумотлар берганлиги, уйдирма ва ҳақоратлар бўлган мурожаатлар узатганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Ягона порталдан фойдаланишнинг фойдаланувчи учун баъзи имкониятлари

- Коммунал хизмат, электр энергия ва сув истеъмолчилари ушбу хизмат харажатлари ҳақидаги шахсий маълумотлардан фойдаланиш имконияти яратилди. Бу имкониятдан фойдаланиш тартиби жуда осондир. Ушбу хизматга доир ариза ва шикоятларни Ягона портал орқали тезда жўнатиш ва ҳал қилиш имконияти яратилди. Бунда аризага ҳужжатлар ва расмларни илова қилиш имконияти мавжуд.
- Чет эл фуқаролари Ўзбекистонга виза расмийлаштириш учун интерактив хизматдан фойдаланиши мумкин. Бунинг учун ҳамкасб ёки дўстларини безовта қилиш зарурати йўқолди.

- Ягона портал самарали имкониятларидан бири алоқа натижалари СМС хабарлар ёрдамида жўнатилишидир. Бу алоқани қулай ва самарали бўлишини таъминлайди. Чунки фойдаланувчи ариза етиб борганлиги ва ишга тушганлиги ҳақида хабардор бўлади ва бу ҳақда Ягона порталдан хабарлар ёзиб, ходимларни қўшимча саволлар ва эътибор билан безовта қилмайди. Натижада фойдаланувчи безовта бўлмайди ва ходимлар қулай шaroитда ариза кўрилиши тартибига риоя қилган ҳолда ишини давом эттиради.



- Ягона порталнинг «MYGOV» мобил иловаси 2014 йилда яратилган. Ундан фойдаланиш жуда қулайдир. Бу имконият фойдаланувчига 24 соат давомида ихтиёрий жойдан Ягона порталга аризалар юборишни, ариза натижаларидан хабардор бўлиш имкониятини яратади. Бунинг учун Интернет заруриги Сизга маълум. «MYGOV» мобил иловаси фойдаланувчилари сони кундан-кунга кўпаймоқда.



Топшириқ:

Ягона порталга (www.my.gov.uz) киринг ва унда рўйхатдан ўтинг, ўз шахсий кабинетингизга кириб, ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни янгиланг.

Ягона порталда мурожаатларни кўриб чиқиш ва назорат қилиниши тартиблари билан танишинг.

5.6. Тадбиркорлар учун имкониятлар ва улардан фойдаланиш тартиби

Ягона портал тадбиркорлар учун махсус бўлимга эга эканлигини юқорида таъкидлаган эдик. Келинг, Ягона порталнинг тадбиркорлар учун имкониятлари билан танишайлик.

Авваламбор, **Тадбиркорлик** бўлимига кирайлик. Натижада қуйидаги рўйхат экранда ҳосил бўлади:

Тадбиркорлик	
NHK mahkamasi	
Yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirkorlik subyektlari ro'yxatidan o'tkazish	Yuridik shaxs tashkil etgan holda tadbirkorlik subyektlari ro'yxatidan o'tkazish
Tadbirkorlar huquqlari buzilishi bo'yicha shikoyatlar qabul qilish	Kommunal xizmatlarini yetkazib berishdagi muammolar yuzasidan tadbirkorlik subyektlarining elektron shikoyatlari
Ko'chmas mulkka huquqni davlat ro'yxatidan o'tkazish uchun arizalarni rasmiylashtirish	O'lchov vositalarining davlat metrologik tekshiruvini o'tkazishga ariza berish

Хар бир тоифа ўз рўйхатига эга. Келинг, Юридик шахс ташкил этган тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш тоифасига кирайлик. Натижада экранда қуйидаги рўйхат ҳосил бўлади:

Yuridik shaxs tashkil etgan holda tadbirkorlik subyektlarini ro'yxatga olish uchun onlayn tarzda ariza yuborish (MCHJ)
Tadbirkorlik subyektlarini ro'yxatga olish bilan bog'liq xizmatlar
Yuridik shaxs tashkil etgan holda dehqon xo'jaligini ro'yxatdan o'tkazish uchun ariza
Fermerlik xo'jaligini ro'yxatdan o'tkazish uchun onlayn tarzda ariza berish

Yuridik shaxs tashkil etgan holda tadbirkorlik subyektlarini ro'yxatdan o'tkazish

Ушбу рўйхатда зарурини танлашингиз мумкин. Ягона портал ёрдамида корхонани рўйхатдан ўтказишингиз мумкин. Бунинг

учун турли ташкилотларга бориб, вақтингизни сарфлаш ва кутиш зарурати йўқолди. Албатта, корхонани одатдаги усулда ҳам қайд қилишингиз мумкин. Ягона портал ёрдамида фойдалансангиз, вақтингизни ва харажатларни камайтирасиз.

Келинг, юридик корхонани рўйхатдан ўтказиш тартиби билан танишайлик. Бўлимда рўйхатдан ўтиш учун зарур ҳужжатлар рўйхати келтирилган.

UMUMIY MA'LUMOTLAR	HUJJATLAR	MUDDATLAR VA TO'LOV	NATIJIA
--------------------	------------------	---------------------	---------

Xizmatni ko'rsatish uchun kerak bo'ladigan hujjatlar

- Bank to'lov hujjatini skaner nusxasi (dovlet bo'ini to'laganlik ko'rsatmaydi);
- O'xshash yoki qisman o'xshash nomlanish yo'qiligi haqidagi ma'lumotnomani skaner nusxasi;
- Muze va shifrlarning someki nusxalarini skaner nusxasi.

Xizmatni ko'rsatishning huquqiy asosi

- O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Tadbirkorlik faoliyatini tashkil etish uchun ro'yxatdan o'tkazish tartibotini tizimini tubdan takomillashtirish to'g'risida" 2003 yil 20 avgustdagi 357-son qarori;
- O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Tadbirkorlik faoliyatini tashkil etish uchun ro'yxatdan o'tkazish tartibotini tizimini tubdan takomillashtirish to'g'risida" 2003 yil 20 avgustdagi 357-son qarori;
- O'zbekiston Respublikasining "Mas'uliyat cheklangan hamda qo'shimcha mas'uliyatli jamiyatlari to'g'risida" Qonuni 2001 yil 6 dekabr

Кўрсатилган ҳужжатларни тайёрлаб, аризани шахсий кабинетингиздан юборишингиз зарур. Натижани олиш усулини аризада кўрсатиш лозим. Қуйидаги дарчада хизмат натижасига оид маълумотлар тавсифланган.

UMUMIY MA'LUMOTLAR	HUJJATLAR	MUDDATLAR VA TO'LOV	NATIJJA
Natijjani olish usullari Shaxsan tashrif buyurish orqali. Bir vaqtning o'zida taqdim etiladigan hujjatlarning nusxalari foydalanuvchining yagona portadagi kabinetga va uning elektron pochta-siga yuboriladi.			
Xizmat natijasi Yuridik shaxsni davlat to'lovidan o'tkazilganligi to'g'risidagi guvohnomani, "to'lovga olindi" degan yozuv aks etirilgan ta'sis hujjatlarini, to'lovga olovchi tashkilot tomonidan taqdirlangan muv va shartlarning xomali nusxalarini olish.			
Rad etish sabablari • Xizmatning reglamenti bilan belgilangan hujjatlarni taqdim etmaslik; • Haqiqiy bo'lmagan hujjatlarni taqdim etish; • Arizada huzoratimiz, tahqirovchi so'z va iboralar ishlatish, reklama matnlarining mavjudligi; • Qonunga zid bo'lgan istalgan boshqa hatti-harakatlar.			

Ушбу хизмат кўрсатиш муддати – 2 кун ва хизмат нархи – 1 минимал иш ҳақи миқдорида тўланади.

Мазкур тартиб ушбу хизматнинг қулайлигини ва самарадорлигини тасдиқлайди.

Тадбиркорлар учун баъзи имкониятлар

Кommunal xizmatlarini yetkazib berishdagi muammolar yuzasidan tadbirkorlik subyektlarining elektron shikoyatlari

Коммунал хизматларини таъминлаш борасидаги тадбиркорларнинг шикоятлари учун махсус бўлим мавжуд. Ушбу

бўлим имкониятлари билан батафсил танишиш учун унга кириш зарур.

Зарур хизматни танлаб электрон шикоятни юбориш зарур. Шикоят масъул ходим ва мутахассислар томонидан кўриб чиқилади ва натижа кўрсатилган муддатда юборилади.

Бунинг учун коммунал хизмати ташкилотларига бориб, зарур бўлимни ва ходимни топиш, унинг қабулига кириш учун навбат-

да туриш, қўшимча маълумот зарур бўлса, у билан қайта-қайта учрашиш зарурати бўлмайди. Бу эса тадбиркорнинг вақтини тежайди. Тежалган вақтни тадбиркор бизнесни юритишга, ривожлантиришга, малакасини оширишга сарфлаш имконига эга бўлади.

O'lovch vositalarining davlat metrologik
tekshiruvini o'tkazishga ariza berish

Ўлчов воситаларини метрологик текширувдан ўтказишни ҳам электрон ариза ёрдамида амалга ошириши мумкин. Бунинг учун қуйидаги махсус бўлимдан фойдаланиш зарур:

Корхона статистик ҳисоботлар бўйича савол ва аризаларни Барча хизматлар бўлимида ёки Барча ташкилотлар бўлимидаги махсус тоифа ёрдамида амалга ошириши мумкин. Корхона статистика ҳисоботларни тадбиркорлик субъектларидан электрон кўринишда йиғиш ва қайта ишлаш тизими ёрдамида жўнатиши мумкин.

Солиқ юзасидан савол ва аризаларни **Барча хизматлар** бўлимида ёки **Барча ташкилотлар** бўлимидаги махсус тоифа ёрдамида амалга ошириши мумкин.

Корхона солиқ ҳисоботларни тадбиркорлик субъектларидан электрон кўринишда йиғиш ва қайта ишлаш тизими ёрдамида жўнатиши мумкин.

Тадбиркор Ягона порталнинг деярли барча хизматларидан, жумладан, божхона ва архив каби хизматларидан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, савол ва таклифлари билан мақсадли равишда тегишли ҳукумат ташкилотлари билан интерактив тарзда боғланиши мумкин.



Маншқ:

www.my.gov.uz манзилига киринг ва Ягона Портал тадбиркорлар учун интерактив хизматлари тавсифи билан танишинг. Хизматлардан унумли фойдаланишни режалаштиринг.

Янги корхонани рўйхатдан ўтказиш тартиби билан танишинг.

5.7. Интерактив хизматлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар

- Электрон ҳукумати тизимини ривожлантириш маркази янгиликлари ва ҳисоботлари билан мунтазам равишда, танишиб боринг. Ушбу маълумотлар тадбиркорликни юритиш малакасини оширишда асқотади. Корхона ходимларига ҳам ушбу янгиликлардан ва ҳисоботлардан бохабар бўлишни тавсия қилинг.
- Ягона портал янгиликларини мунтазам равишда, кузатиб боринг, чунки порталга янги имкониятлар киритилади. Ушбу имкониятлар тавсифи ва фойдаланиш тартиблари билан танишинг.
- Ягона портал сўровлари билан танишиб боринг, айниқса, тадбиркорлар сўровлари мазмуни Сизга ҳам корхона фаолиятида фойдали бўлиши мумкин.
- Ходимлар АКТ малакасини ошириш борасида семинар ва тренинглар ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ. Чунки АКТ жадал тараққиёти мунтазам равишда, янги билим ва кўникмаларни эгаллашни талаб қилади. Бу эса АКТдан бизнесда самарали фойдаланишни таъминлайди.
- Электрон ҳукумат давлат хизматлари одатдаги хизматни инкор этмайди. Аксинча, давлат хизматининг ўзингизга қулай бўлган усулини танлаш имконига эга бўласиз, лекин электрон ҳукуматнинг ривожланиши фуқароларга хизмат кўрсатишни тезлаштириб ва қулайлаштириб боради.
- Ариза юборганда ариза мазмуни аниқ ёзилган ва зарур маълумотлар кўрсатилиши ҳамда зарур ҳужжатлар, хатлар ва расмларни илова қилиш тавсия этилади. Бу аризангизнинг тезда кўриб чиқилишини таъминлайди.
- Электрон ҳукуматини ривожланишида оммавий ахборот воситаларининг роли жуда каттадир. Оммавий ахборот воситаларидаги янгиликлар ва шарҳларни ўқинг ва Ягона портал янгиликларидан фойдаланинг.



! Ягона портал янгиликлари билан мунтазам равишда танишинг. Унинг имкониятлари доимий такомиллашиб ва кенгайиб боришини ҳисобга олинг.



! Ягона порталда янги давлат лойиҳалари ва концепциялари муҳокамасида фаол қатнашинг, унда ўз тавсия, фикр ва мулоҳазаларингиз билан қатнашинг.



Олтинчи боб

- Электрон таълим имкониятлари билан танишув
- Масофадан ўқиш технологияси афзалликлари
- Масофадан ўқиш тартиби
- Электрон кутубхоналардан фойдаланиш тартиби
- Масофадан ўқиш курслари рўйхати
- Масофадан таълимни ташкил қилиш бўйича тавсиялар





Электрон таълим

**– бу янги билимлар эгаллаш
ёки билимларни мустаҳкамлаш
имкониятидир**

6.1. Электрон таълим имкониятлари билан танишув



Электрон таълим – бу таълимда АКТ тараққиёти натижасидир. Дарҳақиқат, инсон доимо ўзининг турмуш шароитини яхшилашга ва яхши ҳаёт кечиришга интилиб келган. У олами билишга ҳаракат қилган, доимо янгиликка интилган. Билим олиш инсондан куч ва сабр-тоқат талаб қилади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам саводли инсонлар ҳар доим ҳурматда бўлгандирлар. Билим – бу янги имкониятлар

манбаидир. Бугунги кунда билим бутун жаҳонда янада кўпроқ қадрланмоқда. Билим тараққиётга бошлайди.

Илмий-техника тараққиёти иқтисодий ислохотларда туб ўзгаришларга олиб келди. Ахборот тараққиёти юз берди. У ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ўз аксини топди. Ахборот инқилобининг асосий натижаси – ахборотнинг қийматидир. Эндиликда ахборот мамлакатнинг фаровонлик даражасини белгилайди. Ахборотнинг қиймати унинг қанчалик фойдали эканлигидадир. Фойдалилик аниқлик, ишончлилик ва ўз вақтидалиги билан белгиланади.

Бугунги олам шунчалик тез тараққий топмоқдаки, бугунги янгилик эртагаёқ эскириб қолмоқда. Шунинг учун инсон ахборотни ўз вақтида олиш учун ажойиб технология – ахборот технологияларини яратди. Компьютерлар – ахборотдан фойдаланишнинг қулай ва содда усулидир. Ахборотдан фойдаланмоқчи бўлган инсон ахборотнинг қаерда (ўша шаҳарда ёки Ер юзининг бошқа бир нуқтасида) жойлашганидан қатъий назар, уни олиш имкониятига эга бўлиши керак. Интернет ёрдамида бу муаммо осонгина ҳал этилади, Интернетдан бугунги кунда деярли ҳамма жойда фойдаланиш мумкин. Компьютер технологияларининг тараққиёти ва ривожланиш суръати билан эндиликда компьютерлар ҳисоблаш, ёзиш,

гапириш, ёзиб олиш, чизиш, мусиқа ёзиш, ўқитиш, хабар, хатларни қабул қилиш ва узатиш, ҳужжатларни яратиш ва улар устида ишлаш, ахборотларни сақлаш, топиш ва таҳрирлаш, видео-лавҳаларни тайёрлаш ва намойиш этиш, ўйин ўйнаш, қўшиқ айтиш ва огоҳлантириш каби ишларни қойилмақом қилиб бажара олади. Компьютер инсонларнинг кундалик иш фаолиятлари: ишда, ўқишда, дам олишда тенгги йўқ восита бўлиб қолди.

Табиики, бу таълимда ҳам ўз аксини топади. Компьютер ва Интернет таълимда кенг фойдаланилмоқда. Ушбу таълим электрон таълим деб номланади. Унинг қуйидаги номлари ҳам мавжуд: е-таълим, виртуал таълим ва масофавий таълим.



Таълим ҳар доим замон талабларига мос келиши керак. Шу кундаги талаблар таълимда инновацион технологиялар ва инновацион техник воситалар қўлланилишини тақозо этади.

Умр бўйи, бутун ҳаёт давомида таълим олишда электрон таълим жуда асқотади. Ёш ва тажрибали мутахассис ҳам янги билимлар ва малакаларни тезроқ олишга зарурат сезади. Бу эҳтиёж жамоа бўлиб ишлаш ва Интернетга боғланиш технологиялари билан қўллаб-қувватланади. Бу ахборотни электрон кўринишда яратиш, ўқитиш ва таълим бериш, шунингдек, ҳамкорликда ишлаш имкониятларини ривожлантиради. Бу эса реал вақт режимида таълим олиш ва малака ошириш учун шароит яратади. Бугунги кунда виртуал ўқитиш академик ва корпоратив таълимда воқеликка айланди.

Интернет фойдаланувчиларга ҳақиқий афзалликлар беради, шунинг учун қисқа вақт ичида ҳаммага яхши таълим олиш имкониятини таъминлаб бериш учун махсус дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Ёшлар ижтимоий муваффақиятга эришмоқ учун янада юқорироқ билим даражаси кераклигини тушунадилар. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларини астойдил танлайдилар ва янада юқорироқ малака ошириш мақсадида, мунтазам равишда, таълим оладилар.

Давлат иш фаолиятига тайёр битирувчиларни тайёрлайдиган, миллий ва ҳудудий маданиятни қўллаб-қувватлайдиган,

харажатларнинг камайишини таъминлайдиган, бунинг устига шуларнинг ҳаммасини бир вақтда амалга ошириш имконини берадиган таълим тизимидан манфаатдордир. Электрон таълим айнан шу вазифани бажаришга қаратилган.



Сиз имтиҳон топшириб, бутун дунёда тан олинadиган сертификат эгаси бўлиш ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Сиз иш ёки ўқиш учун тан олинadиган мутахассисликка эга бўлишни хоҳлайсизми? Қандай имтиҳонлар топшириш кераклигини биласизми? Сизга таълим муассасасини танлашингизга ва маълумот олишингизга Масофадан ўқитиш ёрдамга келиши мумкин.

Масофадан ўқитиш – масофадан туриб, ўқиш-ўқитишни ўқитувчи ва ўқувчининг бевосита, шахсан иштироксиз замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари асосида ўқиш жараёнини ташкил этиш усулидир, яъни бу масофадан туриб, таълим беришдир. Бу синфдан ташқари ўқитиш (таълим олишдир). Бунда аудитория лекция ва машғулотларига қатнашишга эҳтиёж қолмайди. Яхши томони шуки, сиз ўзингизга қулай пайтда ва ихтиёрий жойда ўқишингиз мумкин. Бу биров сиртқи таълимга ўхшаб кетади, фақат бу ерда ахборот технологияларига асосланган технология қўлланилади. Бунда талабадан доимий фаолият – интерактив ўқиш талаб этилади.



Баъзи инсонлар айрим сабаблар: вақтнинг етишмаслиги, ишдан ажрала олмаслиги, турар-жойнинг узоқлиги, молиявий қийинчиликлар туфайли таълим муассасаларида, бевосита ўқитувчининг назорати остида таълим олиш имкониятига эга эмаслар, лекин уларда билим олишга интилиш кучли. Масофадан ўқитиш айнан шундай инсонларга мўлжалланган.

Бунда иш, ўқиш ёки дам олишдан бўшамасдан, энг қулай пайтда ўқиш мумкин. Психологлар инсон дарсликлар, методик қўлланмалар, справочниклар билан мустақил ишлаганида, энг чуқур билимга эга бўлишларини аллақачон аниқлаганлар. Масофадан ўқитиш мустақил фикрлаш қобилиятини оширади,



хулоса чиқаришни ўргатади. У янги ахборот билан танишишга ва маълум соҳада натижага эришишга имкон яратади. Айнан шулар мутахассиснинг юқори малакасидан далолат беради.

Электрон таълим имкониятлари:

- Масофадан туриб ўқиш имконияти.
- Иш фаолиятидан узлуксиз равишда малакани ошириш ёки янги билим олиш имконияти.
- Мустақил фикрлаш, масъулият, таҳлил қилиш ва қарор қилиш малакалари мустаҳкамланади.
- Ўқишнинг интерактивлиги, яъни ўқитувчи билан доимий алоқа мавжудлиги.
- Ўқишнинг индивидуаллиги ўқувчининг индивидуал кўникмалари ва эҳтиёжларини ҳисобга олади.
- Ўқиш жадвалининг индивидуаллиги.
- Билимларнинг амалийлиги.
- Ўқиш сифати юқорилиги.
- Пулни тежаш имконияти, яъни транспорт, яшаш ва ўқиш учун харажатларга зарурат бўлмайди.
- Электрон ўқув материал ва манбалар, виртуал аудиториядан 24 соат давомида фойдаланиш имконияти.
- Ахборот олиш малакаси ошади. Чунки ўқиш давомида электрон материал ва манбалардан мустақил ва гуруҳдошлар билан биргаликда фойдаланилади, он-лайн маъруза, конференция ва консультацияларда қатнашади.

Электрон таълим имконияти чекланган шахслар учун ҳам қулай шароитлар яратади.

Шу билан бирга, электрон таълим анъанавий таълимда ҳам баъзи курслар учун фойдаланилиши мумкин. Бу эса талабалар учун қулайликлар яратади. Баъзи мамлакатларда талабалар дарсга бориши ёки уни он-лайнда ўрганиши мумкин.

Ушбу имкониятлар тадбиркорлар учун ҳам жуда қулайдир. Ҳозирги кунда электрон таълим корпоратив харидорлари кўпаймоқда. Чунки ходимларнинг малакасини иш фаолиятидан ёки ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ошириш жуда арзон, қулай ва фойдалидир. Йирик корхоналар ўз хизматчиларини қайта тайёрлашда электрон таълимдан фойдаланиб, молиявий ресурсларни тежаш билан бирга, фойда олмоқдалар, чунки у анъанавий усулларга нисбатан анчагина самаралидир.

Қуйида ушбу таълимдан фойдаланиш тартиблари ва курслари ҳақида батафсил маълумот берилади.

6.2. Масофадан ўқиш технологияси афзалликлари

Масофавий таълим анъанавий таълимдан нимаси билан фарқланади:

- Таълим вақти эркин, энг қулай пайтда билим олиш мумкин.
- Аудитория машғулотларига қатнашиш зарурияти йўқ.
- Ўқитувчига талаб юқори даражада бўлади, чунки у ўқувчининг индивидуал талабларига жавоб бериши зарур бўлади.
- Компьютер технологиялари, Internet, E-mail бўйича билимлар такомиллашади.
- Таълим учун тўловлар арзон, чунки уй-жой, суғурта, транспорт учун харажатлар йўқ. Шунингдек, аудитория, ётоқхона, майший хизматларга зарурат йўқ. Фақат шу нарсани ҳисобга олиш керакки, **ахборот технологияларининг** тараққиёти билан жиҳозлар (компьютер, сунъий йўлдош антенналари, аудио ва видео-қурилмалар)га харажатлар ошади. Талабалар сонининг ортиши таълим нархида акс этиши табиий, лекин технологияларнинг тез ўзгаришини ҳисобга олиш керак. Шунинг учун масофавий таълим ва анъанавий таълим нархи ҳар доим ҳам фарқли эмас.

Ўқитишнинг бу туридан асосан билимларни такомиллаштириш ёки қайтадан тайёрлаш, янги мутахассислик олиш-

да фойдаланадилар. Ишдан бўш вақтида таълим олиш мумкин. Шунинг учун у қўшимча мутахассислик эгаллашни хоҳловчилар ёки билим доирасини кенгайтирувчиларга жуда ҳам қулайдир. Одатда университет талабалари бир вақтнинг ўзида бир-бирига яқин мутахассисликни эгаллашга ҳаракат қиладилар. Масофадан ўқишга мойиллик асосан иш тажрибасига эга, ўз билимларини янада такомиллаштирувчи ёки қўшимча мутахассислик олмоқчи бўлган инсонларда сезиладди. Масофадан ўқишда тингловчилар кўпроқ уйда, офисда, кутубхоналарда шуғулланадилар.

Таълим муассасалари электрон таълимдан қуйидаги мақсадларда фойдаланадилар:

- Ўзининг молиявий ресурсларини машғулотларга бориши шарт бўлмаган талабалар ҳисобига кенгайтириш;
- Ўқитувчилар аудиториясини кенгайтириш;
- Ноанъанавий бозорларни янги маҳсулотлар билан таъминлаш – индивидуал шахсларга бутун ҳаёти давомида таълим олишни амалга ошириш ва айниқса, корпоратив таълим бозорини эгаллаш;
- Масофавий таълим курсларини ишлаб чиқиш учун кенгайтирилган воситалар ёрдамида таълим нархини камайтириш ва ўқитишнинг сифатини ошириш, шунингдек, талабаларнинг яхши малакали ўқитувчиларга эҳтиёжини қондириш;
- “Виртуал мактаб” деб аталган виртуал таълим муҳитини таъминлаш.

Корхоналар масофадан ўқитишни қуйидаги масалаларни ҳал этиш учун қулай восита деб ҳисоблайдилар:

- Янги маҳсулотларни қўллаш;
- Янги бизнес-технологияларини ўрганиш;
- Ходимлар малакасини ошириш;
- Янги ахборот технологияларини ўзлаштириш;
- Бизнесни ривожлантириш бўйича курслар;
- Муайян соҳаларда фундаментал билим олиш ва бошқалар.

Корхоналар ходимларни масофадан ўқитиш учун университетлар, таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи корхоналар хизматидан фойдаланади. Баъзи корхоналар шахсий электрон курсларига эга.



Кўпгина йирик корхоналар мутахассислари малакасини ошириш ёки ўзгартириш учун ушбу услубдан фойдаланмоқда, айниқса, корхона филиаллари ходимлари малакасини оширишда жуда қулайдир. Бу ходимларни кундалик иш фаолиятдан узилмаган ҳолда, ҳаттоки, сафарларни давом эттирган ҳолда янги билим ва кўникмаларни эгаллаш имкониятини беради, яъни ходимларнинг малака ошириши корхона фаолиятига фақатгина ижобий таъсир кўрсатади.

Билимларни такомиллаштириш давр талабидир. Технологияларнинг кескин ривож доимо ҳар кимдан ўз устида ишлаш, янги технологиялар бўйича янги билимлар ва малака олишни талаб этади.

Масофавий таълимнинг иқтисодий афзалликлари

Масофавий таълим иқтисодий жиҳатдан ҳам унумлидир. Иқтисодий кўрсаткичлар бўйича электрон таълим анъанавий таълим усулидан арзон. Қуйидаги жадвалда талабалар сонининг ошиши ўқитиш харажатларида акс этиши қиёсий ҳолати келтирилади:

Харажатлар номи	Анъанавий ўқитиш	Масофавий ўқитиш
Ўқув бино, ётоқхоналар, кутубхоналар, хизмат соҳаси муассасалари қурилиши учун харажатлар	Ҳа	Йўқ
Техник воситалар билан таъминлаш	Ҳа	Йўқ
Янги ахборот воситаларини қўллаш	Ҳа	Йўқ

Маъмурий-эксплуатация харажатлари	Ҳа	Йўқ
Ўқув-методик материаллар билан таъминлаш	Ҳа	Ҳа
Ўқув-методик мутахассислар бўйича харажатлар	Ҳа	Ҳа
Таълим учун тўлов	Ортади	Камаяди
Коммуникацион харажатлар (Internet, E-mail)	Ҳа	Ҳа

Шундай қилиб, электрон таълимнинг афзалликлари уни оммавийлаштирмоқда. Унинг фойдаланувчилари кўпаймоқда. Таъкидлаш керакки, асосан ундан уйда, яъни бўш ва қулай вақтларда фойдаланадилар. Мустақил ишлаш ва фикрлаш ҳар доим билим сифатида ўз аксини топади. Билим сифати талабанинг ўзига боғлиқ. Бу ўқиш индивидуал бўлиб, агар талаба материални ўзлаштира олмаса, ўқитувчи унга материални ўзлаштириш учун имконият беради ёки материални ўзлаштириш учун вақт беради. Шунини таъкидлаш керакки, компьютер ва Интернетнинг ривожланиши электрон таълим харидорларини ўзига янада жалб этади.

6.3. Масофадан ўқиш тартиби

Ариза юбориш, қабул қилиш ва ўқиш тартиби

Масофадан ўқишни режалаштирингиз. Хўш, ўқишга кириш ва ўқиш тартиби қандай? Ўқиш қандай ва қаерда амалга оширилади? Мазкур саволларга жавобни қаердан олиш мумкин. Саволларга жавобни ушбу бўлимда беришга ҳаракат қиламиз.



Одатда, қабул қилиш тартиби таълим муассасаси томонидан белгиланади. Ушбу тартиб билан таълим муассасаси ёки ўқув маркази саҳифасида танишиш мумкин.

Мисол сифатида, бирор университет масофадан ўқитиш курслари талаблари билан танишиб чиқинг.

Масалан, тиббиёт соҳасида масофадан ўқиш учун талабалар соҳа бўйича асосий маълумотга ва шу соҳада ҳаётий тажрибага, соғлиқни сақлашда тадқиқотчилик малакасига эга бўлиши шарт. Бунда бакалавр ёки магистрлар ўқиши мумкин. Ҳуқуқшунослар ҳам тажрибага эга бўлиши зарур.

Одатда, электрон таълим ва анъанавий таълим олиш учун тақдим этиладиган, аризалар бир хилдир.

Ариза юбориш ва қабул қилиш тартиби

- *Масофадан ўқитиш курси саҳифасида ўзингизни қайд қилишингиз зарур. Бунинг учун электрон манзилга эга бўлишингиз керак.*
- *Қайд қилингандан сўнг курслар рўйхати билан танишингиз мумкин.*
- *Танлаган курс маълумотлари билан танишинг.*
- *Ўқиш талаблари билан танишинг.*
- *Ўқишга ариза юборинг. Бунинг учун аризанинг тегишли майдонларига маълумот киритинг.*
- *Курс пуллик бўлса, пулини тўлаганингиздан сўнг курсга қайд қилинганингиз ҳақида хабар оласиз ва курсга кириш имкониятига эга бўласиз. Агар курс бепул бўлса, курсда қайд қилинганингиз ҳақидаги хабарни дарҳол оласиз.*
- *Логин ва паролни киритиб, курс материаллари билан танишингиз мумкин.*

Ўқиш тартиби

- *Масофадан ўқитиш курси саҳифасида курсда ўқиш тартиби ва жадвали берилади. У билан танишиш зарур. Ушбу маълумот ва дарс жадвали асосида ўқиш бошланади.*



- Курс давомида топшириқлар бажарилиши лозим бўлади. Топшириқлар билан топшириқлар бўлимида танишиш мумкин.
- Тингловчилар талабалар бўлимида берилади.
- Курс материаллари бўлимида курс бўйича модуллар, тақдиротлар ва маърузалар жойлашади. Улар билан он-лайнда ишлаш мумкин. Баъзи курсларда курс материалларини компьютерга кўчириш ёки чоп этиш мумкин. Баъзи курслар курс материалларини одатдаги почта орқали юбориши мумкин.
- Портфолио бўлимида талаба ўз ишларини жойлаштириши мумкин.
- Тест бўлимида тест топшириш мумкин.
- Форум бўлимида ўқитувчи ва курсдошлар билан курс материалларини, топшириқларни муҳокама қилиши мумкин.
- Шундай қилиб, одатда, масофавий курс қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:
 - Курс ҳақида маълумот
 - Дарс жадвали
 - Курс материаллари
 - Топшириқлар
 - Портфолио
 - Тест
 - Форум


Ушбу бўлимлардаги маълумотларни дарс жадвали асосида ўрганиш ва бажариш ёрдамида курсда ўқиш мумкин. Дарс жадвали дарс, топшириқларини бажариш ва топшириш муддатлари, тадбирлар номи ва муддати ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади. Ушбу дарс жадвали ёрдамида курсда фаол қатнашиш мумкин.



Агар талаба баъзи бир узрли сабабларга асосан вақтида ўқишни битира олмаса, унга индивидуал график асосида курсни битиришига имкон берилади.

Тестдан ўтиш учун вақт чекланган бўлади. Шунинг учун тестни бажаришга тайёргарлик кўриш зарур. Агар Интернет суст бўлса, вақтни бой беришингиз мумкин. Шунинг учун буни ҳисобга олганингиз, мақсадга мувофиқ.

Масофадан ўқишда қуйидаги мулоқот (коммуникация) турлари мавжуд:



Ўқитувчи – курсни мукаммал биладиган ва уни олиб борувчи мурабийдир. Чунки аудитория бирмунча малакага эга ҳамда ҳар бир талабанинг ихтисослигини ҳисобга олиши зарур. Ўқитувчи талабанинг индивидуал қобилиятини ҳам, унинг фаолият соҳаларини ҳам ҳисобга олмоғи даркор, яъни унинг амалий билимини назардан қочирмаслиги керак. Ўқитувчи курсни тайёрлайди, мулоқотни олиб боради, маслаҳатлар беради. Саволларга жавоб, топшириқлар бериб, уларнинг бажарилишини текширади, зарурий ҳолларда материални пухта ўзлаштириши учун қўшимча материаллар беради, яъни ўқитувчи ўқитишнинг фаол муҳитини яратади. Бу муҳит ундан билим ва малакаларини доимий такомиллаштиришни талаб этади. Шунингдек, ўқитувчи ўзининг курси бўйича янгиликларини ҳисобга олиб, мунтазам равишда, уни янгилаб бориши керак.



Талаба – ўзининг билимларини оширишга эҳтиёж сезган ёки маълум билимлар олмоқчи бўлган шахс. Интерактивлик ва индивидуаллик унга материалларни ўз талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўзлаштириши имконини беради. Ўқитишнинг масофавийлиги таълим олишни оммабоп ва қулай қилади. Талаба ўқув материаллари билан мустақил ишлаш, топшириқларни бажариши, ўқитувчи ва талабалардан маслаҳатлар олиши имкониятига эга бўлади. У таълим олиши муҳити тўғрисида электрон форум (анжуман)ларда талаба ва эксперт сифатида қатнашиши мумкин бўлади.

Ўқитувчи талабага ва талаба ўқитувчига ҳамда талаба талабага тўғридан-тўғри муурожаат қилади.



Мулоқот (коммуникация) – бу ўқитувчи билан талаба ҳамда талабанинг талабалар билан алоқаси, диалогидир. Бу алоқа ўқитиш жараёнини ташиқил этади.

Муурожаат, яъни мулоқот e-mail, форум, телефон, видеоконференция, чат ва юзма-юз амалга оширилиши мумкин. Юзма-юз учрашув талаба ва ўқитувчи имкониятларига боғлиқ бўлишини ҳисобга олиш зарур. Юзма-юз учрашув камдан-кам ҳолларда юз беради. Саволлар учун виртуал аудитория - форумдан фойдаланган мақсадга мувофиқ. Натижада талабалар тажриба ва билимлари билан алмашиш имкониятига эга бўлади.



Форум – электрон почта ва Internet ёрдамидаги семинар. Ўқитувчи танишиб чиқиш учун материал, савол ёки муҳокама учун мавзу беради. Талаба материал билан танишади ва саволга жавоб беради, хулоса қилади. Муҳокамада ҳар бир талаба иштирок этади, тортишув (баҳс, мунозара) натижасида тўғри жавоб ёки хулоса олади, у талаба олган билимларни мустаққамлашга хизмат қилади. Ўқитувчи мунозаранинг тўғри бораётганлигини назорат қилиб боради ва баҳсга якун ясайди.

- Ўқиш муддати курсга боғлиқ. Ойлик ва йиллик курслар мавжуд. Йиллик курсда қишқи ва баҳорги семестрлар бўлади. Талаба ўқиш давомида курсни ўтиши, имтиҳон ва тестларни топирилиши, мақола ёки диссертация ёзиши керак бўлади. Агар топириқ ёки диссертация талабга жавоб бермаса, у ҳолда талабага уни қайта тайёрлаш ҳамда қайта кўриб чиқишлари учун тақдим этишга имконият берилади. Талабанинг баҳоси мезонлар билан ўлчанади, масалан, қуйидаги:
 - Тадқиқот малакаси – 50%,
 - Мавзулар бўйича таҳлил натижалари – 30%,
 - Электрон форум (анжуман)ларда иштироки – 20%.

Талаба натижалари ўқитувчи томонидан мунтазам равишда баҳоланади. Баҳолар фақатгина талабага тақдим этилади. Ўқитувчи топириқ бўйича тавсияларни тўғридан-тўғри та-

лабага юборади. Форум бўлимида ўқитувчи ва курсдошлар билан курс материалларини, топшириқларни муҳокама қилиши мумкин. Жами баҳолар натижасида талаба сертификат ёки диплом олиш имконига эга бўлади.



Агар талаба бирор сабабга кўра ўқий олмаса, бу ҳақда ўқитувчига хабар бериши лозим. Бундай ҳолда ўқитувчи талабага индивидуал жадвал асосида ўқишга имкон яратади.



Талаба курсни тугатгандан сўнг сертификат ёки диплом одатдаги почта орқали талаба манзилига юборилади. Электрон нусха электрон почта орқали ёки тизимдан талабага жўнатилади.

Масофадан ўқитиш нархи

Курснинг тўлов миқдори таълим муассасаси томонидан белгиланади. Тингловчи қуйидаги қўшимча тўловларни ўз зиммасига олади:

- Компьютер ва Интернет учун харажатлар.
- Китоблар ва дастурий таъминот учун харажатлар.
- Ўқув модуллер учун тўловлар.

Баъзи масофадан ўқитиш курслари ўқув модуллер учун тўловларни курс нархига киритади.

Курс материалари билан ишлаш тартиби

Электрон таълимда курс материаллари қуйидагилардан ташкил топиши мумкин:

- Дарсликлар
- Модуллер
- Аудио ва видеоматериаллар
- Мультимедиа
- Тақдимотлар ва бошқалар.

Дарсликлар – курс ҳақида тўлиқ маълумот, мавзулар бўйича маълумотлар, саволлар, тестлар, адабиётлар ва ресурслар, шунингдек, қўшимча маълумотлар жамланган босма материал.

Модуллер – бирор мавзуга оид маълумотларни мужассамлаган материал. Модуль мавзу бўйича маълумотларни, савол, эслатмаларни ва ресурсларни ўз ичига олади.

Аудио ва видео материаллар – аудио материаллар кўпроқ тилларни ўрганишда қўлланилади. Шу билан бирга, маърузалар эшитишда қулай. Видео материаллар турли мавзудаги материалларини баён қилишда амалий жиҳатдан қулай. Видео материаллар хорижий тилларни ўрганишда, янги технологиялар билан танишиш, бизнес жараёнларни ўрганиш учун қулай. Аудио ва видео материаллар фойдаланишга жуда қулай. Ҳозирги кунда телефон ёрдамида улар билан ихтиёрий жойда ишлаш мумкин.

Мультимедиа дарслик – бу ўқиш, эшитиш ва кўриш имконини берувчи дарсликдир. Мультимедиа ахборотни матн, расмлар, аудио ва видео тасвирлар орқали ифодалайди. «Мультимедиа» лотинча сўз бўлиб, катта ҳажмдаги ахборот маъносини англатади.

Тақдимотлар – матн, расм, аудио ва видео лавҳалардан ташкил топган слайдлар тўпламидир. У бирор бир мавзу, лойиҳа, технология ва бошқа маълумотларни намойиш этиш учун фойдаланилади. Тақдимотлар интерактив бўлиши мумкин. Улардан фойдаланиш жуда қулайдир.



Шу билан бирга, ресурслар, луғатлар, энциклопедиялар, глоссарийлар ҳам курс материалларига киритилган бўлиши мумкин. Улардан ҳам фойдаланиш мавзу бўйича малакани мустаҳкамлайди.

Шундай қилиб, ўқиш тартиби билан танишдик. Энди масофавий курсларни қидириш зарурати туғилади. Қуйида баъзи он-лайн курслар рўйхатини келтирамиз. Кейинги параграфда эса электрон кутубхоналар билан танишамиз.

6.4. Электрон кутубхоналардан фойдаланиш тартиби

Ушбу бўлимда электрон кутубхона билан ишлаш учун зарур ва етарли маълумотлар келтирилади. У қуйидагиларни ўз ичига олади: электрон кутубхона нима, электрон кутубхона имкониятлари, электрон кутубхонада, ахборот қандай топилади, кутубхонага кириш тартиби ва хизматлари тавсифи, виртуал кутубхона хизматлари, хизмат учун буюртма бериш тартиби ҳақида сўз юритилади. Айрим электрон кутубхоналарнинг манзили ва тавсифи келтирилган.

Электрон кутубхона нима?

Электрон кутубхона реал мавжуд кутубхонанинг электрон аналогидир. Бошқача айтганда – бу маълумотларнинг ахборот базаси махсус компьютерларда рақамли форматда сақланади. Электрон кутубхона ҳақиқий кутубхонага қараганда, бир қанча афзалликларга ва имкониятларга эга. Унинг афзалликлари:

- Жой тежалади.
- Хизматлар қулайлиги ва қўплиги.
- Қулай ва тезкор қидирув тизимининг мавжудлиги.
- Чекланмаган ҳажмдаги ахборотдан ташкил топганлиги, чунки у ички ва ташқи (Интернет) маълумотлар базасини иноватга олади.
- Ахборотнинг сифатли тақдим этилиши, чунки у аудио, видео материаллар, компьютер анимацияси ва бошқаларни ўзида жамлаб олади.



Электрон кутубхона умуман қандай қўринишда бўлади? Бу кутубхонанинг катта-кичиклигига қараб, ўзаро бир тармоққа уланган бир ёки бир неча компьютернинг хотирасида жойлашган маълумотларнинг ахборот базасидир. Ушбу ахборот база маълумотлари, шунингдек, дискларда ва бошқа жамловчи қурилмаларда сақланиши мумкин.

Электрон кутубхона турли хил ахборотларни: китоблар, газеталар, журналлар, моноскриптлар, аудио, видео, расмлар галереяси, илмий мақола ва диссертациялар, янгиликларни ўзида жамлайди.

Электрон кутубхоналар ҳар хил номлар билан аталади:

- Electronic Library – Электрон кутубхона
- Digital Library – Рақамли кутубхона
- On-Line Library – On-Line кутубхона
- Virtual Library – Виртуал кутубхона

Виртуал кутубхона

Виртуал кутубхона қуйидаги имкониятларга эга:

- Ихтиёрий: матн, аудио, видео, график типдаги материалларнинг мавжудлиги.
- Аналитик ахборотнинг мавжудлиги.
- Каталогларнинг мавжудлиги.
- Ноёб китоб ва ишларни сақлаш мумкинлиги.
- Тез ва қулай қидирув тизимининг мавжудлиги.
- Ахборотнинг мавзуси, муаллифи ва мазмуни бўйича тезда топиш имконияти.
- Фойдали тавсиялар, йўриқномалар ва маслаҳатларнинг мавжудлиги.
- Маълумотларни тезда саралаш хизматининг мавжудлиги.
- Архивларнинг мавжудлиги.

Виртуал кутубхонадан фойдаланиш учун Интернетга боғланиб, кутубхона саҳифасини очиш етарли. Одатда, кутубхона бепул фойдаланиш мумкин бўлган каттагина маълумотларга эга. Кутубхонанинг қисқача тавсифи келтирилган бўлади, зарур ҳолларда, материалга буюртма бериш мумкин. Буюртма шакли кўрсатилади. Айрим ҳолларда, кутубхонанинг китобхони бўлишингиз учун аввал рўйхатдан ўтиб, унга аъзо бўлишингиз керак. Баъзи электрон кутубхоналарнинг манзиллари ва тавсифи қуйида келтирилади.

Виртуал кутубхона қидирув тизими ҳақида

Одатда, виртуал кутубхона каталоглар ва қидирув тизимига эга бўлади:

Мавзу каталоги – маълумотлар мавзу бўйича ажратилади, масалан, таълим, бизнес, спорт ва ҳоказо.

Алфавит каталоги – маълумотлар алифбо тартибида жойлаштирилади.

Қидирув тизими сўз ёки ибора орқали керакли ахборотни топиш имконини беради. Муаллифнинг номи ёки мавзунини кўрсатиш мумкин. Тўлиқ ахборот тезкор ва аниқ натижа беради.

Хизматлар ҳақида

Электрон кутубхонада турли хизматлар кўрсатилади. Кутубхона фойдаланувчиси ушбу хизматлардан 24 соат давомида фойдаланиш имкониятига эга. Электрон кутубхона қуйидаги хизматларни кўрсатади:

- Кутубхона ахборотлар жамғармасидаги маълумотлардан фойдаланиш.
- Қидирув тизими ёрдамида зарур маълумотларни тезда топиш.
- Электрон кутубхона каталог тизимидан фойдаланиш.
- Кутубхона янги ахборотлари ҳақида хабарлар бериш.
- Кутубхона асосий фондидаги маълумотларга буюртма бериш.
- Маълумотларни тезроқ топишда маслаҳатлар ва ёрдам бериш.
- Мавзу бўйича маълумотни топиш, тўплаш ва саралаш бўйича буюртма олиш.
- Маълумотлар ёки ҳужжатлар нусхасини дискларга ёзиш.
- Мавзу бўйича тематик ахборотномалар бериш.
- Интерактив маслаҳат бериш ва ҳоказо.

Кутубхонада ресурсларнинг алифбо ва предмет каталоглари, бошқа кутубхоналар каталоги, давлат ҳужжатлари ҳақида маълумотлар, журнал, диссертациялар рўйхати ва ҳоказолар мавжуд.

Буюртма учун махсус ариза мавжуд бўлиб, унда сўров ҳақида маълумот тўлиқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Электрон кутубхона маслаҳатчилари билан он-лайнда мулоқот қилиш мумкин. Уларга саволлар билан мурожаат этиш мумкин.

Ахборот маркази маълумотларга етакчилик қилиш ва янгилаб туриш, аудио ва видео материалларга тушган буюртмаларни бажариш билан шуғулланади.

Бирор китоб ёки ҳужжатга буюртма бериш учун ариза шаклидан фойдаланиш зарур. Агар буюртмада берилган адабиёт топилмаган ҳолларда кутубхона фойдали тавсиялар беради.

Масалан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси он-лайн хизматидан кутубхона қайд рақами (ID) ёрдамида фойдаланиш мумкин. Зарур ҳолларда, кутубхонага ёрдам сўраб, сўров билан мурожаат этиш мумкин.

Қуйида мисол тариқасида, баъзи электрон кутубхоналар тавсифини келтирамиз.

<http://www.natlib.uz/> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

www.dDilib.uz – Ўзбекистон электрон илмий-техник кутубхонаси. Ушбу кутубхона китобхонларга электрон илмий-техник нашрларга, тарихий, аудит ва иқтисод, чет эл адабиётларига, энциклопедия ва луғатлардан фойдаланишга имкон беради.

www.vlib.org – WWW виртуал кутубхонаси

WWW виртуал кутубхонасида турли мавзуларга тегишли маълумотлар: қишлоқ хўжалиги, иқтисод ва бизнес, компьютер технологиялари, алоқа, медиа ва журналистика, таълим, ҳуқуқ, фан ва бошқалар бор. Кутубхона ўз бўлимларига эга. Кутубхонада алифбо ва атама сўзлар бўйича қидирув тизими ишлайди.

6.5. Масофадан ўқиш курслари рўйхати

Қуйида баъзи масофавий таълим курслари рўйхатини келтирамиз:

<http://avloniymtk.uz/> – Абдулла Авлоний номидаги Халқ Таълими Ходимларини Қайта Тайёрлаш ва Малакасини Ошириш Марказий Институтининг Масофадан ўқитишни ривожлантириш маркази 20дан ортиқ он-лайн курсларни жорий этган. Ушбу курслар ўқитувчилар томонидан унумли фойдаланилмоқда.

http://www.study-uzbektourism.uz/#ru/content/on_line/ –



«Ўзбектуризм» Республика илмий-ўқув маслаҳат маркази масофадан ўқитиш курслари.

«Ўзбектуризм» Республика илмий-ўқув маслаҳат маркази қўйидаги

мутахассисликлар бўйича масофадан ўқитишни амалга оширади: гид экскурсиячи, туристик корхона раҳбари. Ушбу курслар жадвали, материаллари ҳақида маълумот марказ саҳифасида келтирилган. Курс бўйича саволлар билан саҳифадаги манзил орқали мурожаат этиш мумкин. Расмда ушбу саҳифа кўриниши берилган.

<http://buhshkola.uz/> – «Норма» корхонаси масофадан ўқитиш тизими саҳифаси.

«Норма» корхонаси масофадан ўқитиш тизимида бир неча молия ва бухгалтерияга оид он-лайн курслар олиб борилади. Курслар масалан, «Бугалтерия ҳисобига кириш», «Бугалтерия ҳисоби асослари» курслари ўзбек тилида ҳам олиб борилади. Курс рўйхати курс ҳақидаги маълумот билан батафсил берилган бўлиб, у билан қўйидаги саҳифада танишиш мумкин.



Курслар амалиётчи ўқитувчилар томонидан олиб борилади. Курс нафақат корхонанинг ҳисоб-китобини юритишга қизиққан шахсларга, балки корхона раҳбарларига,

“қачондир мен ҳам ўз бизнесимни очаман” деган тадбиркорларга ҳам фойдалидир. Маълумотлар мавзу мазмун-моҳияти жиҳатидан мураккаб бўлсада, улар содда шаклда баён этилган.

www.dlm.uz – Бозор иқтисодиёти малакасини ривожлантириш маркази масофадан ўқитиш тизими саҳифаси.



Бозор иқтисодиёти малакасини ривожлантириш маркази масофадан ўқитиш тизими 2012 йилда яратилди. Ушбу марказ тадбиркорлар учун таълим курсларини амал-

га оширади. Қуйидаги курслар масофадан ўқитилади: «Таълим хизматлари маркетинги», «Замонавий шароитда одам ресурслари бошқаруви» кабилардир. Ушбу курслар ҳақида маълумот қуйидаги саҳифада берилган.

Барча курслар рўйхати билан қуйидаги манзилда танишиш мумкин – http://dlm.uz/?page_id=7.

www.dl.uz – Масофадан ўқитиш таълимига бағишланган сайт. У Ўзбекистондаги масофадан ўқитишга бағишланган илк саҳифалардан бўлиб, унда масофавий таълим технологияси, муаллифлик ҳимояси, замонавий дарс каби он-лайн курслар мавжуд. Турли таълимга оид мавзулар бўйича курсларни қўшиш имконияти мавжуд. Мавзу танлаш ва форумдаги муҳокамаларда иштирок этиш мумкин.

www.wcd.vcu.edu - Virginia Commonwealth University (VCU)нинг online курслари.

Сайтдаги курслар рўйхати анчагина, масофавий таълимнинг фаол курслари яшил белги билан кўрсатилган. Улардан баъзиларини келтирамиз:

- Adult Education
- Allied Health Professions
- Computer Technology
- Business
- Health Administration ва бошқалар

www.california.edu/UOnline - University of California On-Line Courses. Куйидаги фанлар бўйича 400дан ортиқ On-Line курслар мавжуд:

- **Business**
- **Area, Ethnic and Cultural Studies**
- **Science/Life Science**
- **Computer and Information Science**
- **Engineering-Related Technologies**
- **Public Administration and Services ва бошқалар.**

<http://www.petersons.com/online-schools.aspx> – Peterson's On-lineSchools. Масофадан ўқитиш курсларининг энг йирик тўпламидир. Унда он-лайн ўқиш тартиблари, он-лайн курсларни танлаш ва ўқиш бўйича батафсил тавсиялар берилади. Масофавий таълим курслари бўйича қидирув тизими мавжуд. Тест топшириш имкониятлари мавжуд.

6.6. Масофадан таълимни ташкил қилиш бўйича тавсиялар


Ўқитиш бу турининг тарафдорлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу бир томондан, давлат ташкилотлари, иккинчи томондан, хусусий сектордир. Йирик корпорациялар бу технологияга катта маблағ ажратмоқдалар. Маълумки, таълим ишлаб чиқаришнинг асосий омилларидан биридир. Илмий-техника тараққиёти жуда тез юксалмоқда. Янгидан-янги технологиялар пайдо бўлмоқда. Корхоналар иқтисоднинг барқарорлиги ва тараққиёти учун янги технологияларни жорий этишга мажбур. Улар кадрларни қайта тайёрлашга ҳам етарлича эътибор бермоқдалар. Агар илгарилари ҳар 5 йилда бир марта қайта тайёргарликдан ўтиш етарли бўлган бўлса, бугунги кунда бу муддат сезиларли даражада қисқарди. Шунинг учун корхоналар ҳам масофадан таълимнинг ривожидан манфаатдордир.

Бу икки сектор жорий этиш вақтини тежаш, юқори сифатни сақлаб қолиш ва молиявий чеклаш шартларида кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш самарадорлигини ошириш эҳтиёжига эга. Таълим муассасалари мавжуд таълим имкониятларида янги даромад манбаларига муҳтождир, айти пайтда таълимнинг корпоратив университетлари таълим материаллари ва хизматлари (мультимедиа

курслар, қўлланмалар, йўриқномалар ва буюртма асосидаги курслар, маслаҳатлар ва бошқалар) нинг катта бозорига киришлари лозим.

Ахборот ва билим тез ўзгарувчан бўлиб борапти, шу сабабли ҳам доимо таълим олиш ва касбий маҳоратни ошириш долзарб бўлиб ҳисобланади. Рақобатбардош бўлиш учун ходимларнинг катта қисмини тезроқ ва илгаригига қараганда, тез-тез ўқитиш ва ма-лакасини ошириш кераклигини кўпчилик тушуниб қолди.

Масофавий ўқитишни мунтазам равишда, ташкил этиш мумкин. Ходимлар гуруҳи бир пайтда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Бунда ходимлар ўқиш давомида иш фаолиятига оид тажрибалари оширадилар. Ўқитувчи раҳбарлигида ҳар хил сценарийлар учун ечимларни топадилар.



Одатдаги маърузада тингловчи пасив тингловчидир. Масофавий ўқитишда эса у фаол тингловчига айланади. Ҳар бир савол тингловчидан жавоб талаб қилади. Тингловчи бир вақтнинг ўзида ҳам талаба, ҳам эксперт вазифасини бажаради.

Тингловчи аудитория экспертлардан иборат эканлигини ҳис этади ва улар билан ўзаро мулоқотда бўлади. Агар технология етарли даражада мукаммаллаштирилса, масофавий таълим билимларни етказиб бериш ҳарёнини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Хуллас, технология мослашувчан бўлиши керак, ўзгаришларга таъсирчан бўлиб, мукаммаллашуви, харидор ва бозорнинг талабларини ҳисобга олмоғи даркор.

Ўзбекистонда масофавий таълимни жорий этиш республика фуқароларига ихтиёрий таълим муассасасида ўз хоҳишига кўра таълим олиш ва маълумотли бўлиш имконини беради. Бу аҳо-

ротлаштириш ва коммуникация соҳаларида тараққиётга, бутун дунёда интеграцион алоқаларнинг чуқурлашувига олиб келади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ахборот технологиялари жадал ривожланмоқда ва бу ўз аксини таълим тизимида ҳам топмоқда. Бугунги кунда “виртуал” сўзи воқеликка айланиб қолди. Виртуал кутубхоналар, электрон китоб ва каталоглар, виртуал дўкон ва савдо шаҳобчалари пайдо бўлмоқда.

Республикада масофавий таълимни ривожлантириш учун етарли шарт-шароитлар яратилган, мультимедиа ва видео-дарсликлар яратиш, видеоконференциялар уюштириш бўйича база яратилган ҳамда бир қатор лойиҳа ишлари олиб борилмоқда. Бунга давлат ва хусусий ташкилотларда қизиқиш катта.

**Топшириқ:**

Интернетдан тадбиркорлар учун маҳаллий масофадан ўқитиш курсларини топинг.

Курслар тавсифи ва ўқиш тартиби билан танишинг.

Сизни қизиқтирган курслар бўйича маълумот олиш учун курс администратори ёки раҳбарига сўров юборинг.

Адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 137-сон, 1999 йил 26 март.
2. Указ Президента Республики Узбекистан “О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий” (30 мая 2002 г. № УП-3080)
3. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрь 560-II-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
4. “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳоқимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 181-сон, 2007 йил 23 август.
5. “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 259-сон, 2007 йил 17 декабрь.
6. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2012-yil 30-dekabrdaagi “Interaktiv davlat xizmatlari ko‘rsatishni hisobga olgan holda Internet tarmog‘ida O‘zbekiston Respublikasining Hukumat portalini faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 378-son qarori.
7. “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида” низоми.
8. “Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисида” низоми.
9. Тадбиркорлар учун компьютер. Компьютердан бизнесда қандай қилиб, унумли фойдаланиш мумкин. Қўлланма, – Тошкент, 2010.

10. *Тадбиркорлар учун Интернет. Қўлланма, – Тошкент, 2012.*
11. *Нехаев С. А., Кривошей Н. В. Основные понятия прикладной интернет-етики, Москва, 2001*
12. *Александр Сучков, Маъруфа Азизова. Қизиқарли фактлар. Бутун жаҳон ўргимчак тўри. Интернет ва доменлар тарихидан. – www.infocot.uz*
13. *Раҳмонқулова С. И. Масофадан ўқитиш технологияси. Тошкент 2001, 144 б., расмлар.*
14. *Раҳмонқулова С. И. Таълимда ахборот коммуникацион технологиялар. Ахборот ресурс маркази. Қўлланма. Тошкент 2008. 160 б.*
15. *Қосимов С. С. Ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма. – Тошкент. Алоқачи, 2006, 370 бет.*
16. *Азиза Умарова. Административная реформа для эффективного внедрения электронного правительства. ПРООН, Презентация на ИКТ Саммит, 23 сентября, 2014.*
17. *Cyber. Gov. E=Government for the people. Huawei Technologies Co. , Ltd. 2013.*
18. *www.gov.uz*
19. *www.egovernment.uz*
20. *www.mygov.uz*
21. *http://ict.gov.uz*
22. *http://lex.uz*
23. *www.internetworldstats.com*
24. *http://xushnudbek.uz/yagona-portal*
25. *http://www.active.uz/ru-uz/services/cloudserver*

Илова

1-илова. Лўғат

А	
Абонент/Абонент/ Subscriber	Интернет хизматидан фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс.
Авторизация/Авторизация/Authorization	Фойдаланувчига Интернет ёки маълумотларни қайта ишлаш тизимларидан фойдаланиш ваколати берилиши.
Адрес/Адрес/Address	Манзил, файлнинг компьютерда, тизимли қурилмаларда, тармоқда ёки ихтиёрий маълумотлар манбасида жойини кўрсатувчи ягона код ёки рақам.
Б	
Бет/Страница/Page	Браузер ёрдамида очиш ва кўриш мумкин бўлган уникал манзилли ҳужжат. Одатда у матнли, графикли, овозли, видео ва анимацияли, гиперкўрсаткичли маълумотларга эга бўлган ҳужжатдир.
Бизнес-ечим/Бизнес решение/Businesssolutions	Фаолияти Интернет технологиялар (порталлар, Интернет-оммавий ахборот воситалари, электрон дўконлар, электрон аукционлар ва бошқалар)га асосланган тизим.
Бош саҳифа/Главная страница/Homepage	Браузер дастури саҳифани экранга чақирганда ҳосил бўладиган бош саҳифа. Одатда бош саҳифа дарвоза вазифасини бажаради.
В	
Веб-сайт/ Веб-сайт/Web site	Мазмун бўйича жамланган веб-саҳифалар мажмуи.
Видеоконференция/Видеоконференция/Videoconferencing	Узоқлашган гуруҳлараро йиғилиш ва мунозараларни Интернетда тасвирлар намоийиши асосида ташкил этиш технологиясидир. Узатилаётган маълумотлар видеомаълумот, график, файл ва иловалардан ташкил этилиши мумкин. Бу технология конференция қатнашчиларига реал вақтда эшитиш, кўриш ва ҳамкорлик қилиш имкониятларини яратади.

Г	
Гипермедиа/Гипермедиа/ Hypermedia	Гипермухит. Ихтиёрий турдаги маълумотларни бир-бирига боғлиқ бўлимлар шаклида тасвирлаш технологияси. Иловалар ёрдамида тармоқлараро маълумотларни рақамли тасвирлаш усули. Маълумотлар матн, график, овозли ёзув, мультипликация, расм ёки бажариладиган хужжат шаклида кўрсатилиши мумкин.
Гиперкўрсаткич/Гиперссылка/Hypertext	Хужжатдаги матннинг бирор қисмига ёки бошқа хужжатга боғлиқликни кўрсатувчи илова.
Горизонтал портал/ Горизонтальный портал/ Horisontalportal	Горизонтал портал умумий характердаги турли хизматларни таклиф қилувчи веб-саҳифа.
Д	
Домен/Домен/Domain	Интернетда маълумотлар саҳифаларда жойлашади. Ҳар бир саҳифа ўз номига эга. У DNS (Domain Name Service) деб аталади. Қисқача домен маъносини англатади. Доменлар ёрдамида Интернетда файллар тизими тартиблаштирилади. Домен бир неча доменлардан ташкил топиши мумкин. Доменлар биринчи, иккинчи ва учинчи даражали бўлади.
И	
Ижтимоий тармоқлар/ социальные сети/ Social networks	Интернетнинг мулоқот қилиш учун имкониятаридан биридир. Интернетда қизиқиш ва дунёқараш асосида одамларни топиш имконияти мавжуд. Тармоқ орқали улар билан мулоқот қилиш ва тажриба алмашиш мумкин.
Интернет-дўкон(раста)/ Интернет-дўкон/ Internet-shop	Етказиб беришни ҳисобга олган ҳолда, харидорга (юридик шахс ёки жисмоний шахс) тўғридан-тўғри молни сотиш амалга ошириладиган Интернетдаги жой. Харидорлар учун ахборот, буюртма қабул қилиш ва сотиш Интернет дўкон саҳифасида амалга оширилади.
Интернет хизмати/ Интернет сервис/ Internetservice	Интернет объектларига хизмат қилиш жараёни. Хизмат турли фойдаланувчиларга кўрсатилади. Энг кенг тарқалган хизматлар: маълумотларни сақлаш ва узатиш, овозли ва электрон почта, конференция, видеосервис.

К	
Кўча Интернет/ Мобильный Интернет/ MobileInternet	WAP протоколи асосида Интернетга сим-сиз уланиш технологияси.
Криптография/ Криптография/ Cryptography	Химоялаш, махфийлаш мақсадида маълумотлар шаклини ўзгартириш усули. Бу маълумотларни бошқалардан химоя қилишнинг муҳим асосларидан биридир. Бу махфий маълумотлар билан ишловчи бошқарма, корхона ва компанияларга жуда зарурдир.
М	
Мазмун/Контент/Content	Сервердаги ихтиёрий маълумотлар: матн, графика, мультимедиа, анимация. Сахифалар гиперматнлар ёрдамида ташкил этилади.
Масофавий таълим/ Дистанционное образование/ Distance education	Бу масофавий ўқитиш усуллари қўлланган ҳолда, кенг халқ оммасига кўрсатиладиган замонавий таълим хизматлари мажмуасидир.
О	
Обуна янгиликлари/ Новостные рассылки/ Maillists	Интернетнинг хусусий протоколига эга бўлмаган электрон почта ёрдамида ишлайдиган энг оддий хизмат туридир. У барча обуначиларга хабарларни битта электрон манзил орқали узатади.
Он-лайн курс/ Он-лайн курс/ On Line course	Аниқ бир мавзудаги реал вақтда доимо ишлаш мумкин бўлган Интернетдаги курс. Масофадан ўқитишнинг асосий қулай элементларидан биридир.
Он-лайн технология/ Он-лайн технология/ On line	Реал вақтдаги доимий боғланиш. Ахборот фазодаги маълумотлар коммуникациясини амалга ошириш усули. Бунга чат, форум, аудио ва видеоконференция мисол бўла олади.
Офф-лайн технология/ Офф-лайн технология/ Off line	Маълумотларни қабул қилиш ва узатиш учун боғланиш усули. Бу коммуникациянинг асинхрон усулидир. Бунга обуна рўйхатлари, янгиликлар обунаси, электрон форумлар мисол бўла олади.

П	
Пароль/Пароль/Password	Тизимга кириш учун ҳарф, белги ва рақамлардан иборат код.
Портал/Портал/Portal	Портал – бу дарвозадир. Баъзилар портални турли-туман маълумотларга эга бўлган сервер деб ҳисоблайдилар. Портал - бу фойдаланувчини қулай усулда маълумотлар билан таъминловчи саҳифадир.
С	
Сервер/Сервер/Server	Тармоқни бошқариш вазифасини бажарувчи ҳамда маълумотларни олиш бўйича сўровларни мувофиқлаштирувчи компьютер.
Спам/Спам/Spam	Зарурати бўлмаган тижорат ва реклама ахборотларидан ташкил топган хатлар.
Т	
Телетиббиёт/ Телетиббиёт/ Telemedicine	Тиббиёт соҳасида Интернет орқали тажриба алмашиш, консультация олиш ва бериш, даволаш имкониятидир.
Трейдер/Трейдер/ Троллинг/Троллинг/ Trolling	Троллинг – бу Интернетда мулоқот қилинишига ҳалақит бериш, яъни мулоқот қатнашчиларини чалғитувчи мақола ва хабарлар ёрдамида ўзаро низоларни яратишдан иборат. Ушбу мақолалар троллар деб аталади.
Ф	
Фойдаланувчи номи/ Имя пользователя/ User name	Фойдаланувчининг тизимда рўйхатга олинган номи.
Х	
Хост/Хост/Host	Турли ресурслар: модем, факс-модем, компьютер, саҳифаларга ва бошқаларга бош, раҳбар бўлган марказий компьютер (Сервер).
HTML (Hypertextmarkuplan- guage)	WWW ва бошқа тармоқларда жойлаштириш учун гиперматнли ва кўрсаткичли ҳужжатларни яратишда ишлатиладиган тил.

Ч	
Чат/Чат/Chat	Реал вақтдаги мулоқот. Бу атама интерактив конференцияларда ишлатилади.
Х	
Химояланганлик/ Безопасность/ Security	Ахборот ёки тизимнинг химояланганлиги. Ресурсларнинг ва тизимнинг ноқонуний фойдаланишини назорат қилувчи воситалар.
Э	
Электрон имзо/ Электронная подпись/ Electronic digital signature	Жисмоний шахс имзосининг символлар мажмуи шаклидаги криптографик ўзгартириш ёрдамида яратилган аналог.
Электрон кутубхона/ Электронная библиотека/ e-library	Виртуал кутубхона реал мавжуд кутубхонанинг абстракт аналогидир. Бошқача айтганда – бу маълумотларнинг ахборот базаси бўлиб, у махсус қурилмалар (дисклар, кичик картрижлар ва бошқалар) да рақамли форматда сақланади. Унинг қуйидаги номлари мавжуд: виртуал кутубхона (virtuallibrary), рақамли кутубхона (digitallibrary), он-лайн кутубхона (on-linelibrary), электрон кутубхона (e-library).
Электрон манзил/ Электронная почта/ Electronic mail	Электрон хабарлар ёки ҳужжатларни фойдаланувчилар ўртасида узатиш технологияси.
Электрон тижорат/ Электронная коммерция/ Electronic commerce	Ахборот технологияси воситасида амалга ошириладиган бизнес модели.
Электрон эълонлар растаси/ Доска электронных объявлений/ Bulletin board system	Телеконференциянинг хусусий шаклларида бири. Унда одатда турли эълон ва маълумотлар ахборот бериш учун берилади.
Ю	
Юқори тезликда узатиш канал/ широкополосный канал/ broadband channel	Маълумотларни юқори тезликда узатишни таъминловчи жисмоний канал. Юқори тезликда узатиш каналлари коаксал кабеллар, радиоканаллар ва оптик каналлар асосида яратилади.

2-илова. Ҳойдали Веб-саҳифалар манзили ва изохӣ

Веб-ресурслар турлари кенгайиб ва кўпайиб бормоқда. Ҳар со- нияда уларнинг сони кўпайиб бормоқда. Бу саҳифалар турли- туман ахборотлар, билимлар, янгиликлар, тавсиялар ва бошқа қизиқарли маълумотларни ёритади.

Ўзбекистон Интернет ресурслари жадаллик билан бойиб бормоқда. Янги маълумотга бой саҳифалар яратилмоқда, мавжуд саҳифалар қизиқарли ва зарур маълумотлар билан бойитилмоқда.

UZINFOCOM маркази маълумотларига асосан Uz. доменлари- нинг қайд қилиниши жадал равишда ўсиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 18 мингдан ошди. Қуйидаги диаграммада буни кузатиш мумкин (www.uzinfocom.uz):



Қуйида тадбиркорлар учун ғойдали ва қизиқарли бўлган саҳифалар рўйхати ва қисқача тавсифини келтирамиз.

- www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати расмий портали.

Унда фуқаролар, тадбиркорлар ва сармоядорлар, чет эл фуқаролари учун зарур бўлган янгиликлар, таълим, иқтисод, жамият, маданият ва туризмга оид ҳамда бошқа зарур маълумотлар батафсил келтирилган. Порталда давлат ҳоқимияти,

давлат органлари ва давлат хизматлари ҳақида маълумот олиш ҳамда уларга мурожаат этиш мумкин. Порталда маълумотлар доимий равишда янгиланиб туради.

Зарур ҳолда, порталга савол билан мурожаат этиш мумкин. Портал ягона интерактив хизмати фойдаланувчилари сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Интерактив хизмат реестри батафсил рўйхати порталда келтирилган. Савол билан мурожаат этиш учун қайта алоқа хизматидан фойдаланиш зарур.

- **www.my.gov.uz** – Ягона интерактив давлат хизматлари порталнинг мақсади фуқароларга интерактив давлат хизматларини кўрсатишдир. Ягона портал замонавий технология ёрдамида фойдаланувчининг интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун мўлжалланган.
- **www.ccitt.uz** – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги саҳифаси. Унда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларига оид янгиликлар, қонун ва



хужжатлар, нашрлар ва давлат дастурлари ҳақида батафсил маълумот келтирилади. Вазирлик фаолиятига оид тўла маълумот келтирилади. Шу жумладан, лойиҳалар, ахборот технологиялари, почта хизмати, электрон ҳукумат, халқаро алоқалар, он-лайн хизматлар ва АКТга оид охириги кўрсаткичлар келтирилган. Фуқаролар учун саволлар билан офф-лайн ва он-лайн мурожаат қилиш имкониятлари мавжуд.

- **www.uztelecom.uz** – Ўзбекистон Миллий оператори расмий веб-саҳифаси. Унда компанияга, унинг хизматларига оид маълумотлар батафсил келтирилади. Интерактив боғланиш хизмати мавжуд.

- **www.mtrk.uz** - Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси




веб-саҳифаси. Унда дастурлар мазмуни, янгиликлар ва кўрсатувлар ҳақида тўла маълумотлар билан тани-

шиш мумкин. Кўрсатувларни ва радиоэшиттиришларни он-лайн намоиши мавжуд. Видеоархивда янгиликлар ва баъзи кўрсатувлар архиви келтирилади. Зарур видеони рўйхатдан топиб, уни кўриш ёки намоиш эттириш мумкин.

- **www.soliq.uz** – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси саҳифаси. Юридик ва жисмоний шахслар учун солиқ бўйича маълумотлар жойлашган. Сайтда қўмита фаолияти ҳақида, меъёрий ҳужжатлар тўплами, янгиликлар, тавсиялар ва маслаҳатлар мавжуд. Бухгалтерия курслари рўйхати ва ўқиш жадваллари келтирилган. Савол ва сўровлар бўйича он-лайн мурожаат қилиш хизмати мавжуд.

- **www.customs.uz** - Ўзбекистон Республикаси Давлат Бож-



хона қўмитаси саҳифаси. Унда фуқаролар учун ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун янгиликлар, фойдали ахборотлар, норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлар, медиатека ва фойдали ресурслар келтирилади. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва жисмоний шахслар божхона органлари фаолиятига доир саволлар билан саҳифа ёки форум орқали мурожаат этиши мумкин.

-
- The screenshot shows a web browser window with the address bar displaying 'www.kelasmatematika.com'. The page layout includes a top navigation bar with links like 'Home', 'About Us', 'Contact Us', 'Gallery', 'Blog', 'Category', 'Tag', 'Archives', 'Sitemap', and 'Privacy Policy'. Below this is a sidebar menu with a search bar and several categories: 'Beranda', 'Tentang Kami', 'Kontak', 'Galeri', 'Blog', 'Kategori', 'Tag', 'Archives', 'Sitemap', and 'Privacy Policy'. The main content area is titled 'Beranda' and lists several articles with their titles, authors, and dates. The articles are: 'Kelas Matematika' by Admin, 'Kelas Matematika' by Admin, 'Kelas Matematika' by Admin, 'Kelas Matematika' by Admin, 'Kelas Matematika' by Admin, 'Kelas Matematika' by Admin, 'Kelas Matematika' by Admin, 'Kelas Matematika' by Admin, 'Kelas Matematika' by Admin, and 'Kelas Matematika' by Admin. Each article has a 'Read More' link.

- **www.edu.uz** - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти. Саҳифада олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳақида, абитуриентлар учун фойдалли тавсия ва маълумотлар келтирилади. Ўқитувчилар учун методик тавсия, йўриқнома

ва грантлар ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Вазирлик фаолиятига, таълимга оид ҳужжатлар, медиатека мавжуд. Мурожаат учун интерактив хизматдан фойдаланиш мумкин.

- **www.uzedu.uz** – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти. Саҳифада вазирликнинг раҳбарияти, марказий ва ҳудудий аппарати, ҳудудий бўлимлари, янгиликлар, лойиҳа ва танловлар ҳақида маълумотлар келтирилади. Саҳифада умумий ўрта таълим мактаблари учун фанлар ва синфлар кесимида электрон дарсликлар, мултимедиали таълим ресурслари, видеодарслар, такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари, режалари ва услубий тавсияномалар ва бошқа маълумотлар жойлаштирилган. Вазирлик фаолиятига оид, таълимга оид ҳужжатлар, медиатека мавжуд. Мурожаат учун интерактив хизматдан фойдаланиш мумкин.




- **<http://www.ntmd.uz>** – Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви саҳифаси. Унда архив тарихи, янгиликлари, қонунчиликка оид маълумотлар келтирилади. Архив фонди маълумотлари тавсифи келтирилади. Ушбу мазмун билан қуйида танишиш мумкин:



Архивга саволлар билан мурожаат этиш мумкин. Бунинг учун он-лайн қабулхона хизматидан фойдаланиш мумкин.

- **www.cer.uz** – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тадқиқотлар Маркази саҳифаси. Марказ фаолиятига ва хизматларга оид маълумот, янгиликлар, кутубхона ва журнал архивлари мавжуд. Мурожаат учун интерактив хизматдан фойдаланиш мумкин.

- **www.lex.uz** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази саҳифаси. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, кодекслари, фармонлар ва қарорлар омборидир. Унда кидирув тизими мавжуд бўлиб, маълумотларни тоифасига асосан ёки номига асосан топиш мумкин.



Саҳифада маълумотлар мунтазам равишда, янгилиниб туради ва ундан деярли барча корхона фойдаланади. Савол билан мурожаат этиш мумкин. Янгиликлар,

маълумотномалар ва нашрлар келтирилади. Саҳифанинг ва-зифаси аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, қонунчилик ҳужжатларидан юридик ва жисмоний шахслар-нинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштиришдан иборатдир. Ҳужжатлардан фойдаланиш учун рўйхатдан ўтиш мажбурий эмас. Рўйхатдан ўтиш тизимдаги қўшимча (норматив ҳужжатнинг ўзгаришларини кўриш, ҳужжатларни кенгайтирилган параметрлари бўйича излаш, электрон поч-та орқали қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида хабар олиш каби) имкониятларидан фойдаланиш учун зарур. Тизим фой-даланувчилари учун қўлланма мавжуд.

- **www.uzscience.uz** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни ривожлан-тиришни мувофиқлаштириш қўмитаси саҳифаси. Саҳифада қўмита фаолияти, тадқиқотлари, норматив ҳужжатлари, тад-бирлари ҳақида тўла маълумот олиш мумкин. Мурожаат би-лан интерактив хизмат имкониятидан фойдаланиш мумкин.
- **www.nhrc.uz** – Сайт Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари



соҳасидаги дав-лат сиёсати, ин-сон ҳуқуқларига оид дунё янги-ликлари, мам-ла к а т и м и з д а амалга оширила-ётган суд-ҳуқуқ и с л о ҳ о т л а р и ҳақида кенг жа-моатчиликни

хабардор қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бо-ришда асосий восита вазифасини бажаради. Сайтдан Мил-лий марказ муассислигида чоп этиладиган журналлар ва уларнинг мундарижалари ҳақида маълумот олиш имкони-яти мавжуд. Шунингдек, масофадан туриб, Ахборот-ресурс марказида мавжуд нашрлар ва адабиётлар каталоги билан танишиш мумкин. Бундан ташқари, фото, аудио ва видео форматдаги маълумотларни қамраб олувчи медиатека бўлими ҳам мавжуд.



- **www.chamber.uz** – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат



палатаси веб-саҳифаси. Унда палата фаолияти ва хизматларига оид, тадбиркорлар учун зарур бўлган, тендорлар ҳақидаги, лойиҳаларга оид ва сармоядорлар

эътибори учун маълумотлар батафсил келтирилади.

Саҳифада тадбиркорлар учун глоссарий, он-лайн кутубхона, палата бизнес борасида ўқув курслар рўйхати ва фойдали маълумотлар ва веб-ресурслар келтирилади. Он-лайн кутубхонада тадбиркорликка оид палата қўлланма ва тавсиялари жойлаштирилган. Уларнинг рўйхати билан қуйида танишиш мумкин:



Тадбиркорлар учун глоссарийда тадбиркорлар фаолиятида зарур бўлган атама ва терминлар изоҳи жойлаштирилган.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармалари ҳақида маълумотларни саҳифадан олиш мумкин. Шу билан бирга, саҳифада саволлар билан мурожаат этиш ва янгиликларга обуна бўлиш мумкин. Инфокиоск, виртуал офис ва ягона ойна хизматларидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

- **www.businessinfo.uz** – «Ўзбекистон Бизнес Форуми» лойиҳаси саҳифаси. Унда тадбиркорлар фаолияти учун зарур маълумотлар жамланган. Тадбиркорлар савол билан мурожаат қилиш имконияти мавжуд.
- **www.upay.uz** – Урау тизими саҳифаси. У Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси мутахассислари томонидан яратилган. Ушбу тизим мобил телефон ёрдамида СМС юбориш орқали тўловни амалга оширишга имкон беради. Ушбу хизмат ёрдамида тўловларни амалга ошириш мумкин.
- **<http://mikrokreditbank.uz>** – Юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатувчи Микрокредитбанк акциядорлик-тижорат банки саҳифаси.
- **www.uza.uz** – Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги



ги саҳифаси. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги давлат расмий ахборот манбаи ва мамлакатдаги етакчи ахборот агентлигидир. ЎЗА Республика давлат органлари фаолияти ва мамлакатдаги муҳим ижтимоий-си-

ёсий воқеаларни тўлалигича ёритиб боради. Унда турли мавзудаги маълумотлар ва ахборот агентликлари ҳақидаги

маълумотларни, жамият, иқтисодиёт, фан, маданият, спорт ва туризмга оид янгиликларни олиш мумкин.

Маълумотлар ўзбек, рус, инглиз, француз, немис, испан, араб ва хитой тилларида берилади. Саҳифа янгиликларига обуна бўлиш мумкин. Бунинг учун обуна хизматидан фойдаланиб, ҳосил бўлган саҳифада зарур майдонларни киритиб, маълумотни жўнатиш зарур.

- **www.infocom.uz** – infoCOM.UZ ахборот-таҳлилий журналининг электрон версияси. Унда АКТ ривожланишига оид интервьюлар, янгиликлар, шарҳ ва фикрлар, лойиҳалар ва турли тадбирлар ҳақида маълумот ёритилади.



Журналнинг электрон версиялари архиви мавжуд. Улардан фойдаланиш мумкин. Янгиликларга обуна бўлиш мумкин.

- **www.uzreport.com** – Ахборот таҳлилий портали. Ўзбекистон



ва чет эл янгиликлари ва хабарлари келтирилади. Тендорлар, вакансиялар ҳақидаги ва ҳоказо маълумотлар билан танишиш мумкин. Янгиликларга обуна бўлиш мумкин.

- **<http://kun.uz>** – Кун интернет-нашри. Кун интернет-нашри



2012 йил январь ойида иш бошлаган. Нашр ўз олдида Ўзбекистон ва жаҳонда содир бўлаётган энг муҳим воқеа-ҳодисалар

ҳақида тезкор, аниқ ва холис ахборот беришни мақсад қилиб қўйган. Янгиликлар архиви мавжуд.

- **www.daryo.uz** – «Дарё» – бу жаҳонда ва Ўзбекистонда содир



бўлаётган сўнги янгиликларни фойдаланувчиларга содда ва тушунарли тилда ҳамда тезкор етказиб беришга мўлжалланган интернет-

нашрдир. Унда Ўзбекистон ва жаҳонда содир бўлаётган энг муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумотлар келтирилади. Унда ёшлар учун қизиқарли бўлган жаҳон ва маҳаллий янгиликлар, мобил қурилмалар ва бошқа турдаги қурилмалар, шоу-бизнес олами, авто ва спорт янгиликлари берилди. Сайдта “кун тарихи” ва “биласизми?” номли хизматлар мавжуд. Янгиликлар архиви мавжуд.

- **www.uz24.uz** – Ўзбекистонда содир бўлаётган сўнги янги-



ликларни ёритувчи интернет-нашрдир. Унда энг сўнги жамиятдаги, сиёсат, иқтисод, маданият ва спорт ҳамда технологиялар соҳасидаги ян-

гиликлар ва тадбирлар ҳақидаги маълумотлар ёритилади. Ахборот видео ва радиолавлари ҳам мавжуд. Уларнинг архиви саҳифада жамланган.

- **www.12news.uz** – 12news.uz хабар агентлиги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва спорт ҳаётини ёритиб боради. Агентлик ходимлари мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган барча воқеалардан сайт ўқувчиларини хабардор қилади. Янгиликлар архиви ва қидирув тизими хизмати мавжуд.
- **<http://anhor.uz>** - Anhor.uz – бу Ўзбекистонда содир бўлаётган сўнгги янгиликларни ёритувчи интернет-нашрдир. Унда Ўзбекистонда содир бўлаётган янгиликлар, тадбирлар, технологиялар келтирилади. Саҳифада муаллифларнинг аналитик шарҳлари ва фоторепортажлари билан танишиш мумкин. Муаллифлар рўйхати келтирилади.
- **www.eduportal.uz** – Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Ахборот таълим портали саҳифаси. Унда фанлар бўйича электрон ахборот-таълим ресурслар, виртуал лабораториялар, мультимедиа маҳсулотлар, видео-дарслар, электрон кутубхона, веб-мактаб ва веб-боғча хизматлари мавжуд. Саҳифада дарсликларнинг электрон версияси жойлаштирилган, уларнинг нусхасини кўчириб, фойдаланиш мумкин. Куйидаги дарчада уларнинг рўйхати билан танишиш мумкин:



- **<http://multimedia.uz>** – Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мультимедиа маркази. Унда марказ фаолияти ҳақидаги маълумотлар, мультимедиа маҳсулотлари, китоблар ва қўлланмалар жамғармаси мавжуд. Сайтдаги таълим ресурслари очик ҳолда жойлаштирилган бўлиб, улардан Интернет орқали фойдаланиш ва кўчириб олиш имкониятлари яратилган. Ахборот-коммуникация технологияларига оид ва бошқа янгиликлар билан мазкур сайтда танишиш мумкин. Саҳифада мультимедиа студия хизмати ҳақида батафсил маълумот келтирилади.
- **<http://www.avloniy.uz>** – Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти саҳифаси. Сайтда институт тарихи, фаолияти, малака ошириш курслари ҳақида маълумотлар жамланган. Янгиликлар мунтазам равишда келтирилади. Саҳифада масофадан ўқиш курслари – виртуал курслар рўйхати келтирилади. Институт Ахборот Маркази, унинг хизматлари, электрон ва виртуал кутубхонаси ҳақида батафсил маълумот берилди. Электрон кутубхона мазмуни билан танишиш мумкин. Электрон кутубхона янги ресурслар билан мунтазам равишда бойитилади.



- **<http://www.rtm.uz>** – Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Республика Таълим Маркази саҳифаси. Сайтда янгиликлар, бошланғич таълим учун тавсиялар, давлат таълим дастурлари ва тажриба синов дастурлари келтирилади. Интерактив хизмат ёрдамида савол билан Республика таълим Марказига мурожаат этиш мумкин.

-

он-лайнда фойдаланиш ва шахсий ресурсларни киритиш мумкин.

-

хаси. Саҳифада
янгиликлар
маъмурий
ҳужжатлар, таъ-
лим, спорт, ма-
даният, лойи-
ҳаларга оид
маълумотлар
ёритилади.

-
- The screenshot shows the official website of the Ministry of Internal Affairs of the Russian Federation. The page is titled 'Правовая информация' (Legal Information). It features a search bar at the top, a navigation menu on the left, and a main content area displaying a list of legal acts. The first document listed is the 'Закон Российской Федерации от 12.01.2014 № 1-ФЗ 'О полиции'' (Federal Law of January 12, 2014, No. 1-ФЗ 'On the Police'). The page is in Russian and includes a search bar, navigation menu, and a list of documents.

риентлар учун
фойдали бўлган
маълумотлар ва
тавсиялар кел-
тирилади. Аби-
туриентлар тест
мисоллари ёрда-
мида ўзини тек-
шириши мум-
кин.

- **www.natlib.uz** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси саҳифаси. Саҳифада кутубхона ҳақида, китобхонлар учун маълумотлар, тadbирлар ҳақида, мута-

хассислар учун маълумотлар ва фойдали ресурслар мавжуд. Фойдали ресурслар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади: ISBN, ISSN, диссертациялар рўйхати, мультимедиа маълумотлар рўйхати, чет эл электрон ресурслари ва электрон ресурслар.



Саҳифада кутубхона мультимедиа маҳсулотлари рўйхати келтирилади, унда видео ва аудио файллар тўплами жамланган. Рўйхатдаги материаллар нусхасини олиш мумкин.

Саҳифада китобхонлар мурожаати учун интерактив ва форум хизматларидан фойдаланиш мумкин. Китобхон ID-картаси рақами ёрдамида кутубхона он-лайн хизматидан фойдаланиши мумкин. Шу билан бирга, маълумотларни электрон етказиб бериш хизмати ҳам мавжуд. Ундан фойдаланиш тартиби келтирилган.

- **<http://infolib.uz>** – Республика ахборот-кутубхона маркази саҳифаси. Унда марказ фаолияти, норматив ҳужжатлар, лойиҳа ва тадбирлар, хизматларга оид маълумотлар келтирилади. Саҳифада кутубхонанинг халқаро ҳамкорлик фаолияти билан танишиш мумкин. Кутубхона ВИНТИ, «Электрон архив» корпорацияси, ГПНТБ, Россия Миллий кутубхонаси билан ҳамкорлик қилади. Саволлар билан мурожаат учун интерактив хизмат мавжуд.

- **<http://kutubxona.uz>** – Kutubxona.uz журнали саҳифаси.



Саҳифада журнал янгиликлари, эълонлар, муаллифлар учун маълумот ва журнал архивлари жойлаштирилган.

- **<http://ebiblioteka.uz>** – Республика Илмий Педагогик кутубхона веб-саҳифаси. Унда янгиликлар, кутубхона фаолияти ва фонди, тадбирлар ва фойдали ресурслар ҳақида маълумотлар келтирилади. Кутубхонада таълим соҳаси мутахассислари, илмий изланувчилар ва талабалар учун, ўқитувчилар ва ота-оналар учун фойдали маълумотлар мавжуд. Кутубхонага савол ва сўровлар билан мурожаат этиш мумкин.

- **www.kitob.uz** – Республика болалар кутубхонаси саҳифаси.



Кичик ёшдаги болалар учун китоблар, дарсликлар, эртак ва ҳикоялар, ривоятлар ва Ҳикматлар саҳифада жамланган. Ота-оналар учун қўлланмалар ва

тавсиялар мавжуд.

- **www.literature.uz** – Ўзбекистон адабиётига бағишланган саҳифадир. Унда шоирлар ва ёзувчилар ҳақида ва уларнинг асарларидан мисоллар келтирилган.
- **<http://fmc.uz>** – Ўзбекистон бухгалтерлари ва тадбиркорлари учун саҳифа. Унда бухгалтерия ҳисоботлари, солиқ ва тадбиркорликка оид маълумотлар мавжуд ва уларда форумда муҳокама қилинади. Саволлар билан мурожаат этиш хизмати мавжуд.

- **<http://kamolot.uz>** – «Камолот» ЁИХ портали. Унда ёшлар учун янгиликлар, грант, танлов ва лойиҳалар ҳақида, кутубхона, статистика маълумотлари берилади.



- **<http://mtpeu.uz>** – «Бошқарув Кадрларни тайёрлаш» дастури саҳифаси. Ушбу дастур Ўзбекистон кичик ва ўрта бизнес корхоналари раҳбарларининг салоҳиятни мустаҳкамлаш, корхоналарнинг унумдорлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган. Дастур Европа Иттифоқи томонидан молияштирилади.
- **www.edunet.uz** – Мактаблараро Ресурс маркази саҳифаси. Унда мактаб ўқитувчилари учун фойдали бўлган турли фанлардан ўқув ва методик қўлланмаларни топиш мумкин. Саҳифа форумида мунтазам равишда, ўқитувчилар ҳамкасблари билан ўқув жараёнида АКТ имкониятларидан фойдаланиш малакаси билан тажриба алмашадилад.
- **<http://uz-translations.uz>** – Uz-Translations Ўзнетнинг биринчи тил бўйича саҳифасидир. Унда турли тилларга оид ўқув мате-


риаллари, луғатлар, дастурлар, аудио ва видео курслар жамланган. Тилни ўрганиш бўйича он-лайн курслар рўйхати келтирилади.

- **www.kultura.uz** – Маданият олами янгиликлари ва Ўзбекистон маданияти ҳақида маълумотлар, театр, кино ва кўргазмалар тақдимотлари ҳақида хабарлар ва янгиликлар берилади.
- **www.zamondosh.uz** – Ўзбекистон маданияти, спорти, санъати, миллий анъана ҳамда урф-одатларига оид янгиликлар, қизиқарли мақолалар келтирилади.
- **www.bepro.uz** – BePro маркази Ўзбекистон АКТ бозорида 9 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Марказ 2013 йилгача “Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази” деб аталган. Марказ АКТ соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича семинар ва тренинглари олиб боради.
- **www.micros.uz/learning** – «UCD MICROС» 1997 йилдан буён



АКТ бўйича тренинглари олиб боради. Марказ Microsoftнинг таълим бўйича ҳамкори бўлиб ҳисобланади. Марказ АКТ соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тренинглари олиб боради.

- **www.sledu.uz** – Softline Education ўқув маркази саҳифаси. Саҳифада АКТ бўйича халқаро ва маҳаллий курслар тавсифи, янгиликлар, сертификацияга оид маълумотлар билан танишиш мумкин. Курсларга он-лайн ариза юбориш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, курслар бўйича малакали менежерлар маслаҳатлари ва тавсияларини олиш



нинглари – Softline Educationдан самарадорлик тренинглари жорий этди ва олиб бормоқда.

- **www.uff.uz** – Футбол янгиликлари, ахборотлари ва ўйинлари ҳақидаги маълумотларга бағишланган саҳифа.
- **<http://museum.kr.uz>** – Қорақалпоғистон давлат санъат музейи саҳифаси. Унда янгиликлар, музей ҳақида, музей фонди ҳақида маълумотлар келтирилади. Музей фондида археологияга оид ва халқ амалий санъатига оид экспонатлар ҳақида батафсил маълумот берилади. Музейга саволлар билан мурожаат этиш мумкин. Музей Марказий Осиёдаги энг яхши бадий жамғармалардан биридир. Унда 90 мингга яқин эрамизнинг III асридан ҳозирги кунгача бўлган экспонатлар жамланган. Саҳифада археология ва халқ амалий санъатига оид экспонатлар келтирилган.



воллар билан мурожаат этиш мумкин. Музей Марказий Осиёдаги энг яхши бадий жамғармалардан биридир. Унда 90 мингга яқин эрамизнинг III асридан ҳозирги кунгача бўлган экспонатлар жамланган. Саҳифада археология ва халқ амалий санъатига оид экспонатлар келтирилган.

**ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ОН-ЛАЙН
ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР**

*Интернетнинг виртуал имкониятларидан бизнесда қандай қилиб,
унумли фойдаланиш мумкин*

Қўлланма

Муҳаррир: **Д. Маджидова**
Дизайнер ва компьютерда саҳифаловчи: **Д. Титаренко**

Босишга рухсат этилди. 2016 йил 5 январь. Ҳажми 11 б.т.
Офсет босма усулида. Адади 1000 дона,
буюртма №1

infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти
Тошкент шаҳри, Ал Фарғоний кўчаси, 19

«Картография» ДИИЧКда чоп этилди

Тадбиркорлар учун он-лайн интерактив хизматлар

*Интернетнинг виртуал имкониятларидан
бизнесда қандай қилиб, унумли фойдаланиш мумкин*

- *Интернет технологиялари ҳақида нималарни билиш зарур?*
- *Интернетда ахборот таъминоти ва хавфсизлиги*
- *Интернетда тез мулоқот қилиш турлари ва улардан фойдаланиш тартиблари*
- *Интернетда бизнесни юритиш ва ривожлантириш тартиби*
- *Электрон ҳукумат имкониятларидан унумли фойдаланиш*
- *Электрон таълим*

Европа Иттифоқининг
Ўзбекистондаги Делегацияси
Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, 100084,
Амир Темур шоҳ кўчаси, 107Б.
Тел: (+998-71) 120-16-01/02/03/04/05
Факс: (+998-71) 120-16-08
E-mail: delegation-uzbekistan@eeas.europa.eu
http://eeas.europa.eu/delegations/uzbekistan/index_ru.htm

Ўзбекистон Республикаси
Савдо-саноат палатаси
Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, 100047
Амир Темур шоҳ кўчаси, 4
Телефон: (+998-71) 150-60-06
Факс: (+998-71) 232-09-03
E-mail: info@chamber.uz
Web: www.chamber.uz

БМТ Тараққиёт Дастурининг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси
Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, 100015,
Миробод кўчаси, 41/3
Телефон: (+998-71) 120-34-50
Факс: (+998-71) 120-34-85
E-mail: registry.uz@undp.org
Web: www.uz.undp.org

ISBN-978-9943-392-14-4



9 789943 392144